O'ZB. RESPUBLIKASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **22** июнь, жума № **25** (2204).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **22** июня, **2007** год, № **25** (2204).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ислом КАРИМОВ

«УНИВЕРСИАДА-2007» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида барча спорт ишқибозлари ва ихлосмандларининг, бутун Ўзбекистон ёшларининг эътиборини ўзига тортадиган катта бир воқеа - "Универсиада-2007" ўйинларининг тантанали очилиши билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимизга қўяр эканмиз, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Бугун сизларга ўз бағрини очаётган муҳташам стадион ва спорт майдонларига тўпланган сиз, азиз фарзандларимиз ва барча тенгдошларингиз учун бу ҳақиқат яхши аён, деб ўйлайман.

Ана шундай вазият, дунё миқёсида тобора кучайиб ва мураккаблашиб бораётган кураш униб-ўсиб келаётган авлоддан миллий ва умуминсоний қадриятларни, замонавий илм-фан ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш, ўзининг бор кучи ва салоҳиятини эл-юртимиз манфаати ва келажаги йўлида сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда ўғил-қизларимизнинг ёшлик чоғидан жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, ҳеч кимдан кам бўлмасдан юксак спорт чўққиларини эгаллаши алоҳида ўрин тутади.

Айни шу мақсадда юртимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб фарзандларимиз қалбида спортга меҳр ва ҳавас уйғотиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спорти ривожи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шаҳар ва қишлоқларда, мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлари қошида энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари ва иншоотлари барпо этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ва бундай кенг кўламли ишларимизнинг натижаси ва самарасини бугун ҳар қадамда кўрмоқдамиз.

Бугунги кунда Руслан Чагаев ва Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гўзал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва қитъа беллашувларида ёркин ғалабалари билан Ватанимиз шуҳратини тараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратда қолдирмоқда.

Энг муҳими, ана шундай фидойи ўғил-қизларимиз тимсолида мамлакатимизнинг ўсиб-янгиланиб, кучли ва қудратли давлатга айланиб бораётгани яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз шарафига баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи минг-минглаб спорт ихлосмандлари, халқаро жамоатчилик томонидан қизғин олқишлар билан кутиб олинаётганининг ўзи шу юртда яшаётган ҳар қайси инсонга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиши шубҳасиз.

Шу борада уч босқичдан иборат узлуксиз тизим - "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйиндари бу йўналишдаги амалий ишларимизнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Спортга ёшликдан ихлос қўйиб, унинг сир-асрорларини ўрганиш, машаққатли машғулотларда чиниқиш, иродасини тоблаш, мардлик ва матонат, ўз-ўзини енгиш, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини сафарбар этиш каби хусусиятларни камол топтириш айнан мана шу уч поғонали ноёб тизимнинг моҳиятини ташкил этиб, миллионлаб ёшларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун бошланаётган, ана шу мактабнинг юқори босқичи бўлган Универсиада ўйинлари ҳам азму шижоат ва қатъиятлик, холислик ва ҳалоллик, ўз рақибига ҳурмат, бир сўз билан айтганда, ғалабага бутун борлиғи билан интилиш ва бағрикенглик туйғуларини намоён этадиган чинакам кураш майдони бўлади, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Сизларнинг мана шундай олижаноб фазилатларингизни, кескин ва муросасиз беллашувлар натижасида юксак шоҳсупаларга кўтарилишингизни оила аъзоларингиз, тенгдошларингиз телевидение ва матбуот орқали ҳаяжон билан кузатиб бориши, бу ўйинлар барча спорт мухлислари, бутун халқимизнинг эътибор марказида бўлиши табиий, албатта.

Қадрли ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, ғалаба, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Ўз ақл-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-ғайратингизга, тоғдек таянчингиз – буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Комолидин ТЎРАЕВ суратга олган.

Машқларда тобланар юртим посбони!

ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ – ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 21 июнь куни Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрди.

Юртбошимиз реконструкция қилинаётган Наманган аэропортида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Реконструкция ва таъмирлаш ишлари якунига етгач, шаҳар ҳаво порти халқаро аэропорт мақомини олади. Шу кунга қадар кутиш заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими янгиланди.

Давлатимиз раҳбари аэропортни замонавий талабларга мос, юқори даражада сервис хизмати кўрсатадиган, йўловчилар учун барча қулайликларга эга ҳаво портига айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Реконструкция ва таъмирлаш ишларини белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш борасида мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали Тўрақўрғон туманида жойлашган. Филиал ғўза селекцияси ва уруғчилиги, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишда алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориладиган йирик илмий марказлардан ҳисобланади. Бу ерда кузги буғдойнинг "Тўрақўрғон-И" нави яратилди ва 2005 йили давлат реестрига киритилди. Айни пайтда филиал ходимлари томонидан яратилган ғўзанинг "Тўрақўрғон-1", "Тўрақўрғон-2", "Тўрақўрғон-3" навлари ҳам синовдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу илмий марказда олимлар ва бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди. Уларнинг меҳнат ва турмуш шароити билан қизиқди. Юртбошимиз олимлар кўрки ва таянчи бўлган хотин-қизларнинг оиладаги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мавқеи ва фаоллигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди.

– Аёл ўзини бахтли ҳис этса, оила ҳам бахтли бўлади, – деди Юртбошимиз. – Халқимиз – болажон халқ. Бизнинг орзу-ҳавасларимиз, ниятларимиз – барча-барчаси фарзандларимиз камоли билан боғлиқ.

Президентимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, халқнинг тўкинлиги кўп жиҳатдан қишлоқларимиз фаровонлиги билан боғлиқ.

– Қишлоқларнинг ободлиги фермерлик ҳаракати, тадбиркорлик ва хусусий бизнес ривожига бевосита боғлиқ. Юртнинг истиқболини таъминлайдиган, эл юкини кўтара оладиган фермерлар, тадбиркорлар Наманган вилоятида ҳам кўпчиликни ташкил этади, – деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятдаги фермерлар сони салкам 13 мингта етди. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкатлар бутунлай тугатилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш тўлиқ фермерлар зиммасига ўтди.

Қарийб 200 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган наманганлик миришкорлар 103 минг гектардан зиёд майдонда ғўза парваришламоқда. 74 минг 272 гектар ерда пишиб етилган ғалла эса ўриб-йиғиб олинмоқда.

– Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишда ривожланган давлатларда синовдан ўтган самарали йўлни – фермерликни танладик, – деди Ислом Каримов. – Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатмоқда, яъни ўз самарасини бермоқда. Буни Наманган вилояти фермер хўжаликларининг пахтачиликдаги улуши 82, ғаллачиликдаги ҳиссаси 86 фоизга етганидан ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

АХБОРОТ АСРИДА – ЎЗБЕК МАТБУОТИ

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутишини яхши биламиз. Негаки, оммавий ахборот воситалари халқ билан ҳокимиятни боғлаб турувчи кўприк, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси ҳисобланади.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

«УНИВЕРСИАДА» – УМИД ЮЛДУЗЛАРИМИЗНИ ЧАҚНАТАР

Юртбошимиз ташаббуси билан асос солинган уч босқичли тизим бугун ҳар томонлама шаклланган. Баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган ўзимизга хос, ўзимизга мос бундайин тизимнинг самара бераётгани кишини қувонтиради. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари орқали ўсиб келаётган ёш навниҳолларда нурли истиқболга ишончни, комилликка, матонатга, жасоратга, спорт орқали дунёга ўз сўзини айтишга бўлган қатъиятни шакллантираётганимизни, демакки ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдиган авлодни тарбиялаётганимизни ўйлаганимизда кўнгиллар фахрга, ғурурга тўлади.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ОФИЦЕРСКОМУ КОРПУСУ – ДОСТОЙНОЕ ПОПОЛНЕНИЕ

Созданная под руководством Президента И. А. Каримова за годы независимости система подготовки офицерских кадров, нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирование их всестороннего интеллектуального развития, коренным образом изменила их качественный состав и позволяет укомплектовывать Вооруженные Силы нашей страны подготовленным, современно мыслящим командирским составом, отвечающим высоким требованиям нашего времени.

(Продолжение на 3-й стр.).

«УНИВЕРСИАДА–2007» КУНДАЛИГИ

"Универсиада-2007" спорт мусобақалари иштирокчилари 21 июнь куни эрталаб ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

– Универсиада мусобақалари очилиши олдидан Ватанимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимиз барча тенгдошларим қатори менинг ҳам қалбимни чуқур ҳаяжон ва фахрга тўлдирди, – дейди Жиззах Давлат педагогика институти талабаси Дилноза Аҳмедова. – Пойтахтимиз эса жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланибди. Биз бу ерда янгидан-янги бинолар, йўллар, кўприклар, спорт мажмуалари барпо этилганининг гувоҳи бўлдик.

●

Халқаро Олимпиада ўйинлари машъаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида қуёш нурларидан аланга олдирилади. Бундай ноёб хусусиятга эга маскан ер юзининг саноқли жойида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида бор.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари машъалалари айнан шу ерда – Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг "Универсиада-2007" мусобақалари машъаласи ҳам 21 июнь куни шу ерда аланга олдирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Солиҳов иштирок этди.

●

Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада-2007» спорт мусобақаларини очиқ деб эълон қилади.- "Универсиада-2007" спорт мусобақалари пойтахтнинг «Ёшлик» спорт мажмуида очилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

●

Мусобақаларнинг дастлабки олтин медаллари соҳиб ва соҳибалари аниқланди. Етти вазн тоифасида ўтган кураш бўйича беллашувларда Шамсиддин Саидов, Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриев ва Вячеслав Перетейко, бухоролик Ринат Собиров, самарқандлик Сергей Лим ҳамда хоразмлик Нурбек Искандаров, сузишда эса Мария ва Данил Бугаков олтин медалларга сазовор бўлишди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.



2 ХИЗМАТ ЖОЙИМ – САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИ

ПУХТА, ҚУЛАЙ ВА МАНЗУР

3 «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ОСОЙИШТАЛИККА КАМАРБАСТАЛАР

5 POSBON BO'LAR YIGITNING MARDI

MASHQLARDA TOBLANAR MAHORAT

12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

«ШЕЪРЛАРИМ – КЎНГЛИМ ТАСКИНИ»

ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ – ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Фермерликни бошлаганимга ўн бир йил бўлди, – дейди Косонсой туманидаги "Тошкент" фермер хўжалиги раҳбари Каримахон Бобохонова. – Мен оддий бир қишлоқ аёли эдим. Фермер бўлиб, дунё кўрдим – кўплаб мамлакатларга бордим. Хўжалигимизнинг 83 гектар ери бор. Ўтган йили 32 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳозир тикувчилик цехи очиш ҳаракатидамиз.

– Фермерлик туфайли ўғил-қизларим олий маълумотли, уйли-жойли бўлди. Фарзандларим ёнимга кирди. Чўл ҳудудида жойлашгани боис еримизнинг унумдорлиги нисбатан пастроқ. Аммо қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, – дейди Мингбулоқ туманидаги "Юсуф бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсупов.

Президентимиз унумдорлиги паст ерларда деҳқончилик қилаётган фермерларга муайян имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлади.

Фермерларимиз деҳқончилик билан чекланиб қолмай, қўшимча соҳалар, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратсалар, олаётган даромадлари янада ошади. Буни Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

– 216 гектар еримиз бор, – дейди Ҳ.Мўйдинхўжаев. – Асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. 600 бош қорамолимиз бор. Хўжалигимизда бир кунда 2 минг литрдан кўпроқ сут соғиб олинади. Замонавий технология асосида ўзимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлаяпмиз.

Юртбошимиз «Чашмаи сафед» каби фермер хўжаликлари тажрибасини оммалаштириш, бошқаларга ҳам қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда ёрдам бериш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

– Қишлоқ аҳолисининг тақдири фақат деҳқончиликка боғланиб қолмаслиги керак, – деди Юртбошимиз. – Тадбиркорлик билан шуғулланиши учун уларга янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришимиз лозим. Токи, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис хизмати тизими замон талаби даражасида ривожлансин. "Микрокредитбанк" бу борадаги ишларни янада кенгайтирмоғи лозим.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини иелоҳ қилишга, аҳолининг тиббий маданиятини, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги эзгу ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, жойларда янги тиббиёт муассасалари, соғломлаштириш масканлари барпо этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ана шундай муассасалардан бири – Наманган шаҳридаги "Saydana" тиббиёт маркази фаолияти билан танишди. Ушбу марказда замонавий лаборатория, радиология, эндоскопия, кардиология бўлимлари мавжуд.

Ислом Каримов шаҳарнинг "Тинчлик" майдонида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Наманганнинг асосий майдони баҳаво ва яшил ҳудудга, вилоят аҳлининг севимли масканига айланиши лозимлигини алоҳида уқтирди.

Президентимиз Ислом Каримов кунинг иккинчи ярмида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги "Ихлос барака" фермер хўжалиги шийпонида фермерлар, туманлар ҳокимлари, банклар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бугунги кунда фермерлик ҳаракати вилоятда қандай ривожланаётгани, андижонликлар тафаккурида мулкка, ерга эгалик туйғуси қай даражада шаклланаётгани, шунингдек, фермерларнинг эришган ютуқлари ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар билан қизиқди.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бироз кечроқ бўлса-да, вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик жадал ривожланмоқда. Бошқача айтганда, Андижонда ҳам ер ўз эгасини топди.

Вилоятда 16 минг 193 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар 239 минг гектар ернинг соҳиби ҳисобланади. Фермерлар ўтган даврда пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини амалда исботлади: 2006 йили вилоят пахтакорлари етиштирган пахтанинг 64,3 фоизи айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Жорий йилда вилоят миришкорлари 113 минг 200 гектар ерда ғўза парваришламоқда. Вилоят бўйича бу йилги ялпи пахта ҳосили мўлжали – 349,7 минг тонна. Ана шу шартнома мажбуриятларини кўнгилдагидек адо этишда фермер хўжаликларининг улуши катта бўлиши кутилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда кузги буғдойнинг истиқболли "Андижон-1", "Андижон-2", "Чиллаки" каби навлари синовдан муваффақиятли ўтди. Жорий йилда 75,4 минг гектар майдонда ғалла етиштираётган вилоят деҳқонлари 453,7 минг тонна ҳосил кўтаришни мўлжаллаган. Ҳозирги вақтда вилоят далаларида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирган. Шу кунгача далалардаги ҳосилнинг қарийб 60 фоизи йиғиштириб олинди.

Олтинкўллик Сиёсатхон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган "Олтин водий гулшани" фермер хўжалиги 33 гектар майдонда етиштирилган ғалладан мўл-кўл ҳосил олиб, шартнома мажбуриятини 106 фоиз бажарди.

– Ортиб қолган ғалламиз уй солишга ҳам, тўй қилишга ҳам етади, – дейди фермер. – Фермерликда барака бор экан. Шу йилнинг ўзида 25 миллион сўм даромад олдик. Бу даромаддан ишчиларимиз ва уларнинг оила аъзолари баҳраманд бўлмоқда, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йилида эҳтиёжманд кишиларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаяпмиз. Даромадимиздан қўшимча техника олмоқчимиз.

Жалақудуқ туманидаги Шерали Назаров раҳбарлик қилаётган "Намуна ибрат сарвари" фермер хўжалиги аъзолари 36 гектар ерда миришкорлик қилиб, пахта ва ғалла мавсуми якуни бўйича 41 миллион сўм даромад топдилар. Ш.Назаров халқимизга ерга эгалик ҳуқуқини қайтариб беришнинг, фермерлик ҳаракати юртимизда кенг жорий этилишининг ташаббускори бўлган Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

– Шартномани бажарган, мажбуриятлардан қутилган фермер ортиб қолган ҳосилига тўлалигича ўзи эгадир, - деди давлатимиз раҳбари. – Шартнома ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан қонун даражасига тенг ҳужжат эканини доимо ёдда тутиш даркор.

Андижонда 80 саноат корхонаси мавжуд. Вилоятнинг Балиқчи туманидаги "Алишер Навоий" акционерлик жамияти ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда ҳар куни 25 тонна тола қайта ишланади ва сифатли ип-калава тайёрланади. Ўтган йили корхонада 300 янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Корхона раҳбари Ҳайитбой Абдулҳакимовнинг айтишича, ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилиши маҳсулот сифати юқорилигини, унинг наинки ички бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам рақобатбардошлигини таъминламоқда. Бу, ўз навбатида, экспорт салоҳиятининг юксалиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда қатор Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Россия каби мамлакатлар корхона маҳсулотларининг фаол харидорлари ҳисобланади.

Ислом Каримов ушбу корхона фаолияти билан танишди. Ишчилар билан суҳбат асносида уларнинг иш ва турмуш шароити билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театрини ҳам кўздан кечирди, театр жамоаси билан мулоқотда бўлди.

– Вилоят театри шундай муҳташам бинога эгалиги ушбу заминда маънавият илдизлари мустаҳкамлигидан далолатдир, – деди Президентимиз. – Театр санъаткорлари бугунги буюк ўзгаришларни, тарихимиз ва ёруғ келажагимизни ёркин бадиий образларда тараннум этиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий камолоти йўлида муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Шу билан Президентимизнинг Наманган ва Андижон вилоятларига сафари ниҳоясига етди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Ғулом МИРЗАЕВ,
Илҳом РАЗЗОҚОВ,
Саид ШУКУРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Идет летняя боевая учеба

...И ОДИН В ПОЛЕ – ВОИН

В первый месяц летнего периода обучения в подразделениях согласно плану боевой учебы на занятиях отрабатываются вопросы одиночной подготовки личного состава. Их цель – подготовить к началу занятий по отработке слаженности в составе подразделений солдат срочной службы, пополнивших армейский строй минувшей весной. Все они должны с помощью командиров и старших товарищей прочно освоить «азбуку» воинской грамоты.



В мотострелковом подразделении, где заместителем командира группы рядовой по контракту Отабек Камолов, первое же полевое тактическое занятие было посвящено одиночным действиям личного состава в обороне.

...Пока механик-водитель младший сержант Махди Файзибоев тренировался в искусстве маскировки БТР в горно-пустынной местности, недавние призывники, отработав вопросы посадки и высадки из бронетранспортера, приступили к оборудованию огневых позиций в опорном пункте. Занятие проходило под руководством командира секции младшего сержанта Юрия Корчевского.

Каждый военнослужащий, действуя в обороне, должен знать основы фортификации, уметь отрыть и подготовить к бою окоп для стрельбы. Рядовой Элмурод Патиддинов одним из первых закончил работу. Парень из Андижанской области с первых дней службы задался целью поступить в местный финансовый институт. Так что у него есть серьезный стимул служить отлично, чтобы заслужить Рекомендацию на право льготного поступления.

Однако он недолго в одиночестве предавался мечтам о родном доме. Один за другим следовали доклады солдат о готовности к действиям в обороне. Опытные солдаты, завершив свое дело, тут же пришли на помощь новичкам. Для рядового Тошпулата Хамдамова и эта местность, и выполняемая боевая работа уже хорошо знакомы. Молодой человек прошлой осенью прибыл сюда из Самаркандской области, за полгода прошел полное обучение в мотострелковом подразделении. Его ценные советы оказались весьма кстати для рядовых Сардора Киргизбаева, Мирфайзиддина Жуманбоева и Ганибека Кенжаева, последними завершивших обустройство своих огневых точек.

Командиру секции такие помощники из числа опытных солдат в деле обучения новичков серьезная подмога. Получив за время учебы в сержантской школе хорошие методические навыки, Юрий понимает, как важно именно здесь, в полевых условиях, крепить солдатскую дружбу и взаимовыручку. Подсказывая вчерашнему новобранцу, как следует правильно изготовиться к стрельбе, сослуживцы сплачивают коллектив и уже в эти дни закладывают прочный фундамент успеха на предстоящих боевых стрельбах.

В остальном все выполняется, как в реальной боевой обстановке, – каждый обучаемый должен научиться самостоятельно действовать на поле боя. Солдаты один за другим выполняют вводные младшего командира, учатся выполнять свои обязанности согласно боевому расчету.

Время полевого занятия прошло незаметно. К исходу дня, подводя итоги, командир взвода старший лейтенант Анвар Маматкулов отметил старание рядового Э. Патиддинова. Лицо солдата осветилось довольной улыбкой – сделан первый шаг к заветной цели. Вкус победы всегда приятен, но не менее важно и то, что новички наглядно убедились, что и один в поле воин, особенно когда уверен в надежном плече товарища, держащего оборону в соседнем окопе.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ЭР ЙИГИТЛАР ИНТИЛАР ИЛҒОРЛИККА

Ёзги ўқув мавсуми қизғин паллага кириб бормоқда. Доимо машғулотларда маҳоратини шакллантириб бораётган посбонлар учун айни масъулиятли дам. «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталиги ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир!» шиори остида ўтаётган ўқув йилида юксак натижаларни қўлга киритишни кўзлаган офицер Файрат Каримов етакчилик қилаётган взвод шунқорлари ҳам ҳар бир машғулотни юқори савияда ўтказишга интилишмоқда. Маълумки, айни пайтда миллий армиямиз сафидан резервга бўшатилган посбонлар ўрни йигитлик бурчини ўташга ҳар томонлама муносиб ўғлонлар билан тўлдирилган бўлиб, ўқув мавсуми улар учун ниҳоятда масъулиятлидир. Тўғри, улар ҳарбий ҳаётга турли синовлардан ўтиб катта иштиёқ билан кириб келишган. Қолаверса, аскарларнинг йиғин давомида ўрганган билимларини амалда қўллаш даври келди.

Оддий аскар Акбар Рашидов илк машғулотлардаёқ ўз иқтидорини намоён қилиб келаётган посбонлардан ҳисобланади. Механик вазифасида хизмат қилаётган бу ўғлон қатъийлиги ва берилган вазифани ўз вақтида бажариши каби ижобий хислатлари билан аллақачон командирларининг назарига тушиб улгурди.

Юртбошимизнинг шундай сўзлари бор: «Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор».

Ҳа, ҳарбий қисмда ёш аскарларни ҳарб илмига ўргатиш ва уларни фидойи ва юртпарвар қилиб тарбиялаш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Дастлабки машғулотлардаёқ лавҳамиз қаҳрамони билан бир қаторда унинг сафдошлари – оддий аскарлар Соҳиб Аралов, Нодир Рашидовлар илғорликка интилиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда.

– Айни пайтда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳриддин Ёрбоев каби тажрибали кичик командирлардан жанговар техникаларнинг тузилиши ҳамда уларни ишлатиш бўйича сабоқ олаяпмиз, – дейди оддий аскар Акбар Рашидов. – Кўп ўтмай ушбу кўникмаларни полигонда амалда намойиш қилишимиз керак. Устозларимизнинг юзини ерга қаратмаймиз, албатта. Чунки юртини севган эр йигитлар илғорликка интилади. Ахир туғилган гўшасини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи.

Спортнинг бокс ва теннис турларига ошно тутинган қашқадарёлик бу ўғлон келажакда шартнома асосида хизматини давом эттиришга аҳд қилган. Ўз маҳорати билан командирларининг ишончини оқлаб бораётган оддий аскарнинг кўзлаган эзгу мақсадига эришишига биз ҳам ишонамиз.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

Хизмат жойим – сафарбарлик чақируви резерви

ПУХТА, ҚУЛАЙ ВА МАНЗУР

Маълумки, ислоҳотлар сабаб, бугун армия сафларига йигитлар адолатли кўрик-танлов ҳамда пухта синовлар асосида қабул қилинмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган фуқаролар эса «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг тегишли бандига асосан сафарбарлик чақируви резерви сафларига олинадилар. Улар бир ойлик йиғин давомида жанговар кўникма ва ҳарб илмидан сабоқлар олишади.

Таъкидлаш ўринлики, сафарбарлик чақируви резерви хизматини адо этган фуқароларга ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаганларга берилгани сингари бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, улар ҳам шартнома асосидаги ҳарбий хизматга, ҳуқуқ-тартибот органларига ишга қабул қилинадилар. Қолаверса, ишлаётганларнинг ишидан ажралмай, шунингдек, оилавий шароити тақозосига кўра бир йиллик хизматга бора олмайдиганларнинг сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўташлари кўпчилик учун катта қулайлик. Сафарбарлик чақируви резервида ҳам жанговар кўникмаларни яхшилаб ўрганиш учун шароит ва имкониятларнинг етарли экани, мазкур дастур пухта ўйлаб чиқилган режа асосида амалга оширилаётгани янада кўнгилдидир.

Яқинда хизмат сафари билан Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, сафарбарлик чақируви резерви батальонида ойлик йиғин ўтаётган фуқаролар фаолияти билан яқиндан танишдим ва улар билан суҳбатда бўлдим. Янгича хизмат тури иштирокчилари тажрибали офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилардан ҳарб илми сабоқларини ўрганишиб, жанговар кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда экан.

Санжар ЮСУПОВ: – Келганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, бироқ шу қисқа муддат ичидаёқ анча-мунча ҳарбий кўникма ва билимларни ўзлаштирдик. Жисмоний, жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимлардан маҳоратимиз ошди. Ҳарбий хизматчилар эгаллаши зарур бўлган билимларни, ҳарбий кўникмаларни ўрганяпмиз. Шунга амин бўлдимки, ойлик йиғин ҳам кишига кўп нарса берар экан. Ойлик ҳизматдан сўнг ёнғин хавфсизлиги соҳасига ишга кирмоқчиман.

Ойбек АСАДОВ: – Оилавий шароитидан келиб чиқиб, ишлаётганларнинг эса ишидан узилмай ўз зиммасидаги бурчини адо этишларини ҳисобга олсак, анча қулай экан, янгича хизмат тури. Мен Самарқанд вилоят хўжалик судида ишлардим. Мана, ишимдан узилмасдан хизматни адо этяпман. Қайттунимча ўрним сақланиб туради. Шароитлар эса кўнгилдагидек. Айтиш мумкинки, ҳатто, уйдагиданда зиёда. Хизматнинг бу тури кўпчиликка ўнғай бўляпти. Энг асосийси, биз ҳам жанговар кўникмаларни эгалляяпмиз.

Фазлиддин ОЧИЛОВ: – Янгича хизмат тури, яъни СҲРни ўтаганлар ҳам шартнома асосидаги ҳарбий хизматга ва ички ишлар тизими каби соҳаларга ишга қабул қилиниши, бунинг устига қисқа вақтда кўп билим эгаллашини ҳисобга олсак, мақташга арзигулик экан. Жанговар қуроллар, ҳарбий техника билимлари, миntақа ҳамда жаҳон миқёсидаги ижтимоий-сиёсий вазият, хавфсизликка таҳдидлар ҳақида кенг ва атрофлича тушунчага эга бўлдик. Жанговар санъат сирларини Зайниддин Ҳосилов, Жаҳонгир Ҳайитов, Азиз Содиқов каби офицерлардан ўрганяпмиз. Ўйлайманки, хизмат охирига қадар кўп томондан маҳоратим ошади. Кейин эса ички ишлар тизимига ишга кирмоқчиман.

– Йигитлар айни пайтда ҳарбий ҳаёт билан яқиндан танишиб, саф тайёргарлиги, Умумҳарбий низомлар, ҳарбий ҳуқуқ, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, жисмоний, ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарликлар ҳақида маълумот олишяпти, – дейди гуруҳ командири шартнома бўйича ҳизмат кичик сержанти Музаффар Ҳайдаров. – Кўпроқ билим олишга ҳаракат қилишлари, кўникмаларни тезкор эгаллаши ва тинмай саволлар беришларидан ҳам маълумки, уларда ғайрат ва иштиёқ жуда зўр.

СҲР хизмати фуқароларининг машғулотларини кузатар эканман, йигитларнинг буйруқ ва командаларни бехато бажариб, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ҳам фаол ва билимдон эканликларига гувоҳ бўлдим. Мазкур ҳолат уларнинг зеҳни ўткир, маънавияти юксак, интеллектуал салоҳияти ҳам юқори эканини яққол ифода этиб турарди. Бир ой мобайнида эгаллаган ҳарбийча кўникма ва олган билимлари эса эртага ҳам қўл келиб, ҳаёт йўлларида асқотишига асло шубҳа йўқ.

Катта лейтенант
Сардор КОМИЛОВ.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг шундай тизими яратилдики, бу Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ҳа, бугун фахр ва ғурур билан баралла айта оламизки, истиқлол офицер кадрларни тайёрлашдек устувор мақсадимиз йўлида қўш қанот бўлди. Буни ўқув-тарбиявий жараёнларнинг сифати замон талаблари, андозаларига мослаша боргани, таълимнинг янги, принципиал, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усулларини кенг жорий этишда, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий қилишда, бўлғуси офицерларимизни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган таълим-тарбияда кўришимиз мумкин. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳарбий таълимдаги ислоҳотларимиздан кўзлаган бош мақсадимиз юртга муҳаббатли, садоқатли, маънавий-ахлоқий етук, профессионал тайёргарликка эга бўлган офицер кадрларни тайёрлашга қаратилди. Шу маънода бугун олий ҳарбий билим юртларимизни битириб, миллий армиямиз сафларига йўл олган ўғлонларимизни истиқлол кашф этган офицерлар, дея ифтихор билан айта оламиз. Энг улуғ, энг азиз неъматимиз мустақилликнинг 16 йиллик тўйи арафасида эгнига офицерлик либосини кийган марду майдонларимиз юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида камарбаста бўлажак!

ОФИЦЕРСКОМУ КОРПУСУ – ДОСТОЙНОЕ ПОПОЛНЕНИЕ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

В Ташкентском ВОКУ в торжественной обстановке прошел юбилейный, 145-й, выпуск офицеров. Старейшее в Центральноазиатском регионе учебное заведение по праву пользуется заслуженной славой одного из самых престижных высших военно-образовательных учреждений в нашей стране и за ее пределами, осуществляющего подготовку высококвалифицированных офицеров, предназначенных для комплектования командного звена мотострелковых, разведывательных и пограничных подразделений, а также заместителей командиров по воспитательной работе.

Эти молодые офицеры, застывшие в парадном строю, хорошо знают славное историческое прошлое Ташкентского ВОКУ, прочные боевые традиции, большие заслуги в деле подготовки офицерских кадров. Его курсанты и выпускники всегда были на передовых рубежах боевой учебы, не раз отличались в боях и походах. Они героически сражались на фронтах Второй мировой войны. И в мирное время славились верностью Военной присяге, самоотверженным служением своему народу, готовностью с честью защищать независимость и целостность Отечества. Здесь получили образование многие видные военачальники, занимающие сегодня самые высокие посты в Вооруженных Силах Узбекистана.

Дипломы и знаки об окончании училища выпускникам вручали представители высшего командования Министерства обороны Республики Узбекистан, Пограничных войск, ветераны Вооруженных Сил. В центре внимания сразу оказался стол у трибуны, где вручались дипломы отличникам. В этом году ими стали лейтенанты Х. Садиков, Л. Туймаев, А. Воронцов, Ш. Юлчиев, К. Насреддинов, И. Орипов, Ж. Тураев, Ж. Байзаков, О. Рахматов, Ж. Нурматов, А. Насреддинов, Н. Димитерко и С. Кабулов.

Напутствуя выпускников, начальник училища полковник М. Байбусов напомнил, что первое офицерское звание – самое долгожданное и заветное, оно налагает на каждого большую ответственность перед нашей Родиной. «Придя в свои подразделения, – сказал он, – вы должны продолжить и умножить славные боевые традиции выпускников ТВОКУ, своим упорством и стремлением к лучшему придать динамику реформам в Вооруженных Силах Узбекистана».

Поздравляя молодых лейтенантов, представители командования Вооруженных Сил и общественности Узбекистана, ветераны войны и труда, родители и близкие сказали немало добрых слов в адрес Президента и правительства, создавших самые благоприятные условия для учебы курсантов. Обучение в ТВОКУ стало для выпускников не просто строкой в их военной биографии, а точкой отсчета в дальнейшей бурной, напряженной, но счастливой и удачливой офицерской жизни. Ведь здесь, помимо качественного освоения военных специальностей, произошло их физическое и духовное становление, возмужание, сформировались цельность характера и твердая жизненная позиция, готовность в любую минуту встать на защиту Родины.

Перед заполненными гостями, родными и друзьями трибунами, под прицелом многочисленных фото- и телекамер выпускники в последний раз демонстрируют свое строевое мастерство. Дружно, ощущая надежное плечо товарища, под медь духового оркестра, восторженные крики и бурные овации шагают в свое офицерское будущее те, кто еще недавно носил курсантские погоны знаменитого ТВОКУ.

А затем были выступления детского ансамбля и красочное, очаровательное выступление участников училищного кружка бального танца «Озорные ребята» под руководством М. Громовой. Показали свое мастерское владение восточными единоборствами и члены курсантского кружка «Айкидо». Будущих командиров разведывательных и специальных подразделений приобщает к секретам древних боевых искусств обладатель первого дана и черного пояса А.Панфилов. Подразделение почетного караула в сопровождении военного оркестра ТВОКУ исполнило строевые приемы, показав идеальную синхронность действий в составе подразделения и виртуозное индивидуальное мастерство владения карабином.

Официальная часть окончена, и курсантские подразделения покидают плац, а родные и друзья окружают виновников торжества. Три молодых лейтенанта вместе фотографируются в окружении многочисленных родственников: лейтенант Лочинбек Туймаев, лейтенант Лочинбек Расулов и лейтенант Лочинбек Хусанов. Уроженцы Сурхандарьинской, Наманганской и Андижанской областей встретились и подружились здесь в училище, хоть и учились по различным специальностям. Двое из них – командиры мотострелковых подразделений, третий – заместитель по воспитательной работе. Теперь им предстоит служить в различных подразделениях, но три Лочина из ТВОКУ навсегда останутся друзьями.

Будущий разведчик лейтенант Муродилло Алимов стал в училище перворазрядником по нескольким видам спорта, включая национальную борьбу кураш. Лейтенант Сергей Бондарев запомнится в училище тем, что показал высокие результаты на соревнованиях экипажей боевых машин, танков и БТР в роли наводчика-оператора БТР-80. Лейтенант Сергей Шуваев будет защищать Узбекистан на самых передовых рубежах – на Государственной границе.

Все они стали военными профессионалами самого высокого класса. Для этого в училище созданы все условия. Оборудованы компьютерные классы с выходом в Интернет, есть электронная библиотека с записями лекций по всем изучаемым дисциплинам.

– Наши курсанты всесторонне эрудированы в области государственного и общественного устройства нашего общества, мировой истории и истории Узбекистана, религиоведения, культуры, литературы, хорошо владеют иностранными языками, – подтверждает и.о. начальника кафедры общественных наук майор М. Тураев. – Молодые лейтенанты, придя в свои подразделения, и сами будут постоянно учиться, так как получили здесь навыки самостоятельной работы, неистребимую тягу к знаниям, и своих подчиненных обучать.

Владимир КАЛОШИН.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида навбатдаги битирувга бағишланган тантанали маросим «Шаҳидлар майдони»да бўлиб ўтди. Махсус факультет қўмондонлиги, профессор ўқитувчилари, Қуролли Кучлар Бирлашган Штаби масъул офицерлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик иштирок этган тадбир ҳаяжонли тарзда ўтди.

Курсантлар учун орзиқиб кутилган дам келди – илк офицерлик унвони уларнинг елкасида.

Олий ҳарбий билим юртини битирганлик ҳақидаги дипломни топшириш тантанасини кузатаётганларни кўриб, қувонасан киши. Ҳар бирининг кўксида ғурур, кўзида қувонч. Ана кимнингдир ўғли шахдам қадамлар билан сафдан чиқди... Бу эса, бировнинг акаси... Мана, ниҳоят пинҳона кузатаётган қизнинг севикли ёри...

Шоду хуррамлик нафаси уфуриб турган воқеалардан таъсирланмай, уларни шунчаки кузатиб бўлмаса керак. Оналар кўзидаги қувонч ёшлари, фарзанди учун оталар нигоҳидаги фахр туйғуси.

Ҳа, курсантлик даври, синов ва битирув, давлат имтиҳонларини ортда қолдириб, бир-биридан навқирон ва келишган йигитлар – Қуролли Кучларимиз сафларига қўшилажак ёш офицер кадрлардан умид катта. Уларга нафақат ёру биродарлари, сафдош дўстлари ва маҳалладошлари, балки устоз офицерлари юксак ишонч билдирган ҳолда омадлар тиламоқда.

Кечаги курсант бугун командир бўлди. Унинг-да шахсий таркиби бор. Елкасидаги ҳарбий унвон унга янада масъулият ва жавобгарлик ҳиссини юклайди.

Ишончимиз комилки, битирув, қайсидир маънода, олий ҳарбий билим юрти билан хайрлашув маросими ҳар бир лейтенант қалбига умрбод муҳрланади. Олинган таассуротлар, билдирилаётган юксак ишонч уларни эзгу мақсадлар, янги чўққилар сари етаклайверади. Шижоат ва илмга чанқоқлик, интилиш уларни ҳеч қачон тарк этмайди.

Катта лейтенант
Учқун САИДНАЗАРОВ.

САМО ЛОЧИНЛАРИ ПАРВОЗГА ШАЙ

Мустақил Ватанимиз сарҳадлари ва мусаффо осмонимиз тинчлигини сақлашда ҳарбий учувчиларнинг хизмати катта. Улар куну тун халқимиз осойишталиги, юртимиз осудалиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда маҳоратли ва етук ҳарбий учувчиларни тайёрлаб бераётган, мустақиллигимиз меваси бўлмиш, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти барчамизнинг фахр ва ғуруримизга айланган.

Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдонида олий ҳарбий авиация билим юртининг навбатдаги битирувчиларига унвон ва диплом ҳамда кўкрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.

Унда қўмондонлик ва билим юрти офицерлари, ёш лейтенантларнинг ота-оналари, ёру дўстлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Митингни билим юрти бошлиғи офицер Олим Эрматов кириш сўзи билан очиб, ёш лейтенантларга самимий тилаклар билдирди ҳамда келгуси хизматларида омадлар тилади.

– Мустақиллик шарофати билан ташкил қилинган билим юртимиз замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради, – дейди офицер О.Эрматов. – Йилдан-йилга билим юртимиз курсанти бўлишни истаётган йигитлар сони кўпайиб бормоқда. Мана, бугун биз навбатдаги битирувчиларни Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга кузатяпмиз. Ўйлайманки, келажакда улар бизнинг ва халқимизнинг юксак ишончини, албатта, оқлайдилар.

– Ўзимни дунёдаги энг бахтли оталардан бириман десам, хато қилмайман, – дейди ёш офицер Санжар Ҳакимовнинг отаси Собир Ҳакимов. – Ота учун фарзандининг қувончини кўришдан катта бахт бўлмаса керак. Ўғлим Санжар ёшлигидан ҳарбий бўламан, дерди. Бора-бора учувчиликка ҳавас қўйди. Шундай нуфузли билим юрти курсанти бўлганида бир қувонган бўлсам, ҳозир ўзига ярашиб турган ҳарбий либосида, кўксига босиб турган имтиёзли дипломига қараб минг қувондим. Ватан, халқ корига ярайдиган ўғлим борлигидан жуда-жуда фахрланаман.

Имтиёзли диплом соҳиби бўлмиш лейтенант Ботир Султонов шундай дейди:

– Аввало, билим юртидаги устозларимга чексиз миннатдорчилик билдираман. Бугун болаликдаги орзуимга етдим. Мустақил Ўзбекистонимнинг офицери бўлиш мен учун улкан бахт ва шарафдир.

– Мен жуда ҳаяжондаман, – дейди ёш офицер Лочинбек Равшанов. – Яқиндагина, ушбу билим юртининг курсанти бўлганимиздан қувончимизни ичимизга сиғдиролмай юрган эдик. Мана, бир зумда замонавий ҳарбий билимларни ўзлаштириб, Қуролли Кучларимиз жанговар сафларига қўшиляпмиз. Ўз маҳоратимиз, тажриба ва билимимизни намоён қилиб, она Ватанимиз осудалигига, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришига улкан ҳисса қўшиш, бизнинг энг олий ва эзгу мақсадимиздир.

Билим юрти ҳарбий ансамбли томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар тантанага ўзгача файз бағишлади.

Подполковник Абдурашид ШАРИПОВ.

ОСОЙИШТАЛИККА КАМАРБАСТАЛАР

Республикамизда фаолият кўрсатаётган олий ҳарбий билим юртлари Қуролли Кучларимиз сафларига малакали офицер кадрлар етказиб бераётган илм масканларидан саналади. Уларда таълим-тарбия олиб чиққан офицерларни тинчлик ва барқарорлигимизни асраш йўлида фидойиликни касб этган мардлар, истиқлолимиз жонкуярлари, осойишталикка камарбасталар десак, хато қилмаймиз.

Офицерлик – шарафли касб. Бу соҳада фақат асл мардлар, Ватан тақдирини ўз тақдирида кўрган, машаққатлардан асло чўчимай ғайрат камарини маҳкам бойлаган фидойилар хизмат қилишади. Мард инсонга эса бемалол суяниш, улуғлаш ва масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш мумкин. Яқинда ана шундай мардлар сафи яна бир карра ортди. Яъни олий ҳарбий билим юртларининг навбатдаги битирувчилари катта ҳаётга йўлланма олишди.

Битирув тантанаси кўҳна ва навқирон Самарқандда ҳам зўр шодиёна билан ўтказилди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига лейтенантлик унвони, дипломлар топшириш муносабати билан ташкил этилган тадбир нафақат шаҳар, балки юртимизнинг энг диққатга сазовор жойларидан саналган Регистон майдонида бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, битирувчиларнинг ота-оналари ва дўст-яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

Билим юрти бошлиғи полковник Дониш Мамажонов тадбирни кириш сўзи билан очаркан, уларнинг келгуси хизмат фаолиятларида омадлар ёр бўлишини, ишончни оқлаб, бурчларини ҳалол ado этишларига ишонишини билдирди ва оқ йўл тилади.

Ёш офицерларга диплом ҳамда кўкрак нишонлари тарқатиб бўлингач, тадбир иштирокчилари навбатма-навбат сўзга чиқишиб, ўз дил истакларини йўлладилар.

– Ўғлим ҳарбий соҳага ёшлигидан қизиқарди, – дейди биз билан суҳбатда битирувчи Аббос Намозовнинг онаси Нигора опа Намозова. – Шу боис тинмай тайёрланиб келди. Омади бор экан, курсант бўлди. Бугун эса мана, унинг битирув шодиёнасида иштирок этаяпман. Бундан чексиз хурсандман. Биз бу кунни қанчалар интизор бўлиб кутган эдик. Етказганига шукр. Ўғлимга ва сафдош дўстларига юртимиз оналари номидан энг эзгу дуо-тилакларимни йўллаб қоламан. Шуни билингларки, азиз фарзандларим, биз сизлар билан, сиздай ўғилларимиз, ҳимоячиларимиз борлигидан фахрланамиз, – деди онахон кўзларида севинч ёшлари билан.

Қарашларидан қувонч ва шодлик, ғурур ҳамда ғайрат-шижоат ифодалари акс этиб турган лейтенант Аббос Намозов эса билдирилган ишончни албатта оқлаб, барчасига муносиб хизматлари билан жавоб қайтаришга сўз берди.

Акбар ДАМИНОВ.

ПРОДОЛЖАТЕЛИ ЭСТАФЕТЫ ЛИДЕРСТВА

Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище на протяжении ряда лет стабильно держит лидерство в соревновании на звание лучшего среди родственных учебных заведений Министерства обороны. В связи с этим лейтмотивом пожеланий, высказанных на церемонии выпуска молодым лейтенантам, было именно это – достойное продолжение в войсках эстафеты лидерства.

С добрыми напутствиями в адрес выпускников обратились: заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Тохир Хамракулов, начальник ЧВТКИУ генерал-майор Касымали Ахмедов, хоким города Чирчика Шукрулло Бобоев, командующий войсками Центрального военного округа полковник Павел Эргашев, председатель Совета ветеранов училища, участник Второй мировой войны Виктор Радыгин, начальник кафедры иностранных языков ЧВТКИУ служащая ВС Валентина Комарова, мать лейтенанта Барно Джалолова, отец выпускника Рахмонберды Миролимов.

От имени виновников торжества с ответным словом выступил отличник учебы лейтенант Дилмурод Джалолов.

Задорные и веселые танцы, подаренные лейтенантам девочками из детского сада №18 города Чирчика и группой танцовщиц училища, должны навсегда сохраниться в их сердцах. Ведь это им доверено охранять веселый детский смех, женскую красоту, мир и покой наших людей. А вот плац-концерт военного оркестра ЧВТКИУ был адресован скорее гражданской части участников – сверкающая медь, бравурная музыка наполняли сердца гордостью, что есть у нас такая армия, надежно защищающая созидательный труд.

Оживленную реакцию вызвало и появление на плацу картингов, мотоциклов, спортивных машин с национальными флагами, под оглушительный рев моторов проехавших перед трибунами. А самым главным аккордом празднества стали взлетевшие в небо белоснежные голуби. Проходя в последний раз торжественным маршем по плацу родного училища, их выпустили молодые лейтенанты – как символы чистоты своих мечтаний о предстоящей офицерской стезе, как пожелания мира нашей Отчизне.

– Я уже второй год подряд приезжаю сюда на выпуск, – говорит отец офицера Хужакул Тоштемиров из города Янгиера Сырдарьинской области. – В прошлом году закончил это же училище мой старший сын Алишер, а теперь вот стал лейтенантом и Юлдаш.

– Хочу выразить материнскую признательность всем наставникам, которые вложили частицу души своей в воспитание моего сына Мирзабека, – говорит мать лейтенанта Гульнара Жалгасбаева. – Я уверена, что он оправдает их надежды!

Глубоко символичным было и то, что завершилось это торжество возложением цветов к подножию памятника офицерам-танкистам, павшим в годы Второй мировой войны. Перед священной памятью предков лейтенанты выпуска 2007 года в душе приносили клятву: достойно нести звание офицера ЧВТКИУ.

Майор Аблай КАМАЛОВ.

Абитуриент – 2007

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

«Мен офицер бўламан!» Бугун ушбу сўзлар қалбида ватанпарварлик туйғулари, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси жўшиб турган ҳар бир ёш йигитнинг дилида жаранглamoқда. Йилдан-йилга ҳарбийликдек шарафли касбнинг эгаси бўлишга интилаётган ўғлонларимиз сони кўпайиб бормоқда. Бу албатта, юртимизда ҳукм сураётган осудалик, бунёдкорлик ва фаровонликдан, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидан.



Айни кунларда юртимиздаги барча олий ҳарбий билим юртларида абитуриентлар тест синовларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, республикамиздаги нуфузли ҳарбий билим юртларидан бири ҳисобланмиш, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти бўлиш ниятида ҳужжат топширган ёшларимиз тиббий кўрик, касбий ва руҳий тайёргарлик, жисмоний ва саводхонлик даражасини текшириш босқичларидан ўтишмоқда.

Жисмоний тайёргарликдан муваффақиятли ўтган йигитлар сифатли тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шу мақсадда тиббий комиссия таркибига Марказий ҳарбий клиник госпиталининг ўндан зиёд малакали, етакчи мутахассис шифокорлари жалб қилинган.

– Тиббий кўрикни сифатли ва самарали ўтказиш учун барча шароитлар яратилган, – дейди тиббий комиссия раиси, тиббий хизмат полковниги Абдували Ажемуротов. – Фақатгина айрим лаборатория ишлари госпиталда аниқланмоқда. Қолган барча хасталиклар шу ернинг ўзида аниқланиб, ташхис қўйилмоқда. Айрим касалликлар аниқланганда, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарида норозилик уйғонмаслиги учун, тиббий текширув ишларини чуқур ўтказилган таҳлиллар билан адолат устуворлигида амалга оширяпмиз. Бунда, бизгача жойларда ўтказилган тиббий текширувларнинг синчковлик билан амалга оширилганлиги иш жараёнимизда катта ёрдам бермоқда.

Касбий-руҳий танлов ҳам саралашнинг энг муҳим шартларидандир. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги етакчи мутахассиси, психолог Азамат Назаров шундай дейди:

– Ушбу танлов икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда абитуриентнинг интеллектуал даражаси аниқланса, иккинчи босқичда руҳий барқарорлик ҳолати аниқланади. Бир неча йиллик кузатишларим асосида шуни ишонч билан айта оламанки, йилдан-йилга абитуриентлар сони ҳам, савияси ҳам ошиб бормоқда. Улар орасида тасодифан офицерлик касбини эгаллашга аҳд қилган ёшларни деярли учратмайсиз. Бу ҳозирги абитуриентлар орасида танлов шартларини бажарилишида яққол кўриниб турибди.

Йигитлар билан суҳбатлашар эканмиз, бир ҳақиқатни дилдан ҳис қилдик. Яъни барчасининг мақсади битта – албатта билим юртига ўқишга кириш ва муносиб курсант бўлишдир.

Кичик сержант Бобур Атамирзаев: – Менда офицерликка қизиқиш анча ёшлигимдан пайдо бўлган. Бундай дейишимга сабаб, акаларим Бахтиёр ва Умидлар бир неча йиллардан буён шарафли соҳада эл-юрт корига камарбаста бўлиб келишмоқда. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида қолиб, ҳарбий ҳаётга анча ўргандим ва ўзимни ҳар томонлама тобладим. Мақсадим – юртим ва халқим фаровонлиги йўлида акаларим каби астойдил хизмат қилишдир.

Оддий аскар Анварбек Мирзаахмедов: – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга 8 ой бўлди. Шу давр ичида анчагина ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлдим. Ушбу касбга қизиқишимда ва ҳавас қўйишимда отам полковник Равшанбек Мирзаахмедовнинг хизматлари ниҳоятда катта. От изини той босади, деганларидек, мен ҳам отамга ўхшаган ватанпарвар, мард ва жасур офицер бўлишга аҳд қилдим.

Абитуриент Азизбек Шахалиев: – Ёшликдан спортга меҳр қўйганман. 12 йилдан буён таэквондо ва қўл жангги билан мунтазам шуғулланиб келаман. Бир неча бор республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келяпман. Офицерликка қизиқишим муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда пайдо бўлди. Келажакда шарафли касб эгаси бўлиб, Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишни кўнглимга тугиб, ушбу билим юртига ҳужжат топширдим.

Ҳа, ишончимиз комилки, қалбида ҳарбий бўлишга иштиёқи баланд ўғлонларимиз ўз орзуларига эришиб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлишади.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҲАМ ЎХШАШ, ҲАМ ФАРҚЛИ

Ҳар бир инсон бетакрор ва ўзига хосдир. Ташқи кўриниши ёхуд дунёқараши, фикрлаш тарзи ўхшашлари бор. Лекин бутунлай бир хил икки кишини учратиб бўлмайди. Кимдир «эгизаклар-чи?», дейиши мумкин. Маълумки, ҳатто бир онадан қисқа вақт оралиғи билан дунёга келган қондошлар ҳам аслида фарқ қиладилар...

Бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам эгизаклар. Улар дунёга келганда ота ва она бўлиш бахтига муяссар бўлган Итахун ва Сания Илахуновлар қўшалоқ фарзанддан сармаст эдилар. Тўғри, ёш оила учун зарур билим ва сабр талаб этувчи, ўта масъулиятли вазифа – фарзанд тарбияси, қолаверса уларнинг эгизак эканлигини инобатга олсак, бошида бир оз қийинчилик туғдирган бўлиши мумкин. Бироқ ёш ота-она қалб тўла меҳру муҳаббат ила Ринат ва Рифатни вояга етказдилар.

Кўз очиб юмгунча фарзандлар балоғат ёшига етиб қолди. Демак, ҳар қандай оилада бўлгани сингари болажонларнинг касб танлаши масаласи кун тартибидан муҳим ўрин эгаллади. Лекин Ринат ва Рифатлар бу борада ўз, қизиғи, умумий қарорига эга эдилар. Отаси сингари ҳарбий бўлиш!

Ҳужжатларини Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига топширган абитуриентлар ўз яқинларига қўшалоқ хушхабар етказдилар. Ўғиллари сабаб, ота-она кўксида фахр туйғуси. Нурбуви учун эса, ёш қизчаларга монанд тарзда дугоналари олдида мақтанишга янги важ топилди. Аҳир унинг акалари курсант бўлишди.

– Акам билан қизиқишларимиз турлича, – дейди капитан Рифат Илахунов. – Масалан, мактабда яхши ўқиган бўлсакда, мен алгебрафанидан, Ринат расм ва чизмачиликдан синфнинг олди ўқувчилари ҳисобланардик. Олий ҳарбий билим юртида тактик тайёргарлик жондилим эди. Ринат эса, ўқ отиш машғулотларида сафдошларига ўрнак бўларди.

Бир кунда дунёга келган, курсант бўлган йигитларнинг тўйи ҳам қўшалоқ бўлганди. Демак, айни пайтда миллий армиямиз офицерлари ёш оила бошлиқлари ҳамдир. Ҳаётда, хизматда, кундалик фаолият ва қўйилган ҳар қандай вазифани бажаришда доим елкадош улар, бир-бирига. Истеъфодаги подполковник Илахунов ва жуфти ҳалоли билан фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Суҳбатимиз аввалида ўзларини таништирганига қарамай, қайси бири Ринату қайсиниси Рифат эканини унчалик ажрата олмадим. Кейинчалик диққат билан эътибор берсам, ука акага нисбатан киришувчанроқ экан. Шунинг учун ҳам саволларимнинг аксариятига айнан эгизларнинг кичигидан жавоб олдим.

Дарвоқе, хизмат сафари билан капитан Илахуновлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимизда, ҳарбий хизматчилар навбатдаги синов машғулотларини топшираётган эдилар. Табиийки, уларнинг кўрсаткичлари билан қизиқдик. Тарбиячи офицер Илҳом Бегимқулов бу борада шундай деди:

– Ринат ҳам, Рифат ҳам қисмимиз илғорларидан. Тиришқоқ ва интилувчан офицерларнинг машғулотларда эришаётган натижалари ҳар доимгидек таҳсинга лойиқ.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Кўкрак нишонлари

«ИНСТРУКТОР – ПАРАШЮТЧИ»

«Инструктор – парашютчи» кўкрак нишони очиқ парашютда тушаётган парашютчи кўринишига эга. Парашютни ёйилган қанотлар кесиб ўтган бўлиб, уларнинг марказида саккиз бурчакли юлдуз ва яримой тасвирланган. Кўкрак нишонининг баландлиги 35 мм ва эни 43,5 мм. Парашют қуббаси оқ эмал билан бўялган бўлиб, унда «Инструктор» деган ёзув бор. Парашютнинг ички қисми эса ҳаворанг эмал билан бўялган. Унинг осма арқонлари ва парашютчи сиймоси олтин рангда тасвирланган.

«Инструктор-парашютчи» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра 50 ва ундан кўп марта парашют билан сакраган, шунингдек, аъло ҳарбий интизом ва жанговар тайёргарликнинг асосий фанлари бўйича яхши баҳоларга эга бўлган, ҳаво-десант тайёргарлиги бўйича синовларни «аъло»га топширган ҳарбий хизматчиларга берилиб, қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан гувоҳнома билан биргаликда топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

СЕРЖАНТЛАР – АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

ҲАРБИЙЛИКДАН БАХТИН ТОПДИ

Замон тараққий этган сайин аёллар ўзларининг нозик гарданларига оила, фарзанд ташвиши билан бир қаторда бироз оғирроқ бўлган юмушлар юкини олишмоқда. Кейинги пайтда шарафли касб бўлмиш ҳарбийликда ҳам аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Норғул, ўктам йигитлар билан елкама-елка туриб, юртимиз осойишталиги йўлида кечаю кундуз тиним билмай хизмат қилаётган аёлларни бугун миллий армиямиз сафларида кўплаб учратишимиз мумкин. Ҳаётини ҳарбийликка бахш этган аёллардан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Лобар Шерназаровадир. Йиллар давомида сафларда маҳоратини шакллантириб, тобланган ҳарбий либос маликасини тажрибали посбон сифатида кўпчилик ҳурмат қилади.

– Ёшлигимдан бу соҳага қизиқардим, – дейди биз билан суҳбатда кичик сержант. – Лекин негадир менга ҳарбийлик аёллар учун эришиб бўлмайдиган касбдек туюларди. Пойтахтдаги «Малика» тўқув корхонасида ишлаб юрган пайти бир куни ҳамкасбимнинг Нодира исмли қизи ҳарбий либосда онасининг олдига келди. Уни кўриб роса ҳавасим келди ва кўнглимдан «Нега энди мен ҳам ҳарбий бўла олмасканман?» деган ўй ўтди. Хуллас, ҳамкасбим қизининг маслаҳати ва йўл-йўриғи билан мен ҳам ҳарбий бўлдим.

Тиришқоқ қиз алоқа бўйича илк кўникмаларни офицерлар Ойбек Расулов, Зокир Дўсматов, Тўлқин Раҳматуллаевлардан тезда ўзлаштириб олди. Шуни таъкидлаш керакки, Лобарнинг сингиллари ҳам опасига ҳавас қилиб, ҳарбийликка меҳр қўйишди. Гарчи улар ҳарбий бўлишмасада, миллий армиямиз сафида Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида хизмат қилиб, ушбу соҳанинг тараққиётига ўз улушларини қўшиб келишмоқда. Катта синглиси Роҳатой Рисқулова алоқа йўналишида экспедитор бўлиб фаолият юритади. Кенжа синглиси Севара Расулова эса посбонлар саломатлиги йўлида кечаю кундуз тиним билмайдиган ҳамширалардан.

Мана шундай ўз касбининг фидойиси бўлган сингилларига намуна бўла олган Лобархон бугун ҳақли равишда танлаган касбидан фахрланади. Зеро, унинг ҳаётидаги энг қувончли онлари ҳам ҳарбийлик билан боғлиқ.

Масалан, у муҳаббатини ҳарбийликдан топди. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Шуҳрат Шерназаров ҳамда Лобархоннинг никоҳ тўйи ихчамгина ўтди. Шодиёнага келган ҳамкасблар иккала ёшга ҳавас қилиб уларни дуо қилишди. Ушбу оилага ҳануз кўпчилик ҳавас қилишади. Уларнинг фарзандлари Муҳаммадисо ва Фирдавс ҳам ота-онасидек, ҳарбий бўлишга ҳозирдан иштиёқи баланд.

Айни пайтда ёзги ўқув мавсуми қизғин кечаётган бир паллада лейтенант Радик Бурундуков етакчилик қилаётган ҳарбий жамоа посбонлари ҳам юқори натижаларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Жамоа ютуғини таъминлашда посбонларнинг ўзаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Буни яхши англаган кичик сержант Лобар Шерназарова сафдошлари билан бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда машғулотларга бел боғлашган.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимиз сафларига юксак малакали кичик командирлар, яъни профессионал посбонлар тайёрлаб бераётган билим масканларидан саналади. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб, бугун деярли ҳар бир ҳарбий округда ана шундай мактаблар фаолият юритмоқда. Унда қатор мутахассисликлар бўйича курсантлар сабоқ олишиб, ўз билим ва малакасини оширишяпти.

Кейинги пайтда ёш аскарларга устозлар тайёрланаётган бундай ўқув даргоҳларида таълим дастурларига бир қатор ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиб, курсантларга чуқурлаштирилган билимлар берилаётганидан муштарийларимизнинг хабари бор, албатта. Уларнинг билимини ҳар томонлама бойитиш учун бир қатор янги фанлар ҳам ўтилмоқда. Жумладан, маркетинг хизмати, менежментлик, тадбиркорлик, фермерлик асослари ҳамда албатта, чет тилларидан бирортаси ўқишга қабул қилинган ҳар бир курсантга ўргатилади. Бу каби янгиликларни жорий этишдан мақсад, профессионал посбон ҳар жиҳатдан ўз номига муносиб бўлсин, ҳарбий билимлар билан бирга давлатимиз миқёсида, иқтисодиёт ва халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ислоҳотлар босқичидан ҳам воқиф бўлишсин, демакдир. Келинг, фикримизни Марказий ҳарбий округига қарашли сержантлар тайёрлаш мактаби мисолида давом эттирамиз.

Шу пайтгача кўплаб шижоатли ўғлонлар таҳсил олиб, ҳарбу зарб илмидан сабоқлар эгаллашган мазкур билим даргоҳида бугун ҳам машғулотлар қизғин давом этяпти. Дарслар шинам ва қулай ўқув хоналарида, замонавий техника ва технология воситалари асосида барча зарурий кўргазмали қуроллар ҳамда компьютерлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда юксак малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда. Ўқиш муддати узайтирилиб, янги циклдаги ташкил этилгани посбонлар малакасининг янада мукаммал бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Эътиборингизни эксплуатация ва бошқариш циклига қаратсак.

Мазкур цикл автомобиллар ва жанговар техникаларни бошқариш ҳамда улардан фойдаланишни ўргатади. Биз кириб борганимизда офицер фан хизматдан ташқари ҳолларда ҳам посбонларга ғоят зарур, шу боис курсантлар жуда ҳам қизиқиб ўрганишмоқда, – деди офицер.

Ушбу фанни яхши ўзлаштириб келаётган ва энг илғор сифатида эътироф этилган гуруҳ командири Ризамат Норбоевни суҳбатга тортдим.

– Уч йилдан буён шартнома бўйича хизматдаман. Ҳарбий хизмат ҳаётимнинг мазмуни, соҳага меҳрим баланд. Сержантлар тайёрлаш мактабида билимларимни ошириб, кейин эса албатта офицерликка ўқиш ниятидаман, – дейди курсант Ризамат Норбоев. Ризамат ҳақида устозлари ва сафдош дўстларининг билдирган илиқ фикрларидан унинг бежизга гуруҳ командирлигига муносиб топилмаганини тушундик. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан бўлган бу шерюрак ўғлон ҳарбий хизмат ва спортнинг узвий алоқадорлигини яхши англаб, миллий кураш билан мунтазам шуғулланиб келаркан. Таҳсил давомида эса барча тайёргарликлар бўйича бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Салоҳиятли посбон – қудратли посбондир. Буни яхши англаб етган нор йигитларимиз жанговар билимлардан ташқари бошқа йўналишларда ҳам билим ва салоҳиятини ошириб келишмоқда. Айниқса, бу ўринда чет тилларидан бирортасини пухта ўрганиш келажакда ҳам самарали натижа беришига шубҳа йўқ. Ўқитувчи Ольга Салиховадан немис тилини ўрганаётган гуруҳ курсантлари билан суҳбатлашганимда, уларнинг бу ҳақда эътирофларини эшитдим.

– Тўққиз ой давомида курсантларга бу фан чуқур ўргатилиб, охирида марравий тест олинади, – деди ўқитувчи. – Машғулот пухта ўйланган дастур асосида ўтилгани учун ўзлаштириш қийин эмас, натижалар ҳам ижобий. Гуруҳдаги намунали посбонлардан Ҳошим Турдиев, Алижон Абдурашидов ва Шароф Пардаевларни айтиб ўтиш мумкин.

Катта лейтенант Жамшид МЎМИНОВ.

МОҲИР ЕТАКЧИ

Гуруҳ тўсатдан шартли душман қуршовига тушиб қолишди. Бўлинмага масъул кичик командир сержант Ҳусанбой Раҳмонов бундай қалтис вазиятда ҳаракат қилишни ўз қўлига олди. Ҳар қандай синовларда командирларининг ишончини оқлаб келаётган посбон қисқа вақт ичида аниқ режа ишлаб чиқиб, шунқорларни қулай позицияларга йўналтирди.

Моҳир, қобилиятли етакчи сабаб шунқорлар ўз вазифаларини аъло даражада уддалаб, душманга муносиб қаршилик кўрсатишди.

Бу ёзги ўқув мавсуми машғулотларидан бир лавҳа эди. Доимо дала ўқув майдонларида ўз тажрибаларини орттириб келаётган посбонлар ҳар қандай вазиятда адашмай тўғри ҳаракат қилиб ҳарб илмини мукаммал ўзлаштириб боришмоқда. Бу эса илк машғулотлардаёқ яққол кўзга ташланмоқда. Ўз ишининг устаси бўлган шартнома бўйича хизмат сержанти Ҳусанбой Раҳмонов қўл остидагилар билан «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир!» шиори остида кечаётган ўқув йилида янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишга ҳаракат қилишмоқда. Тўққиз йилдан буён миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган посбонни том маънода профессионаллашди дея, бемалол таъкидласак бўлади.

– Ватанини дилдан севиб, уни ардоқлаган инсонгина ҳарбийликни танлайди, – дейди биз билан суҳбатда сержант Раҳмонов. – Ёшлигимдан бу касбга меҳр қўйганман. Муддатли ҳарбий хизматга боргач, армиясиз ҳаётимни тасаввур қила олмаслигимни англаб етдим.

Ҳусанбой муддатли хизматни ўтаб қайтгач, бир муддат Фарғона шаҳридаги Политехника институтига қарашли нашриёт уйида ишлади. Сўнгра ўзи орзу қилганидек армия сафига қайтди. Айни пайтда у капитан Обидов Нурулло хизмат қилаётган ҳарбий қисмда энг илғор кичик командирлардан ҳисобланади.

Сержантлар ҳақида Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўлланган байрам табригида шундай дейилади: – «... Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланган, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур».

Дарҳақиқат, посбон Раҳмоновни аскарларнинг ҳақиқий устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси десак, янглишмаймиз. У машғулотларда аскарларнинг касбий тайёргарлиги бўйича жиддий шуғулланади.

– Ўқув машғулотлари пайтида шартли равишда жанговар ҳолатни юзага келтирамиз, – дейди посбон. – Бу эса аскарларнинг касб маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, душман қўққисдан ҳужум қилган пайтида қандай ҳаракат қилишлари лозимлигини ҳам аскарларга ўргатиб борамиз. Бундай машғулотлар эса ўз ўрнида посбонларда жанговарлик билан бир қаторда сергакликни ҳам оширади.

Лавҳамиз қаҳрамони бўш вақтларида аскарларга бокс ва каратэ спорт турлари бўйича сабоқ беради. Ҳа, профессионал посбон аскарлардаги жисмоний етуклик уларнинг жанговар қобилиятига ҳам ижобий таъсир этишини яхши билади.

Комилжон ҲАСАНОВ.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Guruh taktik mashg‘ulotda

MASHQLARDA TOBLANAR MAHORAT

Qurolli Kuchlarimiz qism va bo‘linmalarida yozgi mavsum o‘quv mashg‘ulotlari qizg‘in davom etyapti. Posbonlar har bir yo‘nalishda o‘z bilim va mahoratlarini oshirib borish, o‘tgan mavsumda erisha olmagan natijalarni bu gal qo‘lga kiritish, jismonan va jangovarlik jihatdan puxta toblanib, professional malaka egallash uchun ter to‘kmoqdalar. Bu kabi xatti-harakatlarning barchasi birgina ezgu maqsad – Vatanimiz osoyishtaligini mustahkam asrash, O‘zbekiston xalqining tinchligi va xotirjamligini munosib ta’minlashga qaratilgan.

Bu jarayonda armiyamizning tayanch ustunlari bo‘lgan shartnoma asosidagi harbiy xizmatchilar bilan bir qatorda muddatli harbiy xizmatni ado etayotgan askarlar ham faol ekanliklari ayniqsa, ko‘ngillidir. Bu borada askarlarimizning harbiy xizmatga puxta ko‘riktanlov va mukammal sinovlar asosida qabul qilingani g‘oyat qo‘l kelmoqda. Saralar ichra saralar sifatida tanlab olingan o‘g‘lonlar qo‘yilgan vazifani sifatli uddalab, mashqlarni tezkor o‘zlashtirishyapti. Jumladan, ofitser Farhod Hojixo‘jaev yetakchilik qilayotgan guruh askarlarining taktik o‘quv mashg‘ulotlarini kuzatganimizda, bunga yana bir bor amin bo‘ldik.

Mashg‘ulot maydonida saf tortgan guruhni komandir yana bir bor ko‘rikdan o‘tkazarkan, posbonlarning jangovar shayligini, har biri o‘z vazifasiga ne chog‘lik tayyorligi va qurol bilan muomala qilish borasidagi bilimlari, xavfsizlik texnika qoidalarini bilishi, buyruqlarni bajarishga kirishishda amalga oshiriladigan harakatlarini tekshirib ko‘rgach, mashg‘ulotni boshlashga buyruq berdi. Dastlab qarshi tomonda turgan shartli dushman ustiga qo‘qqisdan hujum uyushtirish vazifasi qo‘yildi. Mazkur mashg‘ulotda yurt himoyachilarining jangovar shayligi, o‘tilgan mashg‘ulotlarni qanchalik o‘zlashtirganliklari va amaliy bilimlari ko‘rikdan o‘tkaziladi.

“Olg‘a”, deya yangragan jangovar buyruqdan so‘ng qurol-yarog‘ini shay tutgan posbonlar yo‘riqnomalarda ko‘rsatilganidek puxta harakatlar bilan to‘g‘riga intila boshladilar. Bu jarayonda tezkorlik juda muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki hujum bilan dushman frontiga tomon harakatlanayotgan posbondan harakat davomida egilish, emaklash, to‘g‘ri niqoblanish, yon tomonlarga sakrab dushman snayperi mo‘ljalini chalg‘itish, jangovar sheriklari bilan oraliq masofani belgilangan tartibda saqlab turish, har qadamda hushyorlikni qo‘ldan bermasligi kabilar talab etiladi. Shartli dushman ham anoyi emas. U xavfsizligini mustahkamlash uchun yo‘llarni minalashtirgan bo‘lishi, to‘satdan hamlaga o‘tishi ham mumkin. Ana shunday kezlarda komandirning va har bir posbonning tegishli taktik amalni qo‘llay bilib, vaziyatni darhol qo‘lga olishi g‘oyat zarur. Dushmanning muhandislik to‘siqlaridan tez sakrab o‘tib olish va qulay joyda qarshi hujumdan mudofaalanish uchun posbondan mahorat va matonat talab qilinadi. Kuch va bilim uyg‘unligi shu joyda yaqqol ko‘rinadi. Chunki mudofaada harakatlanayotgan posbon o‘zini himoya qilishi uchun okop qazib olishi, bu ishni dushman harakatidan ko‘z uzmay, g‘oyat tezkor va puxta amalga oshirishi, kerak bo‘lsa, shu jabhada ham jangni davom ettirib, ham ihotalanib ulgurishi kerak. Mashg‘ulotni izchil davom ettirayotgan yurt o‘g‘lonlarida bunday sifatlar yaqqol namoyon bo‘lmoqda. Ular mashqlarni shunday tez va mohirona qo‘llashardiki, ayrim harakatlarini ko‘z ilg‘amay qolardi, hatto. Bu hol ular o‘z ishining haqiqiy ustalari ekanini, tayyorgarliklarni yaxshi o‘zlashtirib borayotganini ifodalaydi.

– Askarlar mashqni puxta o‘zlashtirishlari uchun mashg‘ulotlarni qayta-qayta davom ettiramiz, – deydi guruh komandiri. – Bunda qattiqqo‘llik ham, rag‘bat ham va o‘zaro musobaqadoshlik ham, kerak bo‘lsa turli uslub va yo‘riqlardan foydalanish ham zarur bo‘ladi. Gohida guruhning birgina a’zosi ozgina hatoga yo‘l qo‘ysa ham barcha birday yana qayta mashg‘ulotga kirishadi. To hamma yaxshilab o‘zlashtirmagunicha mashqni davom ettiraveramiz. Jang sharoitida bir kishining arzimas xatosi ham qimmatga tushishi mumkin. Birniki mingga, mingniki tumanga, deydi dono xalqimiz. Qayta-qayta mashq o‘tkazishdan maqsad, Vatanimiz tinchligini yanayam mustahkamroq qo‘riqlash, osoyishtalikni bardavom saqlashdir. Dillariga ana shundayin ezgu niyatlarni jamlab, askarlarimiz katta ishtiyoq va yuksak shijoat bilan mashg‘ulotlarga yondashishadi. Mana, ularning mahoratlarini o‘zingiz ko‘rdingiz. Oddiy askarlar Bobur Shoyimov, Muhiddin Boltaev, Sardor Soataliev, Davron Muhiddinov, Dilshod Mamatqulov va Xolniyoz Sadievlar bilan nafaqat guruhimiz, balki harbiy qismimiz ham faxrlanadi.

– Puxta tayyorgarliklar jangovar shayligimizni oshiradi, mashqlarning mukammal bo‘lgani bizga har jihatdan foydali, – deydi oddiy askar Muhiddin Boltaev. – Chunki mahorat mashqlarda toblanadi. Mashqda og‘ir bo‘lsa, jangda, haqiqiy zarur vaziyatda bu rosa qo‘l keladi. Mana, yozgi mavsum o‘quv mashg‘ulotlarini davom ettirayapmiz. Harb san’ati sirlarini, jismoniy, texnik, ijtimoiy-siyosiy va jangovar bilimlarni o‘rganyapmiz. Mahoratli komandirlarimiz ofitserlar Envir Majidov, Temur Ro‘ziev, Marat Yavkachevlarning saboqlari barcha safdoshlarimga manzur bo‘lmoqda. Do‘stlarimiz bilan o‘zaro musobaqadoshmiz. Bilimlarimizni har tomonlama yaxshilab charhlab, erishgan yutuqlarimizni eng ulug‘ va eng aziz bayram – muborak istiqlolning o‘n olti yillik to‘yiga hadya deb bilamiz.

Ha, el-yurtni sharaflaydigan, Vatanning, umid bilan ko‘z tikib turgan ota-onalaru do‘st-yaqinlarining ishonchini oqlashga, osoyishtaligimizni asrashga bel bog‘lagan bu azamatlar nimaga intilayotganini, zimmalaridagi mas’uliyat hissini yaxshi bilishadi. Ularning o‘z so‘zlarini baralla aytib, va’dalarining ustidan chiqishiga ishonamiz.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
“Vatanparvar” muxbiri.

Texnika xavfsizligiga e’tibor

QOIDALAR, TALABLAR

Mana, yozgi o‘quv mavsumini ham ko‘tarinki ruhda davom ettirmoqdasiz. Askarlar jangovar o‘quv mashg‘ulotlarida texnika xavfsizligi talablarini bilishi muhim o‘rin tutadi. Shuning uchun quyida bu boradagi ayrim qoidalardan ogoh etamiz.

Askar, bilginki, quyidagilar taqiqlanadi:

– shahsiy tarkib va portlovchi moddalarni bitta mashinaning kuzovida bitta kolonnadagi bo‘linmalar bilan birgalikda tashish;

– barcha turdagi harbiy texnikani evakuatsiya qilish va shatakka olishda tros ustiga chiqish hamda tros oldida uning uzunligidan kam masofada turish;

– tankda desant bilan birgalikda xavfli to‘siqlarni oshib o‘tish;

– to‘htash joylarida yo‘lning chap tomoniga o‘tish;

– avtomobil, BMP, BTR va tank tagida dam olish;

– mashinani uzatma qutisi qo‘shilgan holida to‘htatish;

– oyna va eshiklar yopiq holatida mashina dvigatelini qizitish, dvigatel va isituvchi asboblar ishlab turgan paytda mashina va kabinalarda uxlash;

– komandir ruhsatisiz mashinani o‘t oldirish;

– belgilangan tezlikka rioya qilish;

– jangovar texnika oldida suratga tushish.

Sunnatillo DANGALOV tayyorladi.

Askar xizmatdan qaytdi

HAYOT MAKTABI TOBLAR O‘G‘LONNI

Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar sabab, bugungi kunda armiyaning nufuzi kundan-kunga ortib, tobora faxr-iftixorli sohaga aylanib bormoqda. Muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan askarlarga belgilangan imtiyoz va xizmat tufayli qo‘lga kiritish mumkin bo‘lgan imkoniyatlarning salmog‘i yuksak. Shuningdek, armiyada xizmat qilgan yurt farzandlari jangovar bilimlar bilan birga hayotiy bilimlarni ham puxta egallashayotgani, ma’naviyati, dunyoqarashi kengayib, har tomonlama shakllanayotgani, Vataniga, xalqiga sadoqati ortayotgani, bir so‘z bilan aytganda, haqiqiy vatanparvar insonga aylanayotgani yanayam quvonarli.

Bugun yigitlarni harbiy xizmatga jo‘natish va xizmatdan qaytayotganlarni kutib olish tadbirlari keng jamoatchilik ishtirokida katta tantana bilan amalga oshirilmoqda. Rezervga bo‘shatilganlarni kuzatayotganda shodiyonalar harbiy qismdanoq boshlanib, vokzal hamda aeroportlarda, keyin esa mudofaa ishlari bo‘limi va nihoyat uylardagi askar to‘yiga ulanib ketayapti. Quvonarlisi shundaki, Qurolli Kuchlarimiz safidan rezervga bo‘shatilayotgan, xizmati mobaynida ilg‘or natijalar ko‘rsatgan askarlarga tavsiyanoma bilan bir qatorda ko‘krak nishonlari ham topshirilayapti. Ana shunday o‘g‘lonlardan biri – “Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik a’lochisi” ko‘krak nishoni va tavsiyanoma sohibi Anvarjon Qo‘zievdir. Anvarning xizmatdan yorug‘ yuz bilan qaytishi ota-onasi va do‘stu yaqinlari ko‘ngliga shodlik ulashib, askar to‘yi haqiqiy shodiyonaga aylandi.

– Armiya menga ko‘p narsa o‘rgatdi. Qat’iyat, shijoat, fidoyilik, yurtga muhabbat, sog‘inch va sadoqat tuyg‘ularini aynan harbiy xizmat tufayli kashf etdim, desam mubolag‘a bo‘lmas, – deydi Anvar g‘urur bilan. – Jangovar hayot meni tobladi, o‘zimga ishonch hissi ortdi. Qat’iyatli va tartibintizomli bo‘ldim, vazifaga mas’uliyat bilan yurakdan yondashishni o‘rgandim. Erishgan muvaffaqiyatlarim, orttirgan yutuqlarimdan bir umr xursand bo‘lib, doim faxr-iftixor hissini tuyib yursam kerak. Buning uchun bizga soha sirlarini o‘rgatgan ustoz ofitserlardan bir umr minnatdor bo‘lib qolaman. Shuningdek, armiyada yurtimizning turli joylaridan kelgan mard va jasur o‘g‘lonlardan ko‘plab do‘stlar orttirganim ham qalbimga sevinch baxsh etadi. Shuni baralla ayta olamanki, hayot maktabi atalmish armiya er yigitning kamolga etishida muhim o‘rin tutarkan. Armiya sabog‘i yigitlarni mustaqil hayotga tayyorlabgina qolmay, oila va ziyo maskanida olib ulgurmagan bilim va tarbiyani beradi. Davlatimiz rahbariyati tomonidan yurt posbonlariga berilayotgan e’tiboru g‘amxo‘rlik esa bizni yanada ruhlantiradi. Askar bo‘lganimdan, yurtimga xizmat qilganimdan faxrlanaman. “Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik a’lochisi” ko‘krak nishoniga sazovor bo‘lganim va tavsiyanoma olganim esa g‘ayrat-shijoat, kelajak orzularimga yetishimda qanot bag‘ishlaydi, go‘yo. Endigi maqsadim, Toshkent oliy umumqo‘shin qo‘mondonlik bilim yurtiga o‘qishga kirish va xalqimiz tinchligini saqlash yo‘lida fidokorona xizmat qilishdir. Ta’kidlab aytamanki, ushbu istak menda aynan xizmat tufayli uyg‘ondi. Harbiy soha meni o‘ziga rom etdi. Bundan ortiq savobni ham, jozibaliroq kasbni ham bilmayman.

Mana, o‘zingiz guvoh bo‘lganingizdek, qahramonimiz harbiy xizmat tufayli hayotga teranroq boqib, o‘z kelajak yo‘lini belgilayapti. Aslini olganda Vatanning tinchligi va osoyishtaligini saqlashdek olijanob ishdan ham ko‘ra ulug‘roq va sharafliroq soha bormi! Ha, bu faqat asl mardlar, el koriga kamarbastalikni diliga jo qilgan ezgu maqsadli insonlarga xos fazilatdir. Biz Anvarjonning mana shu ezgu maqsadi yo‘lida omadlar yor bo‘lishini tilab qolamiz.

Asqarali MAMATOV.

Kuch – bilim va salohiyatda

MA’NAVIYATI YUKSAK POSBONLAR

Bugungi posbonga talablar o‘zgacha. Islohotlar sabab, milliy armiyamizda qator yangilanishlar, o‘zgarish va rivojlanishlar amalga oshirildi. Endilikda yurt osoyishtaligi yo‘lida xizmat qilishga bel bog‘lagan o‘g‘lonlar jismonan yetuk, jangovar va texnik bilimlarni puxta o‘zlashtirganliklari bilan bir qatorda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklardan ham yuqori natijalarga erishishi, intellektual salohiyati yuksak bo‘lishi, har tomonlama professional armiya posboni degan sharafli nomga munosib bo‘lishi talab etilmoqda. Harbiy qismlarda ularning bu borada bilim va mahoratlarini oshirish, tayyorgarliklarini mustahkamlash uchun yetarli sharoitlar bor. Insonning tafakkur olamini boyitadigan asosiy omil hisoblanadigan kitob va kutubxona bu o‘rinda muhimdir.

Samarqand oliy harbiy avtomobil qo‘mondonlik-muhandislik bilim yurtida ham bu borada yo‘lga qo‘yilgan ishlar ibratli darajada. Mana, bilim yurti kutubxonasidamiz. Posbonlar bu erga muntazam tashrif buyurishadi. Ilmiy va badiiy adabiyotlarni har doim o‘qib, shuningdek, davriy matbuot nashrlarini ham kuzatib boradilar. Buning uchun kutubxonada qulay qiroatxona ham ishlab turibdi. Qurolli Kuchlar xizmatchilari Mohira Tairova, Zulxumor Jumaeva hamda Lidiya Rezniklar ularga sifatli xizmat ko‘rsatishmoqda.

– Kutubxonamizga askarlar, kursantlar, shartnoma asosidagi harbiy xizmatchilar va ofitserlar muntazam keladilar. Birgalikda tadbirlar, kitobxonlik kechalari o‘tkazamiz. Eng faol va ko‘p kitob o‘qiydigan posbonlar orasidan tadbirlarda g‘olib chiqqanlariga bilim yurti rahbariyati bilan hamkorlikda turli sovrinlar ham ta’sis etiladi, – deydi kutubxona xodimasi Mohira Tairova. – Eng faol kitobxonlardan kursantlar Abror Tog‘aev, Axror Azimov, Anvar Qalandarov va Bahodir Husatinovlarni aytib o‘tish mumkin. Bundan tashqari tinimsiz tashrif buyuradigan oddiy askar Zohid Ibrohimov ham eng faol kitobxonlardan. Mana, u hozir ham shu yerda, – dedi xodima kitob javoni oldida safdosh do‘sti bilan nimanidir izlab turgan askarlar tomon o‘girilib. Fursatdan foydalanib ularni suhbatga tortdim.

– Samarqand davlat universitetining jismoniy tarbiya fakultetini tugatib, keyin armiyaga kelganman, – dedi xorazmlik oddiy askar Zohid Ibrohimov. – Tarixiy, badiiy asarlar, gazeta-jurnallar o‘qib boraman. Muddatli harbiy xizmatni ado etgach, ichki ishlar sohasida xizmat qilish niyatim bor.

Erkin kurash bo‘yicha yetuk sportchi bo‘lgan bu o‘g‘lon qator musobaqalarda ham faol qatnashib, oltin va kumush medallarni qo‘lga kiritgani, o‘z yo‘nalishi bo‘yicha birinchi razryad egasi ekani posbonning shijoati qay darajadaligini ko‘rsatib turibdi. Armiyada esa yanada shakllanib, toblanmoqda.

– El-yurt oldidagi yuksak burchim, ya’ni armiya xizmatini o‘tab, tibbiyot institutiga o‘qishga kirmoqchiman, – deydi yana bir kitobsevar posbon Qoraqalpog‘iston Respublikasidan xizmatga chaqirilgan oddiy askar O‘tkir Eshniyozov. – Shu bois bilimimni muntazam oshirib borayapman. Harbiy bilimlar, jangovar saboqlar ham g‘oyat manzur bo‘lmoqda. Yozgi o‘quv mavsumini muvaffaqiyatli boshladik. Jangovar o‘quv-trevoga mashg‘ulotlarini o‘rgandik, jismoniy, ijtimoiy-siyosiy va texnik tayyorgarlik mashg‘ulotlarini o‘zlashtiryapmiz. Kamol Toirov, Sherzod Jo‘raev kabi ofitserlar, shartnoma asosidagi harbiy xizmatchilar harbiy sohadan ta’lim-tarbiya berishyapti. Belgilangan imtiyoz va imkoniyatlardan, e’tiboru g‘amxo‘rlikdan xursandman. O‘qib izlanishga ham sharoitlarning yetarli ekani, qismda boy kutubxona ishlab turgani yanada ko‘ngilli. Shuningdek, borgan sari harbiy soha ko‘proq o‘ziga jalb etayotganini aytmasam bo‘lmas. Kelajakda harbiy shifokor bo‘lishga qiziqib qoldim, – deydi u. Shu o‘rinda Prezidentimizning “Biz bugun katta g‘urur va iftixor bilan ayta olamizki, yoshlarimiz uchun mamlakatimiz Qurolli Kuchlari saflarida xizmat qilish nafaqat konstitutsiyaviy burch, balki yuksak maqsad, tom ma’nodagi shon-sharaf ishiga aylanmoqda. Armiyada ular harbiy mutaxassisliklarni puxta egallash bilan birga, jismoniy va ma’naviy jihatdan chiniqib, irodasi toblanib, hayotiy qarashlari shakllanmoqda, Vatan himoyasi yo‘lida doimo tayyor turadigan mard va jasur insonlar bo‘lib kamol topmoqda...” degan gaplarini esga olsak, maqsadga muvofiq bo‘lardi. Mazkur jumlalarning naqadar teran va o‘rinli aytilganiga yuqoridagilarni o‘qib, o‘zingiz ham amin bo‘lgandirsiz.

Katta leytenant
Baxtiyor ANARBOYEV.

OTA MAKTUBI

OZOD O‘LKA QALQONLARI

Bahorgi chaqiruvga muvofiq o‘g‘lim Ruslan Badaev muddatli harbiy xizmatga olindi. O‘shanda onasi, men ham, barcha oila a’zolarimiz ham behad xursand bo‘ldik. Har bir ota-ona o‘z farzandi el-yurt koriga yaraydigan bo‘lganidan sevinadi, albatta.

Oradan bir oy o‘tgach, Harbiy qasamyod qabul qildi. Ana shu tantanali marosimga men ham bordim. O‘g‘limni, barcha askarlarni Harbiy qasamyod qabul qilib haqiqiy posbon bo‘lganlari bilan chin ko‘ngildan tabrikladim. Bir oy ichida o‘g‘limda katta o‘zgarish bo‘libdi. Harakatlari, yurishlari dadil, gap-so‘zlari pishiq-puhta. Ancha do‘stlar orttiribdi.

Paytdan foydalanib, harbiy qismdagi shart-sharoitlar bilan tanishdim. Zamonaviy yotoqxona, oshxonalarini ko‘rdim. Sport maydonchasini aytmaysizmi? Rostini aytsam, o‘zimning ham sport bilan shug‘ullangim kelib ketdi. Turli adabiyotlarga boy mo‘jazgina kutubxonasi ham bor ekan. Bir so‘z bilan aytganda, farzandlarimiz ham ma’nan, ham jismonan kamol topishlari uchun barcha imkoniyatlar muhayyo.

Shunday bo‘lgach, askarlardan talab bitta: u ham bo‘lsa, a’lo hizmat qilish.

O‘g‘limga ham, safdoshlariga ham bitta so‘zni uqtirdim. Siz o‘z postingizda doimo hushyor va ogoh bo‘ling! Harb ilmini puxta egallang. Komandir va boshliqlaringizning har bir topshirig‘ini bekamu-ko‘st bajaring! Shunda el tinch bo‘ladi, yurt tinch bo‘ladi. Shunda biz ota-onalarning ko‘nglimiz hotirjam bo‘ladi.

Men o‘g‘limga ham, safdoshlariga ham, shoirning tilidan shunday deyman:
El-yurt oromini asragan zotlar,
El mehri asrasin sizni har joyda!

Askar otasi Rustam BADAEV, o‘qituvchi, Termiz tumani.

POSBONLAR IJODIDAN



O‘ZBEKISTON

O‘zing ko‘kda porlagan yulduz,
Jonim fido qilaman senga.
Ta’rifingga topolmasman so‘z,
Onam kabi azizsan menga.

Daholaring tillarda doston,
Tengsiz mardu maydonlaring bor.
Quchog‘ingni ta’riflagan on,
Tillarimga quyilar ash’or.

Sarhadlaring bo‘lolmas g‘anim,
O‘g‘lonlaring olmos qalqondir.
Sen tanhosan aziz Vatanim,
Noming ulug‘ O‘zbekistondir.

Oddiy askar Sarvar BEKCHONOV.

Идет месячник безопасности дорожного движения

ПРОИСШЕСТВИЯ ЛУЧШЕ ПРЕДУПРЕЖДАТЬ

В республике 15 июня стартовал месячник безопасности дорожного движения. Особенности задач, выполняемых военными автомобилистами, таковы, что водителям нередко приходится проезжать по дорогам крупных населенных пунктов. На первый взгляд, возможно, покажется, что там намного легче управлять техникой, чем штурмовать крутые подъемы горных дорог, преодолевать рытвины и ухабы полигонных трасс.

Но и вождение в городе имеет свои особенности. Дорожное движение здесь характеризуется высокой интенсивностью, перенасыщенностью транспортными средствами. Все это требует от человека за рулем высокой личной ответственности за порученное дело, четкого и неукоснительного соблюдения правил дорожного движения, твердого знания устройства машины, умения быстро обнаруживать и устранять возможные неисправности в пути. И, конечно, нужно, чтобы водители качественно обслуживали технику и постоянно поддерживали ее в боевой готовности.

В республике проводится масштабная кампания по предупреждению происшествий на дорогах в рамках стартовавшего месячника безопасности дорожного движения.

С началом летних каникул у школьников начался оздоровительный сезон. Так как большинство оздоровительных лагерей находится в горных местностях, каждое транспортное средство, предназначенное для перевозок пассажиров, подвергается строгому техническому осмотру.

– Среди водителей, которые подают пример добросовестного исполнения служебных обязанностей, образцом являются младшие сержанты Игорь Абдуллаев, Ибрагим Норматов, рядовой Акбар Солиев, имеющие по итогам месяца передовые показатели безаварийной эксплуатации техники, содержания ее в исправном состоянии.

Немалым подспорьем в деле успешного решения данных задач, по признанию самих водителей, является класс инструктажа водителей подразделения, где имеются в достаточном количестве наглядные пособия и различная информация, плакаты по правилам дорожного движения.

– В целях профилактики дорожно-транспортных происшествий, – рассказывает младший сержант Уктам Бердиев, – в классе инструктажа регулярно проводятся занятия с водителями, выходящими в рейс, включая владельцев личного автотранспорта. Кроме того, здесь всегда имеется последняя информация по нововведениям в правилах дорожного движения. Так, в свете Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств» от 6 марта 2007 года были оперативно приняты меры по устранению имеющихся недостатков. В итоге все транспортные средства, конструкцией которых предусмотрены ремни безопасности, были ими оборудованы.

Строгий контроль готовности перед выходом в рейс проходят и автомобили на КТП парка. Значительную помощь в поддержании высокой боеготовности данного подразделения оказывают сотрудники ХАН гарнизона, систематически осуществляющие проверку технического состояния машин.

– Регулярно инспектора ХАН выступают перед водительским составом подразделений с беседами по профилактике и предупреждению ДТП, основанными на реальных примерах, – говорит майор Равшан Таджибаев. – Данная практика уже положительно зарекомендовала себя в качестве эффективного методического средства воздействия на водителя. Благодаря тесному сотрудничеству с органами безопасности дорожного движения МВД постоянно обмениваемся информацией, что позволяет точно анализировать и своевременно корректировать проводимую профилактическую работу по предупреждению ДТП. Использование конкретных примеров с показом фотоснимков с мест аварий невольно заставляет задуматься каждого о цене легкомысленного отношения к правилам дорожного движения.

Что же, вывод один: строгое и хладнокровное следование правилам дорожного движения – лучший гарант безопасности в пути.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



Ички таъминот бўлинмаларида

САЛМОҚЛИ КЎРСАТКИЧЛАР



Мамлакатимизда айни пишиқчилик фасли. Аскар дастурхони ҳам ана шу пишиқчилик неъматларига тўла. Келинг, рақамлардан аввал посбонлар фикрига эътибор берайлик.

Оддий аскар Жавлон РАИМОВ:

– Мен сержантлар тайёрлаш мактабида хизмат қиламан. Қиш ва эрта баҳорда бу ердаги иссиқхона неъматларидан баҳраманд бўлган эдик. Бодринг, помидор, кўкатлар ҳам ёздагидек бўлди. Ҳозир эса янада бойиган: мевалар, яқиндан бошлаб тарвуз-қовунлар истеъмол қиляпмиз.

Оддий аскар Шукур РОЗИҚОВ:

– Мен асли тоғли қишлоқда катта бўлганман. Йилнинг бу фаслида тоғ меваларига сал-пал ранг кира бошлайди. Биз аскарлар дастурхонида эса мевалар аллақачонлардан бери бор. Биз қишда ҳам янги узилган сабзавотлардан баҳраманд бўлганмиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб беришда жануб ички таъминот бўлинмаларининг алоҳида ҳиссалари бор. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи ички таъминот бўлинмаларига Қуролли Кучлар хизматчиси Шамси Удаев етакчилик қилмоқда. Бу ерда ишнинг тўғри ташкиллаштирилганлиги, жанубликларни доим илғорлар сафида бўлишига олиб келди.

Худди шу каби мулоҳазаларни Алишер Жўраев етакчилик қилаётган Шарқий ҳарбий округи ички таъминот бўлинмалари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришда 2006 йили ҳам улар етакчилик қилган эдилар.

Шу кунларда мамлакатимиз далаларида ғалла ўрим-йиғими юқори суръатлар билан давом эттирилмоқда. Мудофаа вазирлиги ички таъминот бўлинмалари ҳам бу борада кутилганидан зиёда хирмон уйдилар. Шу кунга қадар ўриб-йиғиб олинган ғалла 200 тоннадан ошиб кетди. Бу фаолияти сўнгги йилларгагина келиб жонлантирилган ички таъминот бўлинмалари учун салмоқли натижа ҳисобланади.

Шахсий таркибнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бутунлай қоплаш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. Шу кунга қадар шахсий таркиб эҳтиёжи учун 40 тоннага яқин карам етказиб берилди. Кўкатлар эса 30 тоннани ташкил этади. Пиёз 16 тоннадан зиёд, сабзи 6 тонна, бодринг 3 тоннадан ортиқроқ етказиб берилди. Шахсий таркибнинг чорвачилик маҳсулотлари билан таъминланиши ҳам диққатга сазовор. Гўшт шу кунга қадар 14 тоннани ташкил этган бўлса, сут 11 тоннадан ошиб кетди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг реализацияси икки юз миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Юқоридаги кўрсаткичлар ҳали яна ўсиши ва қўшимча маҳсулотлар сони ортиши табиий. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мамлакатимизда кеч кузгача давом этиши маълум.

Аскар дастурхони юртимизнинг хилма-хил ноз-неъматлари билан янада бойиши, тўлиб кетиши шубҳасиз. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи миришкорларга бу борада куч-қувват, мувваффақиятлар ёр бўлсин. Улар меҳнатининг муносиб қадрланиши ҳар томонлама соғлом шахсий таркибнинг юксак жанговар тайёргарлиги ҳисобланади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИНСОНДАГИ МУҲИМ ЭҲТИЁЖ

КОМАНДИР ВА ТАРБИЯЧИ ОФИЦЕРЛАР ЭЪТИБОРИГА

Умуман одам ва жамият ҳақидаги фанларда, хусусан антропология ва психологияда инсонга нисбатан «биологик ва ижтимоий мавжудот, ҳодиса» деган умумий таъриф, баҳо мавжуд. Тириклик ҳақидаги энг умумий фалсафий қонуниятга кўра эса, организмдаги талаб ёки эҳтиёжлар мажмуаси ҳаётни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади. Инсондаги эҳтиёжлар бошқа тирик мавжудотлардагидан ўзларининг ижтимоий-маънавий мазмунга эгаликлари билан ажралиб туради. Шунинг учун улар мазмунан ва шаклан жуда ҳам рангбаранг бўлиб, бунчалик миқдордаги кўп эҳтиёжларнинг ҳаммасини бир вақтда қондириш амалда мумкин эмас. Эҳтиёжлар қанчалик турли-туман бўлмасин, уларни маълум бир тартибга келтириш мумкин. Инсонлардаги эҳтиёжлар пайдо бўлиш даврига ва аҳамиятига кўра, бир-бирларидан фарқланиб турувчи беш босқичга ҳамда шунга мос келувчи беш турга ажратилади. Улар қуйидагилар: биологик эҳтиёжлар; ҳимояга бўлган эҳтиёж; мулоқот қилиш эҳтиёжи; обрў-эътиборга бўлган эҳтиёж; билимларга ва гўзалликка бўлган эҳтиёж.

Агар бу кетма-кетликка диққат билан разм солсак, табиий эҳтиёжлар аста-секин ижтимоийлашиб борганлигини кўрамиз. Масалан, биологик эҳтиёжлар ва ҳимояга бўлган эҳтиёж соф табиий моҳиятга эга бўлиб, улар одамлар билан бир қаторда, умуман тирик табиатга ҳам хос. Мулоқот эҳтиёжи ҳам ҳайвонот оламига хос бўлгани ҳолда, инсонлар учун ёввойи тириклик билан солиштириб бўлмайдиган даражада жуда юксак мазмун ва моҳият касб этади. Айтиш мумкинки, айнан мулоқот инсоният эришган маданиятнинг асосини ташкил этади. Ва бунда биз инсонлардаги юксак даражада ривожланган оғзаки ва ёзма нутқ муҳим роль ўйнайди. Қолган икки тур қадриятлар – обрўга нисбатан ҳамда билим олиш ва гўзалликка бўлган эҳтиёжлар эса ижтимоий моҳият касб этиб, фақат бани башаргагина хос.

Ҳимояга бўлган эҳтиёж ҳар қандай организмнинг, жумладан инсоннинг яшаб қолишида муҳим роль ўйнайди ва бунда инсондаги қўрқув туйғуси катта аҳамиятга эга. Шуни айтиб ўтиш керакки, қўрқув ҳам оғриқ ва йиғи сингари ҳимоя реакцияси ҳисобланади. У тирикликка хос бўлган энг универсал мезон – шартлардан бири бўлиб, бу туйғунинг маълум даражада доимо мавжуд бўлиши нафақат фойдали, балки инсон ва ўзга тирик мавжудотлар яшаб қолиши учун зарурият ҳамдир. Буни қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин? Шу нарса аниқки, инсонда қўрқув ҳиссини ҳосил қиладиган ёки у пайдо бўладиган қандайдир бир орган мавжуд эмас. У одамни қуршаган ташқи шарт-шароит омиллари ва унинг ўзидаги ички ҳолат ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодаловчи алоҳида бир руҳий воқелик шаклида намоён бўлади. Масалан, йўлнинг пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган қисмидан ўтаётган ҳолатингизни кўз олдингизга келтиринг. Гарчи светофорнинг яшил чироғи ёниб турган бўлса-да, сиз барибир йўлнинг автомобиллар юрадиган чап ва ўнг тарафларига бир неча марта кўз югуртириб, қараб оласиз. Бунга сиздаги ҳаётни асрашга қаратилган қўрқув туйғуси мажбур қилади.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур ўзининг ўгитларида, душман қўшини ҳар қандай заиф бўлмасин, у билан бўладиган жангга жуда пухта ва жиддий тайёргарлик кўриш ҳақида фикр юритади. «Рақибни заиф деб ҳисоблаш, – дейди саркарда, – мағлубият билан тенгдир». Зийрак ўқувчи бу ўринда Амир Темур нимани назарда тутганлигини англаган бўлса, ажабмас. Душман кучларини заиф ҳисоблаб, хотиржамликка берилиш оқибатида жангчилардаги қўрқув туйғуси йўқолади, бу эса лоқайдликка ва жанговар тайёргарлик даражасининг пасайишига олиб келади. Маълум миқдордаги қўрқув туйғусининг қўшинни жанговар шай ҳолатда ушлаб туришда муҳим роль ўйнашини Соҳибқирон жуда яхши тушунган.

Инсоннинг нафақат алоҳида олинган фаолияти, балки уни ташкил қилувчи хатти-ҳаракатларининг ҳар бири маълум даражада ижтимоийлашган мазкур туғма – биологик рефлекс, яъни қўрқув асосига қурилади. Психологик маълумотномада қўрқувга шундай таъриф берилган: қўрқув – одамнинг ўзига ёки яқин кишиларига тааллуқли бўлган ҳақиқий ёки хаёлий хавф-хатарга нисбатан қайтарадиган эмоционал реакцияси. Қўрқув юзнинг оқариши, баданнинг титраши ва бошқа бир қанча ихтиёрсиз товушлар, ҳаракатлар билан ифодаланади. У хавф-хатардан қочиш ёки ҳаракатсиз ҳолатда туриб қолиш шаклида рўй беради.

Биз юқорида қўрқувнинг фойдалилик меъёри ҳақида сўз юритган эдик. Бу меъёр қанақа ва уни ўлчаб бўладими? Ҳа, бўлади. Агар қўрқув инсоннинг ўйин, ўқиш, меҳнат ва хизмат фаолиятига салбий таъсир этмайдиган даражада бўлса, у фойдали ҳисобланади. Борди-ю у фаолиятнинг бир меъёрда кечишига тўсқинлик қилса – зарарли. Бу ҳолат ҳарбий хизмат фаолиятида, айниқса жанговар вазиятларда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчилардаги қўрқув туйғуси ва улардаги жанговар тайёргарлик ўртасида тескари алоқадорлик мавжуд. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: умуман ҳарбий бўлинмадаги, хусусан эса ҳарбий хизматчидаги жанговар тайёргарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, улардаги қўрқув туйғуси шунчалик паст бўлади. Ўқувчига мазкур тезис – қонуният тушунарли бўлиши учун, бу масалага батафсилроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ. Биз жанговар тайёргарлик даражаси деб айтаётган ҳолат кўплаб таркибий элементлар мажмуасидан иборат. Бу унсурлар шахсий таркибда етарли даражада шакллантирилмаса ёки улар умуман мавжуд бўлмаса, бу ҳолат жанговар вазиятларда қўрқув ҳиссини вужудга келтиради. Уларни ҳосил қилиш билан эса, бу руҳий – эмоционал ҳолатни маълум бир меъёргача тушириш ёки шундай даражада ушлаб туриш мумкин бўлади. Шахсий таркибда юқори даражадаги жанговар тайёргарлик ҳолатини таъминловчи ва шунинг оқибатида ундаги қўрқув ҳиссини етарлича камайтиришга имкон берувчи омиллар сирасига шахсий таркибнинг ҳарбий техника ва жанговар қуролларни билиши, улардаги юқори даражадаги жисмоний тайёргарлик, таъминотнинг етарли даражада бўлиши, командирнинг обрўси, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ижобий ўзаро муносабатлар, бўлинмалар ўртасидаги алоқанинг мавжудлиги, душман ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлиш, шахсий таркибдаги жисмоний соғломлик ва тетиклик ҳамда ҳар бир ҳарбий хизматчидаги ўз ишининг тўғрилигига бўлган ишонч каби бир қатор унсурлар киради, командирлар ўз фаолиятларида буни назарда тутишлари мақсадга мувофиқ.

Подполковник
Чори НАСРИДДИНОВ.

«ВАТАНПАРВАР» – 15 ЁШДА

Ўн беш йиллик фаолияти давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, Куролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳиятини саҳифаларида кенг ёритиб келаётган Мудофаа Вазирлигининг Марказий матбуот нашри – «Ватанпарвар» газетаси ўқувчилар қалбига кира олди.

Таҳририятга келаётган хатларда ҳам бу ўз аксини топмоқда.

ОФИЦЕРЛАРНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

Миллий армиямиз сафида тарбиячи офицер сифатида хизматимни бошлабманки, то бугунга қадар севимли газетамиз доимо ҳамроҳ. Айниқса посбонларнинг дунёқарашини бойитишда «Ватанпарвар»нинг ўрни беқиёс. Газета саҳифаларида армия ҳаётидан ташқари юртимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг тезкорлик билан ёритилиши биз учун айни муддаодир. Жумладан «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!», «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи халқ фаровонлиги» рукнларида ёритилаётган мақолалар орқали янги-янги маълумотларга эга бўлмоқдамиз. Газета саҳифаларининг рангли суратлар билан бойитилиши эса ўқувчини янада ўзига жалб этади. Ҳамиша ардоқли бўлган газетамизнинг 15 йиллик муборак тўйи ҳамда яқинлашиб келаётган Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан «Ватанпарвар» ижодкорларини чин дилдан табриклайман.

Капитан Нодир КЕНЖАЕВ.

С «ВАТАНПАРВАРОМ» НЕ РАССТАЕМСЯ

На протяжении многих лет являюсь постоянным читателем нашей военной газеты. Помню первые выпуски «Ватанпарвара» на серой бумаге, с неясными фотографиями. Никакого сравнения с тем, что мы имеем сегодня! Коллектив газеты на верном пути – ищет, пробует, улучшает, не боится нового и прогрессивного. «Ватанпарвар» стал более ярким, читаемым, интересным как для молодежи, так и для ветеранов. Новых вам успехов, дорогие военные журналисты!

Николай СМИРНОВ,
ветеран Второй мировой войны.

ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Мудофаа вазирлиги тизимида олиб борилган ислоҳотлар фаолиятимиз ойинаси бўлган «Ватанпарвар» газетасида тўлалигича акс этиб келмоқда. Газетанинг ўзида юз берган катта ўзгаришлар ҳам бизни қувонтиради. Шу кунларда севимли газетамиз ўзининг ўн беш ёшини нишонламоқда. Фурсатдан фойдаланиб, газета жамоасига мустаҳкам соғлиқ, юксак ижодий парвозлар тилайман.

Капитан Хайрулла ЎРИНОВ.

ХОРОШИЙ ПОМОЩНИК

За четыре года учебы в училище имел возможность увидеть, как менялись облик и содержание нашей любимой газеты «Ватанпарвар». Поворот в сторону молодежной тематики радует, ведь большинство проходящих службу в Вооруженных Силах – люди молодые.

«Ватанпарвар» был для меня хорошим помощником в курсантские годы, и я уверен, что поможет и в годы офицерского становления.

Желаю коллективу нашей газеты и дальше искать путь к сердцам молодежи, и тогда «Ватанпарвар» увеличит число своих преданных и заинтересованных читателей.

Лейтенант Михаил ТЕРНОВСКИЙ.

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА ГАЗЕТА

Бугунги ахборот оқими ва турли мафкуравий хуружлар авж олган бир даврда матбуотнинг ўрни ҳар қачонгидан-да муҳим. Айниқса, юртимиз ёшларининг маънавий онгини шакллантиришда республикамиз босма нашрлари ичида «Ватанпарвар» газетасининг ўзига хос ўрни бор. Газета саҳифаларида ёритилаётган мавзуларнинг долзарблиги алоҳида аҳамиятга эга. Мен анча пайтдан буён газетанинг ҳар бир сонини севиб мутолаа қиламан. Айниқса, маданият ва спорт йўналишида ёзилаётган мақолалар хилма-хиллиги билан эътиборга сазавор. Бундан кейин ҳам ушбу саҳифаларда ранго-ранг мақолалар кутиб қоламиз. Мен фурсатдан фойдаланиб, севимли газетамиз ижодкорларини қўшалоқ байрамлари билан чин дилдан муборакбод этаман.

Шерзод НАЗАРОВ,
Бухоро давлат университети талабаси.

ВЫ НА ПРАВИЛЬНОМ ПУТИ

Газета «Ватанпарвар» сопровождает офицера Вооруженных Сил Республики Узбекистан на всем служебном пути. По своему опыту могу сказать, что с интересом читал ее будучи курсантом, с нетерпением ожидал свежего номера в отдаленном гарнизоне, не раз использовал опубликованные в газете материалы в ходе службы в школе подготовки сержантов.

Пятнадцать лет – небольшой путь, и у журналистов «Ватанпарвара», как творческого коллектива, еще все впереди. Главное – и дальше держать руку на пульсе жизни армии, быть ближе к повседневным заботам военнослужащих, воспитывать в духе преданности идеям независимости, воодушевлять на новые достижения в боевой учебе.

Майор Дмитрий ГЕНЕРАЛОВ.

25 ИЮНЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 1. «Қизил қор ёққанда».
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.30 «Одами эрсанг»
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури.
11.25 «Олтин бешик».
11.55, 12.55 «Ўтган замон ҳангомалари». Спектакль.
13.45 Вилоят наволари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Мозий сирлари». 1-қисм.
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Ҳаёт ва қонун».
17.45 «Марғилон — 2000».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Келажакка эркин фикр билан».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки»
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Сериал.
23.55 Тунги наволар.
«O‘zbekiston».
00.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хонобод».
00.35 «Муқаддас қадамжолар».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.35 Олтин мерос.
01.45 «Чемпион сирлари».
02.05 «Ўтган замон ҳангомалари». Спектакль.
03.50 «Самарқанд — 2750».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кулол меҳри».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Шаҳзода ва канизак».
05.45 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 ДАВР.
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Универсиада — 2007» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими.
18.00 «Нафосат олами».
18.10 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
18.15 «Мўъжизанинг яралиши». Ҳужжатли фильм.
18.25 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
18.35 «Ғазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Қор алангаси». Сериал.
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
20.30 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал премьераси.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист».
20.20 Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига: «Ажал чангали».
20.40 «Чекиш соғлиққа зарар».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «ТВ-юрист».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Кто я?»
00.40 Хайрли тун, шаҳрим.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Универсиада-2007» якунлари (ўзб. тилида).
9.30 «Детективы».
10.00 «Универсиада-2007» якунлари (рус тилида).
10.30 «Зимние игры животных». Игровой анимационный фильм.
11.25 «Ким нимага қодир?»
11.45 Легкая атлетика. Кубок Европы.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Спортимиз маликалари».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Печорин». Сериал.
20.55 «Тет-а-тет».
21.05 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Семейный экран: «Единственному, до востребования». Художественный фильм.
23.30 ПрофРИНГ.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

26 ИЮНЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Ўйла! Изла! Топ!»
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.55 «Ҳаёт манзаралари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.20 «КиноТеатр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Марғилон — 2000».
15.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.00 «Бир ўлка-ки».
16.20 «Мозий сирлари». 2-қисм.
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «ИИВ хабарлари».
17.35 «Агар Сиз»
17.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Гиёҳвандлик — аср вабоси».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ажал сўқмоғи».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 Тунги наволар.
«O‘zbekiston».
00.20 «KINOMANIYA».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун».
02.40 «Истеъдод».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.15 «Назм ва наво».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 «Шаҳзода ва канизак».
05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ.
6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.20 Таътил туҳфаси: «Муз даври-1».
11.40 «Ғазал мулки».
12.00 «Пуаро». Сериал.
12.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Қор алангаси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Ватанпарвар».
17.20 «Қонун ижроси».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Давр мавзуси».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Қор алангаси». Сериал.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Аянч ва кулфат вабоси».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 Мультфильм.
10.15 «Аёл қалби».
10.35, 12.15, 20.15 «ТВ-юрист».
10.40 «Ажал чангали».
11.25 «Интервью».
11.35 «Саломат бўлинг».
11.45 «Туризм ҳақида».
12.25 «Кто я?»
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Келажакка эркин фикр билан».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Милосердие».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Казино «Рояль».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Детективы».
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Болалар спорти».
10.25 «Тайная жизнь коати». Документальный фильм.
10.50 Теннис. Уимблдон турнири.
11.40 Легкая атлетика. Кубок Европы.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қурувчи» — «Нефтчи». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда. «Хабарлар» (рус тилида).
19.50 «Мусиқий тайм».
20.00 «Печорин». Сериал.
20.55 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.10 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Футбол мундиал».
22.10 Любителям индийского кино: «Амрапали». Художественный фильм.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Ҳаёт манзаралари».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Самарқанд — 2750».
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Одамлардан бири».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Заковат».
16.15 «Мозий сирлари». 3-қисм.
16.35 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 «Марғилон — 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Минг бир ривоят».
18.25 «Ошин». Телесериал.
18.55 «Фидойиликка бахшида умр».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Масъул сўз».
22.05 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Икки тақдир». Телесериал.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури.
«O‘zbekiston».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун».
02.40 «Ватанпарвар».
03.40 «Мисли гавҳар».
03.50 «Самарқанд — 2750».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Отбеги».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Шаҳзода ва канизак».
05.45 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.20 Таътил туҳфаси: «Муз даври-2».
11.40 «Ғазал мулки».
12.00 «Пуаро». Сериал.
12.50 «Нафосат олами».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Қор алангаси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Матонат».
16.35 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
16.40 «Куйла, дилкаш дуторим!» Ў.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
17.00 «Меъёр соғлик гарови».
17.20 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Истиқбол тимсоллари».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Қор алангаси». Сериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Оқшом қўнғироқлари».
20.25 «Автопатруль».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Чип ва Дейл». Мультфильм.
10.20 «Келажакка эркин фикр билан».
10.50 «Ҳимоя».
11.05, 12.15, 20.15 «ТВ-юрист».
11.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.40 «Репортаж».
12.25 «Казино «Рояль».
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Мир животных: «Змееловы».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Юртим жамоли».
22.50 «Астерикс и Обеликс: миссия «Клеопатра».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Детективы».
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Болалар спорти».
10.25 Автоспорт.
11.15 Теннис. Уимблдон турнири.
12.05 «Тақдир чизгилари».
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.50 «Мусиқий тайм».
20.00 «Печорин». Сериал.
20.55 «Кўп яшанг».
21.15 «Универсиада — 2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дув-дув гап». Шоу дастури.
22.40 Еврофутбол.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

28 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Сеҳрли тун». Бадиий фильм.
9.45 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.20 «Масъул сўз».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Оҳанрабо».
16.00 «Қорақалпоқнома».
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Стандарт ва сифат».
18.30 «Марғилон — 2000».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк Ипак йўли». Бахши.
00.15 Тунги наволар.
«O‘zbekiston».
00.40 «Ҳаёт манзаралари».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун».
02.40 «Қишлоқ ҳаёти».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.15 «Ўлмас наволар».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғнинг гули ўзгача».
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 Миллий сериал: «Шаҳзода ва канизак».
05.50 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «ТВ-анонс».
10.20 Таътил туҳфаси: «Ёрмон аҳли».
11.40 «Ғазал мулки».
12.00 «Пуаро». Сериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Қор алангаси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Солиқ хизмати хабарлари».
16.45 «Ватаним!»
16.50 «Чемпион сирлари».
17.10 «Самарқанд — 2750 ёшда!»
17.15 «Тасвир ва таассурот». Огюст Ренуар.
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Сифат белгиси».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Қор алангаси». Сериал.
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Қизил гул». Мультфильм.
10.20, 11.35, 20.15 «ТВ-юрист».
10.25 «Мисли гавҳар».
10.35 «Хор жамоасининг концерти».
10.50 «Интервью».
11.20 «Юртим жамоли».
11.45 «Астерикс и Обеликс: Миссия «Клеопатра».
17.55 Мультфильм «Шумтакалар».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревью».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Келажакка интилиб».
22.50 «Гордость и предубеждение».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.05 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Детективы»
9.55 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.15 Автоспорт.
10.55 «Кўл жанги». Жаҳон чемпионати.
11.25 Теннис. Уимблдон турнири.
12.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Андижон».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Вокруг света».
20.00 «Печорин». Сериал.
20.55 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
21.05 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Джоди Фостер в фильме «Иллюзия полета». Художественный фильм.
23.20 Еврофутбол.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

29 ИЮНЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Цирк, Цирк, Цирк».
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Минг бир ривоят».
10.50 «Юртим кишилари».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир».
12.00 «Самарқанд — 2750».
12.05 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.25 «Рангин дунё».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хайрлашув оқшоми».
15.30 «Ҳаёт манзаралари».
15.40 «Қишлоқ ҳаёти».
16.00 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.20 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.40 «Умр мазмуни».
18.00 «Марғилон — 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон».
22.05 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Икки тақдир». Телесериал.
24.00 Тунги наволар.
«O‘zbekiston».
00.15 «Нотаниш полвон». 1-қисм.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.35 «Янги кун».
02.35 «Дунё таомлари».
02.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
04.55 «Марғилон — 2000».
05.00 «Минг бир ривоят».
05.05 «Шаҳзода ва канизак».
05.50 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «ТВ-анонс».
10.20 Таътил туҳфаси: «Денгиз аҳли».
11.40 «SMS-мусиқа».
12.00 «Пуаро». Сериал.
12.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Қор алангаси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Мўйқалам сеҳри».
16.55 «Таълим ва тараққиёт».
17.10 «Бу шундай бўлган эди»
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Автопатруль».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Қор алангаси». Сериал (якунловчи қисм).
20.10 «Ватаним!»
20.15 «Дунё таомлари».
20.35 «Оқшом қўнғироқлари».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Троя». 1-қисм.
00.05 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Келажакка интилиб».
9.50, 11.45, 20.15 «ТВ-юрист».
10.20 Ёзги таътил кунларида.
11.35 «Иқтисод-ревью».
11.55 «Гордость и предубеждение».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Гром и молнии». Научно-популярный фильм. 1-я часть.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Дворовые танцы».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.05 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Детективы».
9.55 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.15 «Ринг».
10.45 Кўл жанги. Жаҳон чемпионати.
11.15 Теннис. Уимблдон турнири.
12.05 «Спорт салтанати».
12.25 «Путешествия натуралиста».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Печорин». Сериал.
20.55 «Новая экономика».
21.15 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
22.00 «Рондо». Шоу-программа.
22.45 На экране классика: «Ярмарка тщеславия». Художественный фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 ИЮНЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Мусиқа дунёси».
9.40 1. «Рангинкамон».
2. «Дилдор».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Санъат — дўстликка чорлайди».
12.20 «Йўлдаги суҳбатлар».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Дил таронаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Ғаройиб бола». Фильм.
16.15 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.20 «Шахсий фикр».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Суғурта оламида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ўзбегим ёшлари — Малайзияда».
22.40 «Маҳзун чечак». Бадиий фильм.
23.55 Тунги наволар.
«O‘zbekiston».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 ТВ-анонс.
00.10 Миллий кино: «Нотаниш полвон». 2-қисм.
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус)
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.40 «Йўлдаги суҳбатлар».
03.05 «Оҳанрабо».
03.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фавворалар».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 Миллий сериал: «Майсаранинг иши». 1-қисм.
05.35 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.20 Таътил туҳфаси: «Қирол Шер-3».
11.35 «Кино-SMS».
11.40 «SMS-мусиқа».
12.00 «Қўшқулоқ». Ҳажвий дастур.
12.25 «Тасвир ва таассурот». Огюст Ренуар.
12.40 «Ватаним!»
12.45 «Матонат».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Қор алангаси». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Марғилон — 2000 ёшда!»
16.40 «Хаёлпарастлар». Ҳажвий дастур.
17.00 «Ер сайёраси».
17.50 «Истиқбол тимсоллари».
18.00 «Алла». Видеофильм.
18.25 «Каталог».
18.35 «Ғазал мулки».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Акс». Ток-шоу.
20.10 «Дилроз». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов.
20.50 «Зерда». Сериал.
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
21.50 «Оқшом қўнғироқлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Троя». 2-қисм.
00.05 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Маърифат фидойилари».
9.55, 12.15, 20.15 «ТВ-юрист».
10.00 Дни летних каникул: «Братец медвежонок».
11.20 «Саломат бўлинг».
11.55 «Репортаж».
12.05 «Афиша».
12.25 «Дворовые танцы».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Гром и молнии». Научно-популярный фильм. 2-я часть.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Розовая пантера».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Смак».
9.55 Живой мир. Научно-популярный фильм.
10.45 «Кўл жанги». Жаҳон чемпионати.
11.15 Теннис. Уимблдон турнири.
12.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
12.25 Нокаут.
12.55 «Дув-дув гап». Шоу-дастури.
18.00 «Жасур болалар».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Застали».
19.25 «В яблочко».
19.40 «Звездный матч».
20.00 «Печорин». Сериал.
20.55 «Семейный досуг».
21.10 «Универсиада-2007» якунлари.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-РИНГ.
22.20 SMS-комедия.
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Бойвачча Рич». Фильм.
10.15 «Саломатлик сирлари».
10.35 «Уч бека». Телесериал.
11.15 «Ҳандалак».
11.45 «Фидойиликка бахшида умр».
12.05 «Денгиздан томчи».
12.35 «КиноТеатр».
13.00 «Қисмат». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.25 «Қисмат». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 «50/50». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси»:
16.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Интеллектуал ринг».
18.00 «Одами эрсанг»
18.20 «Саёҳатга марҳабо».
18.40 «Оҳанрабо».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Ўзбегим ёшлари — Малайзияда».
22.50 «Муҳаббат қиссаси». Бадиий фильм.
00.10 Тунги наволар.
«O‘zbekiston».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 ТВ-анонс.
00.30 «Саёҳатга марҳабо».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
02.15 «Халқ ўйинлари».
02.35 «Интеллектуал ринг».
03.15 «Юнус Ражабий». Фильм.
03.40 «Ҳаёт манзаралари».
03.50 «Марғилон — 2000».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ-анонс.
04.45 Миллий кино: «Майсаранинг иши». 2-қисм.
05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 Миллий кино: «Кўргилик».
8.10 «Дунё таомлари».
8.30 «Болалар давраси».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Зерда». Сериал.
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal».
11.20 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
12.00 Жаҳон киноси: «Ноттинг-Хилл».
14.00 «Қаҳқаҳа». Ҳажвий дастур.
14.30 Таътил туҳфаси: «Пакана Бурунбой».
15.50 «Чемпион сирлари».
16.10 «Ринг қироллари».
17.00 Таътил туҳфаси: «Затура».
18.30 «Болалар табассуми».
18.35 «Айланай»
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 «Кўзгу». Ҳажвий дастур.
19.55 «Табассум қил!»
20.00 «Тараннум». Дам олиш дастури.
20.35 «Хуш келибсиз!»
20.50 «Эълонлар».
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 Жаҳон киноси: «Эртадан кейин»
23.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.10 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Афиша».
9.50 Ёзги таътил кунларида.
11.15, 13.45 «ТВ-юрист».
11.20 «Интервью».
11.35 Кино: «Одам амфибия».
13.05 «Телекурьер-маркет».
13.25 «Истеъдод».
14.10 Дни летних каникул.
15.45 «Саргузаштлар ороли».
16.15 Кино: «Розовая пантера».
17.45 «Жозиба».
18.35 Кино: «Ёр-ёр».
19.45 «Нима учун?»
20.25 «Туризм ҳақида».
20.55 «Анонс».
21.00 Кино-SMS со звездами: «Бессонница», «Ноттинг Хилл», «Последний легион».
23.00 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.15 «Непутевые заметки».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 Теннис. Уимблдон турнири.
12.30 «Вилоят спорти» (Жиззах).
12.45 «Аптека слушает».
13.30 ПрофРИНГ.
18.00 «Халқ ўйинлари».
18.20 «Мусиқий тайм».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Шахмат бўйича Осиё биринчилиги кундалиги.
20.10 «Универсиада-2007» якунлари.
20.30 «Король ринга». Финал.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Король ринга». Финал (продолжение).
23.30 Еврофутбол.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД

ГАЗЕТАНИНГ 24-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:
ЭНИГА: Бойқўнғир. Лодигин. Чили. «Кейс». Кэри. Савағич. Герб. Ём. Иш. Ниагара. Мўмин. Ер. Бал. Тўр. Нота. Цех. Нафосат. Чакана. Ироқи. Исм. Ҳосил. Ош. Чарм. Лимонад. Уфа. Қосимов.
БЎЙИГА: Йод. Ўнг. Ғаниев. Майл. Эчкемар. Балли. Икки. Марш. Чаман. Ичкари. Антрацит. Режиссёр. Бўр. Наби. Ол. Техас. Иена. Очқич. Аҳмедов. Акр. Наима. Шифо. Фаол. Кул. Само. Манпаси. Мўътадиллик.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АХБОРОТ АСРИДА – ЎЗБЕК МАТБУОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз эркин, фуқаролик жамияти қуряпмиз. Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларда демократик тамойиллар устворлигини таъминлаш борасида муҳим ишларни амалга оширяпмиз. «Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур», дейди Президентимиз. Табиийки, бу оммавий ахборот воситаларидан том маънодаги тўртинчи ҳокимиятга айланишни талаб этади.

Ислоҳотлар давомида демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти сифатида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун давлатимиз раҳбарияти томонидан демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларнинг амалга оширилиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу нарса яхши маълумки, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб этиш, уни ёш авлод онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш йўлида қандайин ҳуқуқий асослар яратилди, деган савол туғилиши мумкин. Яхши биламиз, Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада иккита қонун яратилди. Булар – «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлардир.

1997 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ги қонуни қабул қилинганини яхши биламиз. Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонун мамлакатимиздаги барча газета, журналлар, радио ва телевидение воситаларини жаҳон миқёсига олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, Олий Мажлиснинг 2002 йил 30 августда қабул қилган қонунига мувофиқ мазкур қонунга ўзгартиришлар киритилган.

2002 йилнинг 3 июлида Президентимизнинг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинганидан хабарингиз бор. Мазкур Фармондан кўзланган мақсад мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида халқимизнинг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондиришдан иборатдир.

Бир ҳақиқатни яхши англаб олмоғимиз даркор. Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган том маънодаги минбарга айлантирмасдан туриб, кўзлаётган мақсадларимиз – демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларимизнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўларканми.

Шўролар даврида матбуот мафкуравий ва маъмурий таъсирлар остида фаолият юритганини яхши биламиз. Бу таъсир истиқлолга эришилган илк йилларда ҳам ўз кучини кўрсатди. Истиқлол сабаб жамиятимизда кечаётган янгиланишлар ва ўзгаришлар онгимизда ҳақиқий демократик матбуот, эркин матбуот борасидаги тушунчаларни шакллантиряпти. Демократик матбуот кўрсатма асосида яшамайди. Реал вазият шароитига қараб фолият юритиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқади. Бир сўз билан айтганда, ҳокимият, бошқарув тузилмалари ва халқ, жамоатчилик ўртасида мустаҳкам бир кўприк вазифасини ўтайди.

Жамиятда ахборот соҳасида бозор муносабати ва рақобатни ривожлантириш матбуот эркинлигининг кафолати сифатида муҳим аҳамият касб этади. Яъни оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлаб, эркин ва мустақил фаолият кўрсатиши бунда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарияти бу борада зарур шарт-шароитлар яратиб бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Негаки, мазкур соҳа жамиятимизни том маънода демократлаштиришимизнинг муҳим гаровидир.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ги қонунга биноан давлат ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабатлари демократлашганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, мазкур қонуннинг 11-моддасини олиб қарайлик. Яъни ушбу моддага биноан мамлакатимиз қонун ҳужжатларида илгари бўлмаган янги қоида киритилган бўлиб, унга кўра нафақат юридик, балки жисмоний шахслар ҳам оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб берилган.

«Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга худонинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман» , дейди Президентимиз Ислом Каримов. Шу маънода мамлакатимизда журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳам улкан эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Масалан, республикамизда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Матбуотни демократлаштириш ва журналистларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотларнинг фаолияти ана шу мақсадга қаратилган.

Бугун ғоят мураккаб ва нотинч замонда яшаётганимизни яхши биламиз. Минтақадаги қалтис вазият, дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар бизга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймайди. Айниқса, ахборот хуружлари, курашлари кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистларимиз зиммасида долзарб, масъулиятли вазифалар турибди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, соҳа ходимлари фаолиятидаги энг муҳим бир йўналиш юртимиз, халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, машаққатли, масъулиятли касб эгалари бўлган журналистлар бу борада фидойилик кўрсатмоғи лозим.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ, УНИ ЁШ АВЛОД ОНГИГА СИНГДИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

«УНИВЕРСИАДА» – УМИД ЮЛДУЗЛАРИМИЗНИ ЧАҚНАТАР



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу кунларда пойтахтимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» мусобақалари руҳи, кайфияти билан яшамоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада – 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори мазкур мусобақага давлатимиз раҳбариятининг устувор эътиборидан, демакки соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдек юксак мақсадни кўзлаб юритаётган сиёсатимиздан далолат.

Келинг, шу ўринда кичик олимпиадага тенглаштирилаётган мазкур нуфузли мусобақа борасида кенгроқ маълумот берайлик. Аввало «Универсиада»нинг мазмун-моҳияти унинг мақсад ва вазифаларида ёрқин акс этган. Улар қуйидагилар: талаба-ёшларнинг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш; спортнинг талабалар ўртасида оммавийлашган турларини ривожлантириш; талаба ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий жалб қилиш; соғлом турмуш тарзини шакллантириш; халқаро классдаги спортчиларни тайёрлаш; олий таълим муассасалари спорт клубларининг Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига спорт захираларини тайёрлаш бўйича ишларнинг суръат ва самарадорлигини ошириш; олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини янада мустаҳкамлаш; ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш; спорт мусобақалари орқали ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятига бўлган ишончини, мардлик ва ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтириш; бутун жаҳон миқёсида ўтказиладиган «Универсиада» мусобақаларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига номзодлар танлаш. Тилга олиниб ўтилган устувор мақсадлардан ҳам кўриниб турибдики, «Универсиада» миз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун замон талабларига мос равишда шарт-шароитлар яратиш, ёшларимизнинг иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, улар қалбларида ватанпарварлик, садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилиб келмоқда.

«Универсиада» илк бор, яъни 2000 йилда Наманган, 2002 йилда Бухорода, 2004 йилда Самарқандда ўтказилганидан хабарингиз бор. Маълумки, низомига кўра, «Универсиада» мусобақалари уч босқичда ўтказилади. Айни пайтда давом этаётган «Универсиада – 2007»нинг илк босқичи 2004 йилнинг октябридан 2005 йилнинг сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олий таълим муассасаларининг спорт клублари томонидан ички мусобақа тарзида бўлиб ўтди. Иккинчи босқич эса 2005 йилнинг сентябридан 2006 йилнинг сентябригача бўлган даврни қамраб олиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олий таълим муассасаларининг спорт клублари ўзаро мусобақалашишди. Ниҳоят финал босқичи айни кунларда кўтаринки руҳда ўтказилаётганидан хабарингиз бор.

Мусобақа низомига мувофиқ ҳар бир дастур тури бўйича 14 та жамоа иштирок этиб, уларнинг таркибидаги профессионал спортчилар сони 20 фоиздан ошмаслиги белгиланган. Олий таълим муассасаси жамоа таркибига бегонани киритса, 300 минг сўм миқдорида жарима солиниши ва натижалар бекор қилиниши кўзда тутилган. Агар ҳакам ноҳақлик қиладиган бўлса, унга нисбатан 150 минг сўм жарима солиниши, ҳакамлик фаолияти дисквалификация қилиниши белгиланган. Мусобақа қатнашчилари ва мураббийларнинг тартиб-қоидаларни бузганлиги учун ҳам жазо белгиланган. Шунинг ўзи ҳам мусобақанинг адолат мезонига асосланиб ўтишини, «Универсиада»нинг халқаро талабларга ҳар томонлама жавоб беришини кўрсатиб турибди.

Мусобақада талабалар спортнинг 12 тури – футбол, волейбол,баскетбол, гандбол, шахмат, теннис, стол тенниси, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, сузиш ва дзюдо каби турлари бўйича ўзаро беллашишади. Шу ўринда спортнинг бу турлари бўйича мусобақа низомидаги айрим қайдларни келтириб ўтайлик. Баскетбол беллашувлари эркаклар ва аёллар ўртасида кечиб, Халқаро баскетбол федерацияси тасдиқлаган қоидаларга кўра ўтказилиб, жамоа таркиби 20 кишидан, 18 ўйинчи ва икки нафар мураббийдан ташкил топади. Кураш бўйича мусобақада эса ҳар бир жамоадан 7 спортчи ва 1 нафар мураббий қатнашиб, 60,66, 73,81, 90, 100 ва 100 кг.дан ортиқ вазн тоифаларида беллашилади. Белбоғли курашда эса 55, 60, 66, 73, 81, 90 ва 90 кг.дан ортиқ вазн тоифасида спорт усталигига номзод, спорт усталари бўлган талабалар гиламга чиқишади. Волейбол эркаклар ва аёллар ўртасида Халқаро волейбол федерацияси талаблари асосида олимпия ўйинлари тизимда ўтказилиб, ҳар жамоадан 18 ўйинчи, 2 нафар мураббий иштирок этади. Қўл тўпи бўйича беллашувлар ҳам эркаклар ва аёллар ўртасида кечиб, жамоада 20 ўйинчи ва икки мураббий бўлиши кўзда тутилган. Енгил атлетика баҳсларида жамоадан 18 спортчи, 2 мураббий қатнашиб, эркаклар 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 метрга, шунингдек белгиланган масофаларга эстафетали тўсиқлараро югуришиб, узунликка ва баландликка сакраш, узунликка уч ҳатлаб сакраш, найза улоқтириш, ядро ирғитиш, аёллар 100, 200, 400, 800, 1500 метрга югуриш бўйича ўзаро беллашишади. Сузишда жамоадан 16 спортчи, 2 нафар мураббий қатнашади. Спортнинг мазкур турига иккинчи даражадан кам бўлмаганлар қўйилади. Брасс, эркин, батерфлай, чалқанча, эстафета, аралаш сузиш усуллари бўйича белгиланган масофаларда эркак ва аёллар ўртасида ғолиблар аниқланади. Теннисда ҳар жамоадан 2 эркак, 2 аёл спортчи ва мураббий иштирок этиши белгиланган. Мусобақа шахсий-жамоа системасида, якка, жуфтлик баҳслари тарзида ўтказилиб, барча ўринлар аниқланади. Стол тенниси мусобақасида ҳам ҳар жамоадан 5 киши (2 эркак, 2 аёл, 1 мураббий) иштирок этиб, ўйинлар 5 та партиядан иборат бўлади. Шахмат мусобақасида ҳам ҳар жамоадан 5 киши (2 эркак, 2 аёл, 1 мураббий) қатнашиб, беллашув икки бошланғич гуруҳларда Швейцария тизими бўйича халқаро шахмат федерацияси томонидан тасдиқланган кодекс-га асосан ўтказилади. Футболда ҳар жамоадан 15 ўйинчи, 1 мураббий иштирок этиб, ФИФА қоидаларига кўра мусобақа ташкил этилади. Ниҳоят дзюдо беллашувларида 8 спортчи ва 1 мураббий қатнашиб, 60,66, 73, 81, 90, 100 ва 100 кг. дан юқори ва мутлоқ вазн тоифаларида иштирокчилар куч синашади.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади, деган эди Президентимиз. Бир сўз билан айтганда, ёшлик, нафосат байрами бўлган «Универсиада» биз кўзлаган мақсад эзгу эканлигини, биз кўзлаган манзил порлоқ истиқбол сари бошлашини яна бир бор исботлайди.

Майор Алижон САФАРОВ.

Миллий ифтихоримиз

ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

Ўзбек миллий кийимлари орасида энг кўп тарқалгани ва энг умрбоқийси – дўппидир. Дўппидўзлик республикамиздаги халқ амалий-бадиий санъатининг энг қадимий ва кўп тарқалган шаклларидан бири саналади. Халқимиз орасида, айниқса Андижон, Қўқон, Бойсун, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Чуст дўппилари маълуму машҳур.

Ўзбек дўппилари ўзининг тиқилиши ва безаги билан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг хилма-хиллиги – қуббасимон, гумбазсимон, тўртбурчак, думалоқ, кашталарининг безаклари – баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельефли (бўрттириб солинган сурат), баъзан гиламга ўхшаб тус олиши, турли рангларда жилоланиши ўзбек миллий бош кийимининг бетакрорлигини кўрсатади.

«Чуст дўппи», «Ироқи дўппи», «Гилам дўппи», «Чакма тор», «Пилтадўзи», «Зардўппи», «Қўқон дўппи», «Андижон дўпписи» деб аталган дўппилар чиройли қилиб тикилиши ҳамда турли-туман гул нақшлари билан бир-биридан ажралиб туради. Масалан, энг кўркам ва кенг тарқалган Чуст дўпписининг қора таглигига оқ ипакда қалампир нусхаси солинади. Шуниси қизиққи, бундай дўппиларнинг гули бири иккинчисида қайтарилмайди. Гилам дўппининг усти ёппасига тикилган жуда бой ва ёрқин безаклар билан сайқалланган бўлади. Тошкент дўппиларида эса чиройли гулдасталар оқ фонга жойлаштирилади.

Ироқи деб аталган «гилам гули»га тахлит гул тикишлар фақат республикамизда эмас, балки бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам маълум ва машҳурдир. Ўзбекистонда Ироқининг асосий маркази Шаҳрисабз билан Китоб шаҳарлари ҳисобланади. Чок тикиш техникаси жиҳатидан Ироқи икки хил бўлади: тўртбурчак ва ярим тўртбурчак шаклда. Дўппининг авраси билан астари қўшилиб узунасига қавилган иплар кўндалангига ҳам тикилгач, тўртбурлари бахмал, мовут ёки сатин каби рангдор газламалардан қилинган таг асосга заррин иплар билан тикиб тайёрланади. Кўпинча бундай дўппилардаги нақш ва безаклар кўлигидан асосдаги газлама ранги кўринмай кетади. Бу дўппи нусхаси ҳозирги пайтда Самарқанд ва Бухоро, Душанбе ва Помирга қадар кенг тарқалган. Қизларимиз бошида ёқутдек товланиб турувчи «Наврўз», «Раъно», «Мажнунтол», «Гулноз» каби машҳур дўппилар бухоролик чеварлар маҳсулидир. Бу зар дўппилар ҳозирги кунда эъзозланиб, тўй-маросим либосларидан бирига айланган.

XIX асрда ўзбек миллий кийимлари, хусусан, дўппилар хорижий давлатларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, юксак баҳоланди. Чунончи, «Таржимон» газетасининг 1899 йил 10-сонида чиройли, нафис ва ранг-баранг гулларга бой ўзбек дўппилари 1872, 1882, 1891 йиллари Москва, 1973 йили Вена, 1883 йили Амстердам, 1889 йили Париж, 1896 йили Нижний Новгород шаҳарларида ташкил этилган нуфузли кўргазмаларда бир неча бор намойиш этилиб, ўнлаб олтин, кумуш, бронза нишонлари, фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирлангани қайд этилган. Шунингдек, дўппилар 1937 йилда Парижда, 1993 йилда Нью-Йоркда ўтказилган жаҳон кўргазмаларида, 1960 – 1990 йилларда Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Бельгия, Япония, Германия, Швейцария, Югославия мамлакатларида ташкил этилган кўргазмаларда юксак баҳоланган.

XIX АСРДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРИ, ХУСУСАН, ДЎППИЛАР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРДА НАМОЙИШ ЭТИЛИБ, ЮКСАК БАҲОЛАНДИ.

чакка ўхшаш чоклар пайдо бўлади. Умуман, Шаҳрисабзнинг Ироқи дўпписи ўзининг юксак бадиий хусусияти ва тикилиши жиҳатидан ажралиб туради. Шаҳрисабзнинг қўлигул чеварлари «Санаман», «Чизма», «Роҳат», «Қашқаргул», «Номозшомгул», «Гултожихўроз», «Тилла қош», «Шопарчин», «Аноргул» нусхали дўппиларни жуда гўзал ва нафис қилиб тикишади.

Зардўзлик санъатининг айни гуллаган чоғида дунёга келган Бухоро зар дўписини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу дўппи қимматбаҳо тошлар, марвариду дурлар, пистончалар ёрдамида ишланади. Бундай дўппи бошга кийилганда, унинг ёқасидаги ўрама ҳошияга ўралган ипак рўмолча ёқанинг ташқарисига чиқиб туради. Бухоро зар дўпписи ўзининг ўзига хос ранг-баранглиги, ёрқинлиги, нафислиги ва ҳашаматлилиги билан ажралиб туради.

Истиқлол йилларида республикамизда халқ амалий санъатининг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳунармандчиликнинг барча соҳалари қаторида каштадўзлик, зардўзлик ва дўппидўзлик ҳам янги шакл ва мазмун билан бойитилиб, ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Шу боис ҳам ўзбек дўппилари ўзининг юксак бадиий хусусиятлари билан бундан буён янада кишиларни, айниқса, хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни ром этиши, шубҳасиз.

Р.БОЙТИЛЛАЕВ.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

ТЎЙГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Президентимизнинг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига, қолаверса нуфузли халқаро ташкилот ЮНЕСКО нинг қарорига мувофиқ бугун шаҳарда тўйга қизғин ҳозирлик кўриляпти.

Таъкидлаш лозимки, шаҳарда давлат муҳофазасига олинган 44 та тарихий ёдгорлик мавжуд. Тўйга тайёргарлик доирасида бундайин бойликларимиз – меъморий ёдгорликларимизда таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Республикамиз оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотларга кўра, шаҳардаги Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида Тошкент, Сирдарё, Кўқондан келган қўли гул усталар ва маҳаллий бунёдкорлар қизғин иш олиб боришмоқда экан. Ёдгорлик янги пешайвон, миллий меъморчилик намуналарини мужассам этган маҳобатли устунлар билан бойиди. Мадраса қироатхонаси ҳисобланган 18 та ҳужрада таъмирлаш ишлари олиб борилди. Кўҳна мадраса ҳудудини ободонлаштиришга улкан эътибор қаратилиб, ёнидан оқиб ўтувчи ариқ тартибга келтирилди. Маълумот учун шуни айтиб ўтиш жоизки, Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасаси ўн тўққизинчи асрда бунёд этилган. Квадрат ҳолидаги ҳовлисининг ҳажми 32,5 х 32,5 м. ни ташкил қилган.

Шаҳарнинг тарихида муҳим аҳамият касб этувчи Пир Сиддиқ мажмуасида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида ўн-ўн иккинчи асрга, яъни қорахонийлар даврига тааллуқли, шунингдек, ўн беш-ўн олтинчи асрларга – темурийлар даврига оид маданий қатламлар, сопол намуналари ва бошқа ашёлар топилган.

Қадимшунослик манбаларида ҳам Марғилоннинг азал-азалдан маданият ва санъат маркази саналгани келтириб ўтилган. Таниқли олим В.Бартольд қорахонийлар даврида Марғилон провинциянинг асосий марказий шаҳарларидан бири бўлганлигини бежиз таъкидламайди.

Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида шундай ёзилган: «...Марғинон шаҳри исми бўлиб, Фарғона умумий иқлимга исмдур. Чунончи мунга далил Марғинонда подшоҳ Искандар деган ийдгоҳ мазор бордур, ул киши тушган ерлардур» дея изоҳ берилганининг ўзи шаҳарнинг тарихи узоқ-узоқ даврларга бориб тақалишини кўрсатади.

Буюк Ипак йўлида жойлашган бу гўзал шаҳримизда бугун тўй муносабати, истиқлол шарофати ила маданият, санъат янада гуркираб яшнамоқда. Шаҳар кишилари бунёдкорлик, яратувчанлик руҳи билан яшашяпти. Бунга кундан-кунга чирой очаётган, янги-янги бинолар қад кўтараётган шаҳарга саёҳат қилсангиз, амин бўласиз.

Толмас ҚУРБОНОВ.





Соғлигимиз – бойлигимиз

ПОСБОНЛАР САЛОМАТЛИГИ – ЭЪТИБОРДА



Саломатлик – инсон ҳаётининг асосий омилларидан бири. Соғ танда соғлом гоя, соғлом фикрлаш, соғлом ҳаракат бўлиши табиий ҳол. Шу сабабли аскарлик хизматига отланаётган юртимиз ўғлонларининг ҳар бири жиддий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилиши бежиз эмас. Ҳарбий қисмларда ҳам посбонлар саломатлигини асраш борасида тиббий йўналишга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун барча қулайликларга эга, замонавий анжомлар билан жиҳозланган тиббиёт пунктлари ҳар бир қисмда мавжуд бўлиб, малакали мутахассислар посбонлар хизматига шай. Уларнинг вазифаси нафақат даволаш, балки касалликнинг олдини олиш ҳамдир.

Бир қатор ҳарбий жамоаларда бўлганимизда шу каби тиббиёт пунктлари ва шифокорларнинг фаолияти билан танишишга муваффақ бўлдик.

Тарбиячи офицер Шавкат Бобоев билан ҳарбий қисм тиббиёт пунктидамиз. Бизни ушбу саломатлик гўшаси бошлиғи тиббий хизмат капитани Ўрал Қурбонов қарши олди. Таъкидлаш жоизки, бу ердаги ҳар бир хонанинг ўзига хос жиҳозланиши ва орасталигига катта эътибор қаратилган. Албатта, ҳар бир соҳада янгиликка интилиш, ҳаракат бўлсагина ривожланиш бўлади. Айниқса, тиббиёт доимий изланишни талаб этадиган мураккаб ва инсон ҳаёти ва умрига боғлиқ бўлган нозик соҳадир. Шунинг учун тиббиёт пунктидаги ҳар бир ходимнинг малакаси, даволаниш хоналарининг жиҳозланишга жиддий тарзда ёндашилганлиги бежиз эмас.

– Бизнинг вазифамиз посбонлар саломатлигига доимий тарзда эътиборли бўлиш, – дейди Ўрал Қурбонов суҳбат жараёнида. – Шу сабабли муолажаларни олиб бориш билан бирга, касалликнинг олдини олиш борасида ҳам посбонлар даврасида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турамиз.

Шубҳасизки, ҳар бир касбда етук мутахассисларнинг ўрни муҳим. Ходимларимиз бу борада доимо ўз тажрибаларини ошириб боришади, десам хато бўлмайди. Соҳамиз бўйича тиббиётга жорий этилаётган янгиликлар, янги нашр этилган қўлланмалар юзасидан йиғилишиб, фикр алмашиб боришади. Малака ошириш курсларида тажриба орттириб қайтишади. Шунингдек, тиббиёт пункти ходимларининг асосий қисмини ҳарбий либос эгалари ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, зиммамиздаги масъулият бир қадар юқори эканлигини англаш қийин эмас. Чунки ҳарбий хизмат вакили бўлишнинг ўзи бурчига садоқатли ва фидойилик демакдир.

Тиббиёт пункти бошлиғи ва бош ҳамшира шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Ўғилой Ҳусаинова билан хоналарни кўздан кечирамиз. Турли йўналишдаги муолажалар хонаси, дорихона, ҳарбий тиббий тайёргарлик хонаси, беморлар учун дам олиш хоналари, ошхона, хуллас, ҳар бир белгиланган хонанинг талаб даражасида бўлишига эътибор қаратилган. Физиотерапия хонасининг электрофорез, соллюкс, УВЧ каби бир қатор замонавий анжомлари билан жиҳозлангани, уларнинг посбонлар саломатлигини тиклашда катта аҳамият касб этаётгани бизни қувонтирди.

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мудофаамиз тизимидаги барча йўналишларда кўзга ташланаётгани, қувонарли ҳолдир. Қисм тиббиёт пунктларидаги янгиланишлар ҳам мана шу улкан янгиланишларнинг бир кўриниши десак, арзийди. Шубҳасизки, бу ўзгаришлар ҳар қадамда янгиликларга юз тутаверади.

Зулфия ЮНУСОВА.

Шифокор маслаҳати

ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ!

Мамлакатимиз географик жойлашуви жиҳатидан иқлими иссиқ ҳудуд ҳисобланади. Қуёш нурларининг доимий таъсирида кундузи ҳаво юқори ҳароратли, намлик эса паст бўлади. Айниқса, ёзда ҳаво ҳарорати кундузи 40°С дан, чўлларда эса 50°С ва ундан ҳам юқорига кўтарилиши мумкин.

Ўзингизга маълумки, меъёридан ортиқча иссиқлик кўп ҳолларда инсон организмига зарарли таъсир кўрсатиб, баъзи ҳолларда офтоб уришига олиб келади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, одам организми ҳаёт фаолияти мобайнида ўзидан иссиқлик ажратиб чиқаради. Ўртача оғирликдаги меҳнат билан шуғулланганда соатига 300 ккал атрофида, оғир ишлар билан машғул бўлганда эса 600 ккал ва ундан ҳам кўп иссиқлик ишлаб чиқаради. Инсон организми меъёридан ортиқ қизиб кетишининг олдини олиш учун эса ҳосил бўлаётган иссиқликдан тезда қутулиш лозим.

Ҳаво намлиги паст бўлган ёз кунларида терининг парланиши тез содир бўлади, бу эса иссиқликнинг организмдан ажралиб чиқишига яхши таъсир қилади. Шамол ҳам терининг парланишини кучайтиради.

Ҳавода юқори ҳарорат ва паст намлик кузатилган пайтларда қуёш нури таъсирида организм ўта қизиб кетиши, яъни офтоб уриши мумкин. Тор ва ҳаво ўтказмайдиган кийим кийиш, ортиқча куч сарфланиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, тана ҳароратининг ошиши билан кечадиган ҳар хил касалликлар ҳам бунга сабаб бўлади.

Организмнинг қизиши оқибатида ундан сув ва тузларнинг йўқотилиши, қоннинг қуюлиши, натижада эса кислород етишмовчилиги содир бўлади, марказий асаб тизими турли бўлимларининг фаолияти бузилади. Оғир ҳолатлар ҳаётий муҳим бўлган марказларнинг ишдан чиқиши, ҳатто, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Офтоб уришининг бирламчи белгиларида киши бўшашиб, боши оғрийди ва қулоқ шанғиллаб, дармонсизлик, тер ажралишининг кучайиши, тана ҳароратининг 38°С гача кўтарилиши, юрак уриши минутига 90-100 мартага ошиши кузатилади. Бу офтоб уришининг енгил формаси ҳисобланади ва агарда организмни совутиш амаллари қилинса, у тез ўтиб кетиши мумкин (сояга, шабада жойга ўтиш, кийим тугмаларини ечиш ва ҳоказолар).

Ўз вақтида офтоб уришининг енгил шаклини тўхтатиб қолиш, уни олдини олиш чора-тадбирлари қўлланилмаса, у ҳолда оғир шакли ривожланади. Бунда кишининг боши қаттиқ оғриб, кўнгли айниб қусади, баъзан ҳушидан кетади, кўп терлайди, ҳарорати 41-42°С гача кўтарилади. Бундай ҳолларда киши ўзини билмай қолади,талвасага тушиб руҳий қўзғалиш рўй беради. Бесаранжомлашиб кўзига йўқ нарсалар кўриниши, қулоғига йўқ товушлар эшитилиши, алаҳсираши мумкин. Бундай ҳолларда жабрланувчига зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим.

Одам организмининг ҳаёт учун хавфли бўлган сувсизланиши тер билан 5-10 литр (тана массасининг 10%) сув йўқотилганда юз беради ва бунда организмдан тузлар ҳам чиқиб кетади.

Шунинг учун ҳам офтоб уришининг олдини олишда махсус тартибга амал қилиш, яъни ҳар 1,5 – 2 соатда 1,5 –2 стакандан қайнатилган сув ёки чой ичиш, инсон организмидан 5 литрдан ортиқ сув йўқотилганда қўшимча туз истеъмол қилиш, суткасига 3 марта овқатланиш, ҳар гал чанқоқни тўла қондириш лозим. Қолаверса, офтоб нурлари остида кийимсиз, энг аввало, бош кийимсиз юрмаслик, танани яхшироқ шамоллатиш учун камар (тасма)ни бўшаштириб, кийимнинг енгини қайтариб юриш тавсия этилади.

Ҳарбий хизматчилар шуни доимо эсда тутишлари лозимки, тобланиш (қорайиш) учун қуёшнинг қиздирувчи нурида соатлаб ётиш зарарли бўлиб, қуёш тафти қайтган ва нури кучсизланган пайтда тобланиш иккиуч баробар кўп фойда беради. Офтобда тобланганда (қорайганда) албатта бошга енгил соябонли кийим кийиш ёки рўмол ўраш, кўзга рангли кўзойнак тақиб олиш,кейин эса соя жойда бир оз бўлиб, чўмилиш, душга тушиш ёки нам сочиқ билан артиниш керак.

Ёзнинг иссиқ кунларида офтоб уришининг олдини олиш учун асосий эътибор Мудофаа вазирлигининг тегишли буйруқ ва қўлланмалари, ҳарбий қисм қўмондонлиги талабларининг бажарилишига, қайнатилган сув ёки чойнинг ўз вақтида ва доимий равишда тайёрланишига, чой ичиш тартиби тўғри ташкил қилинишига, кундузлари чўмилиш муолажаларининг (ёзги душ) ўтказилишига, машғулотлар жадвалига тўлиқ риоя қилинишига, шахсий таркиб устидан назорат ўрнатилишига ва бўлинма командирлари томонидан ғамхўрлик қилинишига қаратилиши лозим.

Юқоридаги маслаҳатларга тўлиқ амал қилсаккина офтоб уришининг олдини олган ва ўз соғлиғимизни сақлаб қолган бўламиз!

Тиббий хизмат подполковниги Муроджон ИМОМАЛИЕВ.

Бизнинг тақвим

ИЮЛЬ ОЙИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР

1 июль – Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилган кун (1994 йил).

2 июль – Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тасдиқланган кун (1992 йил).

13 июль – Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо бўлган кун (1992 йил).

17 июль – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов таваллудининг 70 йиллиги (1937 – 2005 й.й.).

20 июль – Бутунжаҳон шахмат куни.

22 июль – Савдо ходимлари куни.

Ҳарбий қисм ва муассасалар командир (бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига эслатма:

жорий йил июль ойи учун шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб бориш, маданий-маърифий ишлар ўтказиш режасига юқорида кўрсатилган муҳим саналарга бағишлаб, тематик кечалар, давра суҳбатлари сингари тадбирларни киритиш, энг муҳим саналар учун алоҳида режа тузиш тавсия этилади.

Ўтказиладиган тадбирларга олимлар, тарихчилар, фахрийлар, адабиёт ва санъат намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

КОНСУЛЬТАТИВНЫЙ ЦЕНТР ПО ТРУДОУСТРОЙСТВУ «VETERAN» ПРИГЛАШАЕТ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ РЕЗЕРВА И ДРУГИХ ГРАЖДАН, ЖЕЛАЮЩИХ ТРУДОУСТРОИТЬСЯ

Центр предоставляет достоверную информацию об имеющихся вакансиях, порядке официальной регистрации, условиях работы и проживания.

В настоящее время имеются вакансии:

Сельхозработники, животноводы, механизаторы, строители различных специальностей, водители, станочники, разнорабочие и другие специалисты.

Обращаться по телефону: 215 83 76 (75).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Встреча состоится в Египте

Глава ПНА Махмуд Аббас и премьер-министр Израиля Эхуд Ольмерт встретятся 24 июня в Египте для обсуждения проблем ближневосточного урегулирования, сообщает АР. Саммит пройдет в четырехстороннем формате. Помимо израильских и палестинских лидеров в Шарм-эль-Шейх приедут президент Египта Хосни Мубарак и король Иордании Абдалла Второй.

Тема саммита – Конституция ЕС

Летний саммит Евросоюза открылся 21 июня в Брюсселе. Как ожидается, главные дебаты в ходе двухдневной встречи глав государств и правительств 27 стран – членов этой региональной организации – развернутся вокруг будущего Конституции ЕС. Польша и Великобритания – главные оппоненты Германии, выступающей за реформу законодательства.

Консультации в КНДР

Помощник госсекретаря США Кристофер Хилл неожиданно приехал в Северную Корею: он намерен встретиться с заместителем министра иностранных дел КНДР Ким Ге Гваном, чтобы условиться с ним о продолжении переговорного процесса по ядерному разоружению. На следующей неделе в КНДР должны прибыть инспекторы МАГАТЭ – впервые с декабря 2002 года, когда их выдворили из страны. Инспекторы проверят, как КНДР выполняет свои обязательства по остановке ядерной программы.

«Птичий грипп» в Европе

В Чехии найден опасный для человека штамм «птичьего гриппа» H5N1.Как передает РИА Новости, это подтвердила Государственная ветеринарная служба Чехии. Там сообщили, что выявленный накануне вирус у индюшек на птицефабрике, расположенной в 150 километрах восточнее Праги, является смертельно опасным для человека штаммом.

Взрыв и пожар в больнице

В больнице Умберто I в Риме взорвалась трансформаторная будка, расположенная под хирургическим отделением, сообщает итальянское агентство ANSA. Взрыв вызвал сильный пожар. На месте трагедии работали семь пожарных команд и карабинеры, передает РИА Новости.

Террорист-смертник взорвал грузовик

Террорист-смертник направил заминированный грузовик на здание муниципалитета в иракском городе Сулейман Бек. В результате взрыва обрушилась часть административного здания, а также соседние жилые дома. Полиция извлекает из-под обломков тела погибших, уже найдено 13 из них, передает ИТАР–ТАСС. В дальнейшем число погибших, возможно, возрастет. По данным местных служб безопасности, более 30 человек были ранены.

Дорога в серию «В»

Чемпион Италии миланский «Интер» может быть отправлен в серию «В», если подтвердятся подозрения клуба в махинациях с бухгалтерскими документами. Клуб подозревают в умышленном сокрытии реальных цен на своих футболистов второго плана, чтобы не выплачивать налоги в полном объеме. В бухгалтерском скандале, помимо «Интера», замешаны также «Милан», «Реджина» и «Сампдория», которые умышленно увеличили стоимость своих молодых игроков.

Черная смородина – «суперягода»

Самой полезной для здоровья ягодой из произрастающих в Великобритании признана учеными черная смородина, которая возглавила список самых полезных для здоровья ягод, сообщает ИТАР–ТАСС. Она превзошла все ягоды по количеству и концентрации находящихся в ней витаминов, минералов и других полезных веществ. В ней обнаружены способности противодействовать раковым заболеваниям, предохранять от болезней сердечно-сосудистую систему человека, предотвращать ослабление умственных способностей у людей преклонного возраста, а также предупреждать образование диабета.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Бокс. Чемпионат Азии

СТАЛИ СИЛЬНЕЙШИМИ НА КОНТИНЕНТЕ

Как мы уже сообщали, недавно сборная Узбекистана с триумфом возвратилась из столицы Монголии Улан-Батора, где завоевала первое место на чемпионате Азии.

Мама чемпиона Эльшода Расулова, Хурсаной-апа, постоянно лично приезжает из Коканда, чтобы встретить сына из далеких вояжей. В минувшем году она также поджидала в аэропорту самолет, прилетающий из Катара.

– После каждого боя Эльшод присылал домой сообщения о своей победе, – улыбается Хурсаной-апа. Она бережно хранит эти SMS. В семье водителя Юнусали-ака и домохозяйки Хурсаной-апа готовятся к большому празднику. Четверых детей воспитали родители, двое из них стали спортсменами: Эльшод – боксер, а его братишка Элбек играет в футбол в одной из команд второй лиги.

По признанию мамы, она не смотрит бои сына по телевизору – сильно переживает за него. Разве что потом, в записи, да и то не всегда.

А вот Олим Мухаммадиев, наставник второго нашего чемпиона Аббоса Атоева из Бухары, не упускает шанса увидеть ученика в деле. Ровно десять лет назад 11-летним мальчишкой пришел к нему в спортивный интернат Аббос. Потом становился чемпионом Узбекистана среди юношей и молодежи, в 2004 году они вместе ездили на молодежный чемпионат мира в Южную Корею, где Аббос стал бронзовым призером. В том же году на чемпионате мира среди студентов в турецком городе Анталья Атоев становится уже серебряным призером. И вот она – вершина, победа на чемпионате Азии в полутяжелом весе до 81 килограмма!

Усталые, но радостные вернулись боксеры на Родину. Беседуем с Аббосом Атоевым. Выясняется, что на пути к пьедесталу Аббос победил сначала по очкам боксера из Кыргызстана, затем нокаутировал соперника из Монголии, в полуфинале одолел бойца из Южной Кореи, а в решающем бою против него не устоял китаец. Студент Бухарского государственного университета сразу по его окончании хочет пройти срочную службу в рядах Вооруженных Сил.

– Каждый уважающий себя мужчина должен пройти армейскую школу мужества, – с убежденностью говорит Аббос.

Драматично и напряженно сложился финальный поединок против хозяина ринга у Орзубека Шоимова. Серебряный призер в весе до 54 килограммов выиграл у боксера из Малайзии, потом сломил сопротивление финалиста Олимпийских игр из Таиланда, в полуфинале победил спортсмена из Казахстана, а вот победу в бою против представителя Монголии у него практически отняли пристрастные арбитры. Однако на будущее Орзубек четко усвоил одно правило: над хозяевами ринга надо доминировать безусловно. Как его товарищ по команде Аббос Атоев, пославший своего соперника в нокаут уже во втором раунде.

Еще один финалист, рядовой по контракту Бекзод Хидиров (вес до 60 кг), завоевал пока серебряную медаль, однако нет никаких сомнений – золотых долго ждать не придется!

Вот на такой мажорной ноте хочется завершить рассказ о «золотых парнях», которым безо всяких натяжек удалось совершить спортивный подвиг во имя Родины. Элита мирового бокса все более внимательно присматривается к мастерам кожаной перчатки из Узбекистана. Наши бойцы заставили весь мир считаться с собой, а теперь они утвердились на первой строчке в рейтинге азиатского бокса.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Мудофаа вазирлиги спорт мажмуида ёшлар ўртасида теннис бўйича очиқ чемпионат бошланди. 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида кечаётган мазкур беллашувларда 100 нафардан ортиқ ракетка усталари биринчилик учун ўзаро куч синашади. Эътиборлиси шундаки, 16-бора анъанавий ташкиллаштирилган чемпионатда бу йил аввалгиларидан фарқли ўлароқ Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан ташриф буюрган ёш теннисчилар ҳам ўз маҳоратларини кортда намойиш қилишмоқда.

– Чемпионатнинг юқори савияда ўтиши учун барча шароитлар яратилган, – дейди биз билан суҳбатда МҲСК ходими офицер Раҳимжон Алиматов. – Қулай шароитга эга спорт мажмуамиз нафақат чемпионат иштирокчиларига, балки уларнинг ота-оналари ва мураббийларига ҳам маъқул.

Дастлабки кундан ўзбекистонлик ёш ракетка усталари юқори натижаларни қўлга кирита бошлашди. Айниқса? мутахассислар бир қатор республика чемпионатларида юқори натижаларни қайд этган 10 яшар Арина Фольц ҳамда Ҳиндистон ва Германияда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирларда маҳоратини ошириб қайтган 12 ёшли Жамил Муҳаммад Аҳмед сингари вакилларимиз маҳоратини юқори баҳолашмоқда.

●

Яқинда Бутунжаҳон таэквондо (WTF) Федерацияси президенти Чо Жонг Вон Ўзбекистон таэквондо (WTF) Ассоциацияси раҳбариятининг таклифига кўра юртимизга келди.

Мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази, Ўзбекистон таэквондо (WTF) Ассоциацияси раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувлар чоғида таэквондони Ўзбекистонда янада ривожлантириш бўйича музокаралар олиб борилди.

●

Продолжает пополняться лицензиями копилка спортсменов, претендующих на право выступать на Олимпийских играх 2008 года в Пекине. К двум имеющимся лицензиям, которыми уже обладают десятиборец Виталий Смирнов и прыгунья в высоту Светлана Радзивил, прибавилась еще одна. Ее добыла в международных соревнованиях по легкой атлетике, которые завершились в Казахстане, недавняя чемпионка Азиатских игр в Катаре бегунья Гузель Хубиева. Преодолев спринтерскую дистанцию 100 метров за 11,20 секунды, она завоевала не только первое место на пьедестале почета, но и лицензию на Олимпийские игры.

●

Сборная команда Узбекистана, составленная из игроков 1994 года рождения, успешно выступила на международном турнире по футболу, проходившем в Киеве. В турнире участвовали команды из 16 стран. В итоге, пропустив вперед лишь хозяев турнира – киевское «Динамо», футболисты Узбекистана стали серебряными призерами соревнований.

●

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати олий лигасида 13-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Турнинг марказий учрашувида «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Унда ҳар томонлама устунликка эришилган пахтакорчилар 4:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Машъал» – «Шўртан» – 3:0, «Қизилқум» – «Трактор» – 4:2, «Самарқанд-Д» – «Металлург» – 4:1, «Навбаҳор-Н» – «Локомотив» – 6:2, «Бухоро» – Вобкент» – 1:0, «Тўпаланг» – «Андижон» – 2:0, «Қурувчи» – «Насаф» – 3:0.

●

Туркиянинг Измир шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўтказилаётган халқаро «Фьючерс» турнирида ўзбекистонлик ракетка усталари ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган ҳамюртларимиз Арсен Асанов ҳамда Важа Узоқовлар учрашувларини ўз фойдаларига ҳал этиб, бош совриндан учун курашни давом эттирадиган бўлишди.

Самбо

ЮЛДУЗЛАРНИ ЧОРЛАГАН ЗАМИН

Пойтахтимиздаги Жар спорт мажмуида самбо бўйича ўтказилган халқаро чемпионат янги-янги спорт юлдузларини кашф қилди, десак хато қилмаган бўламиз. 1992 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган қитъа биринчилигида бу йил илк бора 24 давлатдан вакиллар иштирок этишди. Шу боисдан ҳам мазкур мусобақани қайсидир маънода норасмий жаҳон чемпионати, десак ҳам янглишмаймиз. Сабаби, ушбу беллашувларда Осиё қитъасининг спортчиларидан ташқари самбо кураши анча ривожланган Россия, Германия, Туркия, Гондурас, Камерун ва Нигерия сингари мамлакатларнинг спортчилари ҳам ўз омадларини синаб кўришди. Шундай бўлсада, бу йилги беллашувларда ҳам вакилларимиз анча муваффақиятли кураш олиб боришди. Дастлабки кундан етакчиликни ўз ташаббусларига олган ўзбекистонликлар 5 та олтин, 6 та кумуш 3 та бронза медални қўлга киритиб, 15-қитъа биринчилигида фаворит жамоа эканликларини ўз рақибларига эслатиб қўйишди. Мусобақалар якунида эса вакилларимиз олтин медаллар сонини 18 тага етказиб, умумжамоа ҳисобида 1 ўринни банд этишди. Ҳамюртларимиздаги учта олтин ва бешта кумуш медаль кам жамғарган қозоғистонлик спортчилар иккинчи ўринни қўлга киритишган бўлса, учинчи ўринга россиялик самбочилар муносиб топилди.

Шунингдек, жанговар самбо бўйича гиламга чиққан ҳамюртларимиздан 52 килограмм вазнда Дониёр Эргашев, 62 килограмм вазнда Илҳом Ҳожиев ва 90 килограмм вазнда Элдор F уломовга тенг келадиган рақиб топилмаган бўлса Улуғбек Маматов, Фаррух Жумаев, Ботир Хўжаевлар иккинчи, Камол Аҳматов, Ахрор Усмоновлар эса учинчи поғонадан ўрин эгаллашди. Ўтказилган 9 та вазннинг саккизтасида самбочиларимизнинг совринли ўринлардан жой олиши, юртимизда мазкур спорт турининг кенг ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Мусобақанинг сўнгги куни жаҳон юлдузлари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 122 нафар самбо усталари ўз маҳоратини намойиш қилишди. Унга кўра спортчиларимиздан Шавкат Жўраев, Ҳусан Ҳасанов, Дилором Қамбарова ва Озод Пардаев сингари етти нафар вакилларимиз шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Мусобақалар дастури давомида халқаро самбо федерацияси томонидан қитъамизнинг 37 нафар ҳакамларига «Халқаро тоифадаги ҳакам» сертификати ҳам топширилди.

Саида МУҚИМОВА.

УСТОЗЛАРИ ИШОНЧИН ОҚЛАГАН ПОЛВОН

Ўткир ёшлигидан отаси орзу қилганидек, курашга бўлакча меҳр қўйди. Шу боис Ўрол ака фарзандини янада чиниқтириб, тажрибасини орттириш мақсадида, Самарқанд шаҳридаги болалар спорт мактабига олиб борди. Бир қанча чемпионларни тарбиялаган бу мактабда миллий курашимиз билан бир қаторда дзюдо бўйича ҳам маҳоратини ошириб борди. 1997 йил кўҳна Бухоро заминида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилигида бош совринни қўлга киритганидан сўнг устозларининг унга бўлган ишончи янада ортди. 2001 йил Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳрида Индира Ганди хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда иштирок этган Сурхон ўғлони 81 килограмм вазнда Осиё қитъасининг мана-ман деган полвонларининг курагини бирин-кетин ерга теккизиб, ўзбекнинг ким эканлигини дунёга кўз-кўз қилди. Яна ўша йил Россиянинг Красноярск шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган Евроосиё биринчилигида, Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган Ўткир шоҳсупанинг юқори чўққисидан жой олиб, Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилди. 2001 йил эса Суриянинг Дамашқ шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида у 90 килограмм вазнда яна олтин медаль соҳибига айланди. 2006 йил июнь ойида Эрон пойтахтида «А» серия туркумига кирувчи халқаро турнирда 100 килограмм вазн тоифасида қатнашиб, 45 мамлакат спортчилари орасида олтин медалга муносиб топилди. Ўтган йил Хорватияда ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам Ўткир терма жамоамиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган ушбу спортчимиз Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларида гиламга чиқиб, анча муросасиз кураш олиб борди. 23 яшар оғир вазнли вакилимиз ушбу беллашувларда бронза медалига лойиқ топилди.

Карина ҚУРБОНОВА.

Легкая атлетика. Международный турнир

АРМЕЙЦАМ АПЛОДИРУЕТ АЛМАТЫ

В Алматы прошел Международный турнир по легкой атлетике, на котором успешно выступили армейские мастера «королевы спорта».

Помимо атлетов из Узбекистана и Казахстана, в нем приняли участие представители Таджикистана, Кыргызстана, России, Малайзии, Ирана. Тем приятнее, что спортсмены МХСК достойно выступили под Флагом национальной сборной страны.

В состязаниях спринтеров на 100 и 200 метров самые быстрые секунды показал Олег Журавлев. Успех товарища по команде поддержал Олег Норматов, одержав победу в беге на 110 метров с барьерами.

Победы наших спринтеров вдохновили и девушек сборной Узбекистана, которые выиграли эстафету 4х100 метров. На втором месте сборная России, на третьем – Казахстана. Весомую лепту в победу внесли армейские спортсменки младший сержант Людмила Дмитриади и Альбина Сибгатулина. В активе Людмилы также второе место в беге на 200 метров, а Альбина на этой же дистанции финишировала третьей.

В секторе по прыжкам в длину Александра Быстрыгова показала второй результат турнира – 6 метров 27 сантиметров. Серебряной награды удостоилась и ее подруга по армейскому клубу Анастасия Семибратова, метнув копье дальше, чем на 42 метра. В прыжках с шестом наш Рифат Артыков стал вторым призером. «Серебро» и у Данила Попова, который выиграл его в эстафетном беге 4х400 метров.

Бронзовые медали мемориала завоевали легкоатлеты МХСК Отабек Махкамов (метание ядра и диска) и Анна Сидорова (бег на 800 метров).

Данный турнир стал хорошей пробой сил армейцев перед главными стартами года – IV Всемирными военными играми в Индии.

Соб. инф.

Велоспорт. Чемпионат Узбекистана

БЛЕСТЯЩИЕ ПОБЕДЫ НА «ОЛИМПИИ»

Велогонщики МХСК успешно выступили на недавнем чемпионате Узбекистана по гонкам на столичном треке «Олимпия». В подавляющем большинстве дисциплин они завоевали звания чемпионов страны.

Открыл счет победам Николай Казакбаев из Намангана, в блестящем стиле выиграв индивидуальную гонку на 4 километра. В олимпийском спринте трио армейцев в составе того же Николая Казакбаева, Павла Ульянова и Владимира Тяжелкина также показало самое лучшее время.

В групповой гонке «скретч» на 50 кругов наши велогонщики тактически правильно выстроили командную борьбу, попеременно лидируя и не допуская на роль лидера конкурентов из других команд. В итоге успешно выбранной тактики победителем гонки стал армеец Константин Калинин, а Казакбаев финишировал вторым.

В гонке с выбыванием чемпионом республики стал наш Павел Ульянов, а его одноклубник Илья Воинов выиграл еще одну спринтерскую гонку.

В командной гонке на 4 километра квартет МХСК представляли Казакбаев, Калинин, Алексей Смирнов и молодой гонщик Рустам Нуратдинов. Ребята вполне могли выиграть, однако досадная поломка колеса на дистанции привела к тому, что четверка довольствовалась вторым местом.

Увлекательно и интересно прошла групповая гонка на 120 кругов с двадцатью промежуточными финишами. Армеец Николай Казакбаев проявил свои истинно бойцовские качества, завершив гонку в ранге чемпиона страны. Отрадно, что и серебряная медаль в данной дисциплине у нашего спортсмена, ташкентца Юрия Иволжатова.

По словам старшего тренера МХСК, заслуженного тренера Узбекистана Худжата Тухватулина, теперь наши велогонщики настраиваются на успешное участие в чемпионате Узбекистана по шоссейным гонкам, стартующем 22 июня на дорогах Ташкентской области. Помимо медалей, спор пойдет за рейтинговые очки, в сумме дающие лицензии на участие в Олимпийских играх 2008 года в Китае.

Алмас АЙНАТДИНОВ.

Футбол. Олимпиада – 2008. Саралаш босқичи

РАҚИБЛАР АНИҚ БЎЛДИ

2008 йилда Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун ҳаракат қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари иккинчи босқич ўйинларининг якунловчи турида Яман терма жамоасини ўз майдонларида қабул қилиб, 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабага эришдилар ва ўз гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллаб, ҳал қилувчи учинчи босқич иштирокчисига айланишди.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК)нинг Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган бош қароргоҳида сўнгги саралаш босқичи баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган 12 давлат терма жамоаларини гуруҳларга бўлиш бўйича қуръа ташланди.

Қуръа натижаларига кўра, барча жамоалар тўрттадан уч гуруҳга бўлинди. Мамлакатимиз олимпиячилари «В» гуруҳидан ўрин олишди. Ушбу гуруҳда вакилларимиз Пекинга йўл очадиган ягона йўлланма учун Жанубий Корея, Баҳрайн ҳамда Сурия олимпия терма жамоалари билан баҳс олиб боришади.

Ёдингизда бўлса, футболчиларимиз иккинчи босқич учрашувларида ҳам Жанубий кореяликлар ва Баҳрайн терма жамоаларига қарши тўп суришган ва икки марта мағлуб бўлишган эди. Қуръа бу икки жамоани яна бир-бирига тўғрилаб қўйди. Реванш олиш учун яхши имконият юзага келди. Баҳрайн ҳам футбол мухлисларимизга анча таниш бўлиб қолди. Миллий терма жамоамизнинг ушбу юрт вакиллари билан ўтказган ўйинлари ҳали мухлислар ёдидан кўтарилгани йўқ. Балки олимпия терма жамоамиз ўша аламли мағлубият ўчини олишга муваффақ бўлар?

Қуръа ташлаш маросимидан олдин журналистларни қизиқтирган юқоридаги каби саволларга жавоб берар экан, олимпия терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов: «Олдинда бизни жиддий учрашувлар кутиб турибди. Кейинги босқичда гуруҳимиздан қайси жамоалар жой олишининг аҳамияти йўқ. Чунки ҳал қилувчи босқичда кучсиз жамоалар ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча», деб таъкидлади.

Ўзбекистон Футбол федерациясидан олинган маълумотларга кўра, жамоамиз 10–24 июль кунлари Германияда ўқув машғулотларини ўтказиши режалаштирилган.

Саралаш босқичининг 1-тур учрашувини эса вакилларимиз 22 август куни меҳмонда Жанубий Корея олимпиячиларига қарши ўтказишади. Кейинги ўйинлар эса қуйидаги муддатларда ўтказилиши белгиланган:

2-тур, 8 сентябрь, Ўзбекистон – Сурия;
3-тур, 12 сентябрь, Ўзбекистон – Баҳрайн;
4-тур, 17 октябрь, Баҳрайн – Ўзбекистон;
5-тур, 17 ноябрь, Ўзбекистон – Жанубий Корея;
6-тур, 21 ноябрь, Сурия – Ўзбекистон.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Болалар – оромгоҳларда

ТОНГНИ «ТОНГ»ДА ҚАРШИ ОЛАДИЛАР

Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» соғломлаштириш оромгоҳи 15 июндан болажонларни қабул қилиши ҳақида илгари хабар бергандик. Демак, айни пайтда ушбу маскан ўз фаолиятини бошлаган. Келинг, шу ўринда жажжи ўғил-қизларни кузатишга бағишланган тадбирга тўхталайлик.

…Марказий офицерлар саройи боғи. Одам гавжум.

Оромгоҳ тиббий пункти бошлиғи Альфия Даминова раҳбарлигидаги тиббий ходимлар гуруҳи ҳар бир ўғил-қизни диққат билан текширувдан ўтказгач, болажонлар отрядларга тақсимландилар.

– Бу йил ҳам оромгоҳ тарбиячи ўринларига катта тажриба ва малакага эга педагогларни жалб қилдик, – дейди болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Людмила Васьковская. – Малика Холматова, Линара Сафиулина, Наталья Сенцова, Эдуард Киселёвлар шулар жумласидандир.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, қайдларни амалга ошириш ишлари якунлангач, болажонлар дам олиш масканига элтувчи автобусларга жойлашдилар. Шоду хуррам ёшларни кузатар эканман, онасига йиғламсираб мурожаат этаётган болакай эътиборимни тортди:

– Мен ҳам акам билан кетаман-н, – деди у. Ўғлига ҳали кичкина эканлиги, аниқроғи етти ёшга тўлмаганлигини тушунтирган ҳарбий либосли аёл бир амаллаб уни кўндирди. «Кейинги йил, албатта борасан!», дейилди укага.

Мудофаа вазирлиги алоҳида намунали-кўргазмали оркестри садолари остида, ҳарбий автомобиль назорати ҳамроҳлигида автобуслар манзил томон йўл олдилар.

Маълумки, мазкур оромгоҳда нафақат ҳарбий хизматчиларнинг балки Қуролли Кучларимиз ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари ҳам дам оладилар.

Қизлари Нигора ва Шаҳзодаларни кузатган Қуролли Кучлар хизматчиси Пўлат Сайдивалиев шундай деди:

– Фарзандларимиз учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар билан яхши танишман.

– Фаолият кўрсатувчи турли тўгараклар, ўтказилувчи интеллектуал ва спорт мусобақалари болажонларнинг дам олишига янада мазмун бағишлайди, – дея ўз фикрини билдирди офицер Эркин Мурсалов.

Ишончимиз комилки, соғломлаштириш оромгоҳларида болажонлар мароқли ва кўнгилдан дам оладилар.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.



Ёш шоира Гулноза Бобоеванинг Ватанни мадҳ этиб, юрт ҳақида ёзган шеърини ўқиганингизда вужудингизда ажиб бир илиқлик ҳиссини туясиз. Ўйлаймизки, ижодкорнинг «Ватан» деб номланган мазкур шеъри ҳам қалбингизга янада кўтаринкилик олиб киради.

ВАТАН

Қиш пайти тушларга кирган ёз ўзинг,
Дил музин эритган эрка роз ўзинг.
Ўлимга тик боққан боболаримни,
Жанг сари бошлаган мард сарбоз ўзинг
Ватан!

Отамнинг қонида унган гиёҳсан,
Онамнинг кўзидан томган сиёҳсан.
Укамнинг юзидан балққан зиёсан,
Шобердилар тутган жаранг соз ўзинг
Ватан!

Кимлардир айтолмай кетган қўшиқсан,
Деворга михланган қўша бешиксан.
Тўйчиларин кутган очиқ эшиксан,
Кўзни қамаштирар бепардоз юзинг
Ватан!

СЕЗОН ОТДЫХА СТАРТОВАЛ

Сегодня вопросам гармоничного, духовного, интеллектуального и физического развития подрастающего поколения в нашей стране уделяется самое пристальное внимание. Для качественного проведения летнего сезона в детских оздоровительных лагерях, находящихся преимущественно в горных курортных местностях, созданы оптимальные условия с учетом всей необходимой инфраструктуры. Так, на днях в оздоровительном лагере «Тонг» Министерства обороны Республики Узбекистан в торжественной обстановке состоялось открытие первой смены «Лето-2007».

Много теплых слов пожелали гости отдыхающим ребятишкам. Здесь руководством Министерства обороны в предшествующее время было сделано немало для их качественного отдыха.

От имени руководства Министерства обороны лагерю был передан в качестве подарков спортивный инвентарь в широком ассортименте.

На парадной линейке в ответном слове каждый отряд традиционно представил гостям свой девиз, а также визитную карточку – патриотическую песню, танцевальные композиции.

– Знаете, – говорит в беседе Шахноза Садыкова, супруга офицера, – наша дочь Нигина здесь уже второй год. Мы очень рады и благодарны руководству Министерства обороны за такую заботу о наших семьях, о предоставленной возможности отдыха детям. Мы спокойны, зная, что наши дети полноценно отдыхают и развиваются в отличных условиях.

– Действительно, – говорит Мукадас Гаипова, – как мать, в первую очередь отдавая должное всему персоналу и руководству лагеря, отмечу, что здесь замечательное меню, всегда свежие овощи и фрукты, различные клубы, свыше десятка прекрасных творческих кружков, бассейн, насыщенные соревновательные мероприятия и викторины, культурная программа. Наша дочь очень полюбила этот лагерь с его замечательными традициями, здесь много у нее друзей.

– Немаловажный фактор – то, что весь персонал сюда подбирается на строгой конкурсной основе, – рассказала заместитель начальника лагеря Светлана Кулагина. – Основными критериями являются, в первую очередь, энтузиазм, творческое рвение и, конечно же, доброжелательность и любовь к детям. Все мы прекрасно понимаем, как важно родителям чувствовать, что их дети в надежных руках.

Подчиненные коменданта лагеря лейтенанта Баходира Рахимова рядовые Д. Дехконов, И. Нуриддинов, Е. Жалолов, Х. Жабборов, О. Муминов, О. Сапаров и другие из числа лучших воинов гарнизона надежно охраняют покой и благополучие созидательной жизни детского оздоровительного лагеря.

После окончания торжественной части ребятишек ожидала традиционная замечательная церемония – лагерный костер, символ дружбы.

Капитан Хасан ФАРУХОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

МАЪНАВИЙ РУҲ

Ватанга меҳр-муҳаббат тушунчаси, аввало, киндик қони тўкилган заминни севишдан бошланади. Агар ҳар бир ўсмир ўзи яшаб турган ҳудудни, унинг кенгликлари, экинзору ўтлоқлари, жарлигу тепаликлари бир маҳаллар ўтган аждодларимиз муқаддас қони билан мўл-кўл суғорилганлигини, улар шу жойларни ҳимоя қилиб, азиз жонларини шу тупроққа топширганлигини билса, бундан у ўзгача ҳис-туйғу ҳосил қилади. Худди мана шунда катта маънавий руҳ бор. Бу она Ватан туйғусидир.

Маҳмуджон СОДИҚОВ.

ХАФТА ГЎЗАЛИ

Саҳифамизнинг бу галги меҳмони Наргиза Ходжимуҳамедова. Наргиза бу йил ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейни муваффақиятли якунлади. У тил ўрганишни, китоб ўқишни ва очиқ ҳавода сайр қилишни хуш кўради. Турли ширинликлар пиширишни Наргизанинг жону дили. Шиори: интилганга – толе ёр. Энди мақсади университетга ўқишга кириб, талаба деган номга сазовор бўлиш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Яхши қиз ҳеч қачон қўлларини осилтириб ёки қовуштириб ўтирмайди. Соатлаб телевизор кўрадиган ё атрофига чала иш йиғиб, ўтирволиб китоб ўқийверадиган, ё бўш вақт топти ухлайверадиган қиз ҳам маъқул эмас! Чунки қиз бола хунукни чиройли, йўқни бор қилгани, бежабтежагани, юрган йўлини яшнатиб, кўнгилларни қувонтиргани дунёга келади. Аммо, сен қўрқма, бу – тегирмон тошини кўтариш, яъни типканг қуригунча терлаб-пишиш дегани эмас! Юрагингда ҳамма ишни чиройли адо этиш хоҳиши бўлса бўлди! Шу туйғунинг оти – ихлос, яхши ният! Бир ишни ихлос билан қилишнинг ўзи «Одамлар, сизни яхши кўраман» деганинг бўлади. Бундай одамни Оллоҳ ярлақайди – элнинг дуосига сазовор этади, дуо олиш эса назарга тушиш, бахтли бўлиш демакдир.

Турсуной СОДИҚОВА.

ДОБРОТА – ДВИГАТЕЛЬ ОБЩЕСТВА

Они добровольно оказывают гуманитарную и моральную помощь уязвимым слоям населения и, главное, делают это бескорыстно.

Бекзод Артыков – прямое доказательство этому. Мы познакомились с ним на одном из семинаров Национального общества Красного Полумесяца Узбекистана, проходившего в тренинг-центре. Уже 7 лет Бекзод в его рядах.

– Скажите, Бекзод, что подтолкнуло вас добровольно работать в Национальном обществе Красного Полумесяца Узбекистана?

– В 2000 году я был студентом Политехнического института. В клубе ОКП при нашем институте проводился ознакомительный семинар. Я в нем участвовал. И после него решил, что делать людям добро – хорошо.

– Как проходило ваше становление?

– ОКП создает клубы при учебных заведениях, где устраиваются те самые ознакомительные семинары. Желающие, вне зависимости от возраста, могут прийти в клуб, написать заявление, после чего дается официальный статус. Если доброволец в течение определенного времени работает активно или показывает лидерские способности, ему дается новый статус. И так четыре-пять ступеней становления. Стимулируется рост и заинтересованность добровольцев, открывая для них новые сферы.

– Кем являетесь вы?

– Я был президентом молодежного клуба нашего института. В основном работали со сверстниками, знакомили с ОКП, обучали. Сейчас я координатор.

– Встречались ли вы с добровольцами, представляющими другие страны? Обменивались ли с ними опытом?

– К нам неоднократно приезжали иностранные добровольцы. Мы сами также побывали на Международном форуме добровольцев в Киргизии. Были в столице Болгарии Софии, а в прошлом году – в Алматы.

– Какие новые проекты планирует ввести ОКП в этом году?

– Работы всегда много. Внедряем, к примеру, новый проект национального модуля, направленного на дальнейшее развитие Национального общества Красного Полумесяца в республике, создаем новые клубы добровольных помощников на местах. Ждем пополнения в наших рядах, в том числе и за счет читателей газеты «Ватанпарвар».

Д. ДЕНИСОВ.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Многие проблемы исчезнут. У вас хорошие перспективы для развития творческого потенциала. Вам придется много ездить. Новые интересные знакомства расширят круг ваших друзей.

ТЕЛЕЦ

Неделя предназначена для отдыха. Вы будете преисполнены оптимизма и жизненной силы. Многое будет зависеть от умения ладить с людьми. Постарайтесь выбраться на природу.

БЛИЗНЕЦЫ

Ваши желания будут находиться в стойкой противофазе с вашими возможностями. Отслеживайте встречи и разговоры. Может повыситься ваша инициативность и предприимчивость.

РАК

Жизненные события станут весьма разнообразными. Возможны новые знакомства и новости от друзей. Вы ощутите прилив энергии. Вы будете в особенно хорошей форме.

ЛЕВ

Проявите мудрость и осмотрительность. Границы вашего влияния могут расшириться, но амбиции следует держать в узде. Появится шанс освоить новую специальность.

ДЕВА

Неделя может показать вам интересные перспективы и многообещающие предложения. Вас может ждать удача в делах, вероятна также денежная прибыль.

ВЕСЫ

Постарайтесь разгрузить себя от лишних и чужих дел. Неожиданные проблемы могут затормозить вас. Не опускайте рук. Особенно актуальным будет перспективное планирование.

СКОРПИОН

Вам необходимо дать возможность появиться новому в вашей жизни. Постарайтесь сохранить хотя бы немного энергии на выходные – вам будет на что ее потратить.

СТРЕЛЕЦ

Благоприятное время для решительных и прямолинейных заявлений. Вы можете наладить отношения с сотрудниками, привести в порядок документацию. Вам необходим отдых.

КОЗЕРОГ

У вас появится шанс значительно продвинуться вперед. Вы сможете плодотворно поработать над завершением какого-то важного дела. Возьмите свой темперамент под особый контроль.

ВОДОЛЕЙ

Займитесь духовным развитием и самообразованием. Постигайте новую и важную для вас информацию. Будет удачным обсуждение ваших идей и предложений с начальством.

РЫБЫ

Может повыситься ваша социальная активность. У вас появится возможность управлять сложившейся ситуацией. Не стоит жадничать. Постарайтесь слушать окружающих.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

«ШЕЪРЛАРИМ – КЎНГЛИМ ТАСКИНИ»

УМИДА АБДУАЗИМОВА

Ҳар қандай инсон яхши шеър ўқиганда бу беҳудуд дунёни бир сония унутиб, унинг сеҳрига мафтун бўлади. Шеър гўё одамзоднинг шодлигию қайғусига, севгисию изтиробига шериқдек. Агар шеърни хонандалар маромига етказиб хониш қилса, беихтиёр унинг қўшиғига жўр бўласан. Ҳатто, қўшиқ тугагандан сўнг ҳам унинг жозибадор сатрларини хиргойи қилиб юрасан. Бу нафақат санъаткорнинг, балки энг аввало, шоирнинг истеъдодидан далолат. Чунки оддий сўзларни маржон каби ипга тизиб юрагингга яқин қилган ҳам шу ижодкор. Аслини олганда нафосат заҳматкаши бўлиш, истеъдод соҳибининг эзгу нияти бўлса, бу Ватаннинг улкан бахтидир. Унинг жўшқин, оҳангграбо қўшиқлари, жозибали ижод дурдоналари радио тўлқинларидан, нафис китоб саҳифаларидан дилларга йўл топса, ҳаётнинг гўзаллигига айланади. Шундай эл ардоғидаги севимли ижодкорлардан бири – заҳматкаш, дилбар ва камтарин шоира «Шуҳрат» медали соҳибаси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ғунча» журнали бош муҳаррири Умида Абдуазимовадир.

Шоиранинг шеърлари аллақачон халқимиз юрагидан жой олиб улгурган. Чунки унинг ижодини билмаган, шеърларини ўқимаган, қўшиқларини наволар жўрлигида тинглamaганлар диёримизда кам топилади.

Умида опа ўзининг қарийб йигирма йилдан ортиқ вақтини шеърият оламига ижодий намуналарини туҳфа этишга сарфлаб келмоқда. Унинг «Севилганда», «Ишқли умрим», «Сени кўргим келаверади», «Салом ҳаёт, қадимий қўшиқ», «Ойдин орзулар», «Умрим зийнати», «Оймома бог», «Ширинтой» каби шеърий китоблари аллақачон мухлисларнинг дилкаш суҳбатдошига айланган. Қуйида биз шоира билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

–Умида опа, шоирлар ўз фикрлаш доирасидан келиб чиқиб «шеър» тушунчасини ҳар хил талқин қилади. Сиз бу тушунчага қандай таъриф берасиз?

– Ўз ижодимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, шеър – бу менинг энг яқин ва яхши суҳбатдошим, дилкаш дўстим, дугонам. Баъзан шундай вазиятлар бўладики, ҳеч кимга айтолмайдиган, юрак туғёнларингизни қоғозга тўкиб соласиз. Нега? Чунки сиз унга ишониб руҳий кечинмангизни ошкор қиласиз. Ана шундагина енгил тортасиз. Агар бу туғёнларни яқинларингизга, дўстларингизга айтсангиз, улар сизнинг устингиздан кулишлари мумкин. Лекин қалам ва қоғоз, унга битилган сатрлар устингиздан кулмайди, балки таскин бериб кўнгилдаги ғуборларингизни кўтаради. Мен ҳар доим, яхши кунимда ҳам, нохуш вазиятга тушиб қолганимда ҳам қоғозга суянаман. Шеър ёзиб хотиржам тортаман. Инсон ўз кўнглига нимадандир таскин излаши аслида одатий ҳол. Масалан, аёллар ғам-андуҳларни бир-бири билан дардлашиб, бўлишиб, таскин топади. Мен эса таскинни шеърларимдан излашга ҳаракат қиламан. Юрагимдагиларни кимгадир айтгандан кўра, қоғозга тушириб, маълум вақт ўтиб, сатрлардаги ҳаяжонга шерик бўлиб яшашни истайман. Чунки менинг энг яхши таскиним – бу ёзган шеърларим. Шеър шундай қудратли кучга эгаки, уни ўқиган сари ўзингни, ўзлигингни тушуниб бораверасан.

– Шеърият мухлисларининг шоир ижодидан завқланиши, улардан ором олиши – бу ижодкорнинг муваффақиятидан далолат. Ана шундай вақтда сиз ижод завқини қандай ҳис қиласиз?

– Ижод завқи деб, аслида рост туйғуларимга, самимий гапларимга яна дуч келган ҳолатимни тушунаман. Таниқли хассос шоир Машраб Бобоевнинг шундай гаплари бор: «Мен учун энг яхши ором шеър ёзганимдан кейин оладиган дам». Мен учун ҳам шундай. Юрагимда янги шеър ёзиш иштиёқи пайдо бўлса, то шуни қоғозга туширмагунча ором топмайман. Агар шу шеърларимдан мухлисларим баҳраманд бўлишиб, менга Умида опа шеърингиз яхши чиқибди, дейишса, мен ҳақиқий ижод завқининг лаззатини туяман.

Шеърларимнинг кўпи қўшиқ бўлган. Қўшиқнинг кимдир оҳангидан, кимдир хонанданинг хонишидан ва яна кимдир менинг сатрларимдан қувониб, завқланиб ўтирса, унинг ажри савоби ҳар уч касб эгасига, хонанда, бастакор ва шоирга тегади. Улар орасида борлигимдан хурсанд бўламан ва ижод завқининг нақадар буюк туйғу эканлигига тан бераман. Бу ҳам ижодкорни руҳлантиради, изланишга, янги-янги шеърлар ёзишга ундайди. Биласизми, анча йиллар олдин бир йиғинда сўзга чиққан таниқли шоира ва журналист Мукаррама Муродова шундай деган эди: «Умидахон жуда бахтиёр аёл. Унинг мухлислари орасида нафақат катталар, балки болалар ҳам бор. Сизларга бир мисолни келтирсам, менинг уч ёшли неварам Хумоюн Умидахоннинг «Тикилиб, тикилиб қарайсан», «Севгингга севгилим вафоларинг шуми?» ва «Осмонга чироқсан оймома, нимага йироқсан оймома» дея бошланувчи қўшиқ бўлган шеърларини ўзича оҳангга мослаб куйлаб юради. Аслида мен ҳам, бобоси ҳам шоирмиз, лекин бизнинг шеърларимизнинг бир сатрини ҳам билмайди. Умидахоннинг шеърлари шунақа содда ва самимийки, юракка тез етиб боради. Балки неварам шу боис ҳам унинг шеърларини ёқтириб хиргойи қилиб юрса керак...» Ана ўшанда мен ўз ижодимдан қониқиш ҳосил қилганман.

– Ёзган шеърларингиздан кўнглингиз тўлмаган вақт ҳам бўлганми?

– Ижодкор қачонки, ўз ижодидан қониқиш ҳосил қилса, у изланишдан тўхтайди. Ҳар доим шеър ёзиб бўлганимдан кейин ўқиб кўраман ва бир гапни такрорлайман: яхши ёзмабман, бачканага ўхшайди. Кейин эса уни оммага ошкор қилгим келмайди. Ўша шеърим анча вақт стол устида ётади. Маълум вақт ўтганидан кейин уни ўқиб кўраман ва таҳрир қилишга тушаман. Қарабсизки, бинойидек шеърга айланади. Шунда яхши ҳам газетага бермабман, деб ўзимдан хурсанд бўламан. Ёшлигимда шундай дер эдим: шундай шеър ёзайки, уни ўқиганимда ёнимда отам қувонсин, укам, синглим, ёрим суюнсин, ҳамманинг юрагига бир хил кайфият кирита олай. Лекин афсус бундай шеър ҳали ҳам ёзганим йўқ. Чунки барчанинг кўнглини бирдай олиб бўлмас экан. Бироқ шундай бўлса-да мен ҳали ҳам кўнглимни тўлдирадиган ўз шеъримни қидираяпман. Топган куним – бу менинг ютуғим. Шоир учун аслида бахт, бу – изланиш демакдир. Унга етиб ҳам юрагингиз тинчимайди. Балки яна олдинга интиларасиз. Ҳали олдинда очилмаган қўриқлар, забт этилмаган чўққилар кўз олдингизда намоён бўлаверади.

– Қайси инсоний фазилатларни кўпроқ қадрлайсиз?

– Инсонлардаги хушмуомалаликни, кўнгли очиқликни ниҳоятда қадрлайман. Қандай вазиятда бўлмасин, ким бўлишидан қатъи назар тўғри муомала қила оладиган одам табиийки, яхши инсон сифатида тан олинади. Аммо бунга ҳар доим ҳам эътибор қилавермаймиз. Кўпчилик инсонларнинг баъзида кийинишига, мансабига, топиш-тутишига қараб муомала қилишларини кўриб кўнглим ранжийди. Бу ёлғон дунёда ҳамма нарса, мансаб ҳам топиш-тутиш ҳам ўткинчи. Инсонлар эса бир-бирига ғанимат. Буни эсдан чиқармасак бўлгани.

– Газетамиз мухлисларининг кўпчилик қисмини ҳарбийлар ташкил қилади. Уларга тилакларингиз.

– Ҳарбийларга ҳавасим келади. Кишини ўзига тортадиган кўркам либосидан тортиб, жиддий мулоҳазали қиёфасигача мени ўзларига ром этишган. Уларнинг хизматларини қадрлайман. Чунки осойишталигимиз ва ободлигимизда уларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Мен уларга оилавий бахт, соғлик-саломатлик ва узоқ умр тилайман. Ҳар доим юзларидан кулгу, лабларидан табассум аримасин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА суҳбатлашди.

Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор

ҚАЛБ ТУҒЁНИ МУБОРАК

Шеърият – қалб туғёни, шеърият – қалб кўзгусидир. Инсон юрагининг туб-тубида асраган, ҳеч кимга ошкор қила билмаган сирларини, ҳаётга бўлган меҳру муҳаббати, ҳис-ҳаяжонларини назмий сатрларга сингдиргиси келади, шеъриятга юкинади. Бунинг учун эса хассос қалб эгаси бўлиш билан бирга шеър ёзиш санъатидан бохабарлик, иқтидор ҳам зарур, албатта.

Таҳририятимизга келаётган даста-даста мактубларнинг кўп қисмини ҳаваскор шоирларнинг номалари ташкил этишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мактаб ўқувчиларидан тортиб ҳарбий хизматчилар, турли касб эгалари ва кексалик гаштини сураётган отахону онахонларимизнинг дил туғёнига ошно бўлиш бизга насиб этганидан хурсандмиз. Энг асосийси, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган мухлисларимиз ижодида Ватан, она юрт мадҳи, она тимсоли, тинчлик ва ҳурлик таронаси бош мавзу этиб танлангани, қувонарли ҳолдир. Бироқ бу ижод намуналарининг барчаси ҳам шеърият талабига бирдек жавоб беради, деб бўлмайди. Шу сабабли шарҳимизда бизга йўлланган шеърларнинг камчиликлари хусусида тўхталишни, ўз ўрнида ҳаваскор шоирларга маслаҳатлар беришни лозим топдик.

Кўнглингиз тоғдай кўтариб юрай, 10
То умрим борича парвона бўлай 11
Соғинганда сиз учун шеър ёзиб турай, 12
Таваллуд кунингиз қутлуғ онажон. 11

Бу сатрлар Навоий вилоятида йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Тельман Рўзимуродовнинг «Онажоним» шеърига мансуб. Эътибор қилган бўлсангиз сатрларда шеъриятнинг асосий талабларидан бири бўлмиш вазн, яъни бўғинлар сонига умуман эътибор қаратилмаган. Вазнсизлик эса туроқ бузилишига олиб келган. Тельманнинг «Тўлин ойдек», «Кўргим келади», «Қадрдон онам учун» номли машқларида ҳам юқоридаги камчиликни кузатиш мумкин. Сатрлардаги бундай номутаносиблик шифокор Асадбек Ҳайдаровнинг «Онангнинг дилини оғритма зинҳор», Шарофат Абдуазизованинг «Аскар», Абдурашид Ботировнинг «Сен ҳарбийга кетганингда» дея бошланувчи шеърларида ҳам мавжуд. Шунинг учун биз ушбу ижод намуналаридан фойдалана олмадик.

«Сизларга ижод маҳсулимни йўллашдан мақсад, сафларда турган ўғлонларимизнинг руҳиятини шеърларим орқали оз бўлсада кўтариш, Қуролли Кучларимизни мадҳ этиш», деб ёзибди Фарғона вилоятида истиқомат қилаётган мухлисимиз Мусожон Ҳошимов. Отахоннинг «Қуролли Кучлар» номли машқида.

Қуролли Кучлардир енгилмас
куч-қудратимиз,
Довюрак учувчи, тўпчилардир
шон-шуҳратимиз,

дея битилган пухта сатрларни учратиш мумкин. Аммо каттагина ҳажмга эга бўлган шеърда маъно жиҳатдан саёз ва қофиясиз битилган сатрлар мавжудлиги сабаб, улар шеърнинг тўлақонли чиқишини таъминлай олмаган. Бундай камчилик Андижон вилоятидан мактуб йўллаган Ҳошимжон Исоқовнинг «Мен хоин эмасман», «Севган қизига аскар мактуби» номли шеърларида ҳам кузатилади.

Шеърият талабларидан бири унинг жарангдорлигини таъминловчи гўзал ташбеҳлар ва қофиядир. Бизга йўлланган машқларнинг аксари қисмида сўз ясовчи қўшимчалардан қофия ўрнида фойдаланилган. Келинг, шу ўринда Навоий вилоятининг Нурота туманидан шеърий машқларини газетамиз саҳифаларида берилишига умид билдириб ижод намуналаридан юборган Мунира Набиеванинг қалб туғёнларига ошно бўлайлик:

Элим, элим яшна ҳалол покликда,
Яшна доим иноқликда, ҳақликда,
Нур сочгайдир гўзал боғлар, бўстонлар,
Биз яшасак доимо аҳилликда.

Бир қараганда мукаммалдек кўринган бу сатрларда умуман қофиядош сўзлар ишлатилмаган. Яъни «пок», «ҳақ», «бўстон», «аҳил» каби сўз ўзакларига сўз ясовчи қўшимчалар бириктирилган холос. Айтмоқчимизки, аввало сўзнинг ўзаги қофиядош бўлмоғи лозим. Шунингдек, Мунираннинг баъзи сатрларида маъно жиҳатдан мавҳумликни кузатиш мумкин. Юқорида келтирилган камчиликлар Нуробод туманидан мактуб йўллаган Улуғбек Эгамбердиевнинг «Аскар», кичик сержант Т.Ахматовнинг «Патончилар», оддий аскар Абдувоҳид Хатамовнинг «Соғинч» номли машқларида ҳам кузатилади.

Маъно, яъни шеърнинг руҳияти назм даргоҳининг асосий талабларидан биридир. Чунки шеърият мана шу қирраси билан мухлислар қалбини забт эта олади. Бироқ, ҳар қандай шоир ҳам ташбеҳларга ўралган юрак дардини гўзал мисраларга жо этиши, уни мухлисларга етказа билиши осон эмас. Ҳаваскор шоир Суюнбой Ўринбоевнинг дардли сатрларига ҳамнафас бўлсангиз буни дилдан ҳис қиласиз.

Нега мени жоним этиб маҳлиё,
Шаҳло кўзларинг-ла боқдинг термулиб.
Ўзга ёр қўлида оққуш мисоли,
Турарди бошгинанг ерга эгилиб.

Суюнбойнинг «Бахти қаро», «Сўнги сўз», «Сирли севги» номли машқларида айнан бир мавзу – айрилиқ қаламга олинади. Машқларнинг мазмун-моҳияти ҳам бир хил. Лекин ҳаваскор ҳижрон ўтида ёнган юрак дардини мисралар орқали очиб бера олмаган.

Учқўрғон туманининг Қўғай қишлоғидан нома йўллаган Ўктамхон Мирзараҳимованинг мактуби билан танишамиз. У шу қишлоқда истиқомат қилаётган Зулайҳо опанинг марҳум ҳарбий хизматчи ўғли Нодирбек Меҳмоновнинг хотирасига бағишлаб ёзган шеърини газетамиз саҳифасида берилишини сўраган. «Олиб кетдинг юрагимни сен» номли шеърнинг айрим сатрларига эътибор қаратсак:

Обрўлар орттирдинг,
дўстлар орттирдинг 11
Ватанни чин қўрғони эдинг. 9
Майли тинч ёт болажоним, 8
Руҳинг шод бўлсин доим. 7

Бу сатрлардан кўриниб турибдики, ушбу машқда шеър ёзиш техникасининг бирорта талабига жавоб берилмаган.

Мактублар билан танишишда давом этамиз. «... «Ватанпарвар» газетаси ижодкорларидан илтимосим аскарлар ўртасида Ватан ҳақида ҳикоя, шеър ва турли йўналишдаги асарлар ёзиш бўйича танловлар ўтказилса», дея таклиф билдирилган ҳолда таҳририятимизга «Биз буюк Ўзбекистон фарзандларимиз» номли машқини юборибди оддий аскар Дилмурод Жўрақулов. Унинг ижоди билан танишиб, адабиётга меҳри баландлиги, ёниқ юрак эгаси эканлигини ҳис қилдик. Аммо мукаммал шеър битиш учун бунинг ўзи камлик қилади, албатта. Дилмуродга маслаҳатимиз ўз устида кўпроқ ишлаши лозим.

Бу маслаҳат «Ватаним» номли шеър муаллифи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи Мақсудбек Шодмонов, «Сержантлар», «Тақдир йўллари», «Сарсон туналарим» машқларини йўллаган кичик сержант Исфандиёр Хушвақтовга ҳам тааллуқли.

Раҳмат сизга азиз онажон,
Ҳаётимнинг порлоқ қуёши.
Сизга таъзим қиламан ҳар он,
Сиз ўзингиз ҳаётнинг боши.

Ушбу сатрлар муаллифи бизга ўнга яқин ижод намуналаридан йўллаган ҳарбий оила фарзанди, VI синф ўқувчиси Севара Қосимова. Унинг машқлари билан танишиб юртимизда яна битта Зулфияхоним қизи қад ростлаётганидан хурсанд бўлдик. Шарҳимиз билан танишиб шеър ёзиш қонун-қоидасига риоя қилган ҳолда ижод қилса, албатта машқлари газетамиз саҳифасидан жой эгаллайди, деб умид қиламиз.

Азиз муштарийлар, шеърият мухлислари. Биз сизнинг ижодингизга холис ёндашишга ҳаракат қилдик. Аввало, ҳаёт нафасини, Ватан мадҳи ва тинчлик қадрини куйлашга жазм этганингизнинг ўзи катта бахт. Бу борада сизга қалб туғёни муборак деб қоламиз. Чунки бу ҳам эзгуликка қодирлик демакдир. Биз сизлардан албатта мукаммал ижод намуналарини кутиб қоламиз.

Зулфия ЮНУСОВА.

КИНО ОЛАМИДА

ҚАЙТАР ДУНЁ

Бугунги кунда телеэкранларда сериаллар намойиши одат тусига айланган. Сўнгги пайтларда телевидение орқали шу қадар хориж сериаллари кўп қўйилаяптики гоҳида киши ўйланиб қолади: қани энди ўзимизга мос миллий сериаллар кўпроқ яратилса. Буни қарангки, режиссёр Шавкат Жунайдуллаев «Қайтар дунё» деб номланган ўн беш қисмли янги картинасининг суратга олиш ишларини якунлабди. Ўзбекона ҳаётдан ҳикоя қилувчи сериалнинг шу кунларда монтаж ишлари ҳам деярли ўз поёнига етай деб қолди.

– Фильмнинг ўн сериясини тайёр ҳолатга келтирдик, – дейди биз билан суҳбатда дубляж режиссёри Камолиддин Усмонов. – Сериал дубляжининг муваффақиятли чиқиши учун юз нафардан ортиқ актёрларни жалб қилдик.

«Чархпалак» телесериалида асосий роллардан бирини талқин этган актриса Шоҳида Исмоиловани ушбу сериалда ҳам янгича бир қиёфада кўришимиз мумкин.

– Экрандаги анча танаффусдан сўнг Шавкат ака ушбу картинасига таклиф қилди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Исмоилова. – Мазкур сериалда турмуш ўртоғим билан асосий қаҳрамонлар қиёфасини гавдалантирдик. Томошабинлар сериални кўришгач, ўз баҳосини беришади.

Сериал воқеаларини кузатаркансиз, эр-хотин, ота ва фарзанд муносабатлари ўзига хос тарзда очиб берилганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, режиссёр ўзининг бу ишида ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратган.

– Шавкат ака Жунайдуллаевнинг учинчи ижодий иши устида ишлаяпман, – дейди Камолиддин Усмонов. – Асар ижодкорнинг аввалги ишларига қараганда анча мукаммал. Тўғрисини айтсам, миллий руҳда яратилган бундай картиналар кейинги пайтда анча камайиб бораётган эди. Бу ерда режиссёрнинг мавзуни танлай билгани айниқса, диққатга сазовордир. Овоз ёзиш жараёнида кўряпмизки, дўстлик, хиёнат ва муҳаббат каби композицион ечимлар ҳам халқимизнинг менталитетидан келиб чиққан ҳолда кадрга муҳрланган.

Ҳа, бугун экранларимиз ҳар қачонгидан-да миллий сериалларимизга муҳтож. Турли халқлар ҳаётини тарғиб қилувчи сериалларни ёшларимиз кўриб, гоҳида биз истасак-истамасакда, уларнинг ҳаёт тарзига тақлид қилишади. Миллий қадриятларимиз эса кўз ўнгимизда гавдаланмагач, биздан йироқлашаверади. Бу каби оддий жиҳатларга режиссёрларимиз катта эътибор қаратишса фойдадан холи бўлмасди. Корейс киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Сарой жавоҳири» сериалини ёдга олинг. Ушбу картинада Корея маданияти, тарихи қай даражада ёрқин акс этган. Наҳотки буюк ўтмишга эга бўлган халқимиз маданияти кадрларда жозибали кўринмаса.

Сейман НАЗАРОВ.

Наша история

СТРАНА ТЫСЯЧИ ГОРОДОВ

История какого-либо региона, если представлять ее образно, подобна некоему монументальному строению, складывающемуся по кирпичику изо дня в день, из века в век. В ней практически нет фактов, которые бы не отразились в той или иной мере в последующем. Некоторые, порой незначительные и, на простой взгляд, мелкие события, спустя столетия отзывались громким эхом.

Вклад Дашли-сапаллинской культуры – этого уникальнейшего исторического феномена, функционировавшего подобно живому организму на протяжении почти девяти веков, в развитие среднеазиатской и мировой культуры и государственности переоценить невозможно. Слишком многое из того, что появляется в те далекие времена, имеет место и позднее в неизменном или эволюционировавшем виде.

Именно в то время зарождаются первые урбанизационные процессы, появляются протогорода, каковым, по всей видимости, является Джаркутан и, с меньшей долей вероятности, Дашли-3. Эти процессы приводят в силу до поры до времени дремавшие могучие центробежные силы. По прошествии незначительного по историческим меркам отрезка времени греческие историки, пришедшие в Среднюю Азию за Александром Македонским, поражались количеству поселений, называя, в частности, Бактрию – землю, взрастившую носителей культуры Дашли-Сапалли, Страной тысячи городов. В более поздние времена арабские историки считали Среднеазиатское Междуречье уникальной территорией, с которой не могли сравниться по числу городов многие из провинций арабского Халифата. До сих пор территория современной Республики Узбекистан по урбанизационным и демографическим параметрам оставляет далеко позади себя соседние страны.

Области Средней Азии с древнейших времен в своем развитии были тесно связаны с историей Древнего Востока и всей древней ойкумены. Несмотря на значительное территориальное удаление от традиционных и всем известных центров мировых цивилизаций, исследованные древние среднеазиатские культуры, в частности Дашли-сапаллинская культура эпохи поздней бронзы, демонстрируют нам высочайший уровень материальной и духовной культуры, иногда даже превосходящей по ряду параметров аналогичные характеристики признанных цивилизаций.

Многие племена и народности Древнего мира прошли в своем развитии этап протогосударства. Весьма возможно, что в некотором роде таким протогосударством, протономом и является в древности территория распространения исследуемой нами культурной общности. В этом случае наиболее вероятным административным и культурным центром является Джаркутан. На западных окраинах этого образования находились стратегические, возможно, пограничные крепости – Сапаллитепа и Дашли-1.

В таком случае мы имеем дело с первым в истории протогосударством на территории современного Узбекистана.

Возможно, что в то время на всей территории Средней Азии не только существовали десятки мелких «княжеств» – Гонур, Тоголок, Улуг-депе, Намазга-депе, Алтын-депе и Джаркутано-дашлинское объединение, но и некое, по всей видимости, аморфное объединение этих протогосударств, с течением времени эволюционировавшее в известное по письменным источникам первой половины I тысячелетия до н.э. Великое древнебактрийское царство.

О таком образовании идет речь и в древнейших частях «Авесты» – священной книги первой из мировых религий – зороастризма.

Подытоживая, можно заключить, что ранняя городская культура, раннеклассовое общество и примитивная государственность, а также весьма прогрессивные элементы материальной культуры и во многом уникальная и довольно устойчивая религиозная система в Средней Азии сложились в эпоху поздней бронзы во II тысячелетии до н.э.

Камила ИРИСМАТОВА, магистрант.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наиль̀евич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Алижон Итолмасович САФАРОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3771. **Адади** 25600.